



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

21 октябрь –
Ўзбек тили
байрами кун



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДҒОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.10.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1150.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

4

ЭЪТИРОФ

АКАДЕМИК РАҲМОНҚУЛОВ ФЕНОМЕНИ

МУЛОҲАЗА

6

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ

8

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР ДИНАМИКАСИ
ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

МУҲИМ МАВЗУ

10

ЕР МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРДА
ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

14

МЕНИНГ ФИКРИМ

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШДА
АДВОКАТНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

16

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

17

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИДА ИНВЕСТИТОРЛАР
ВА ИНВЕСТИЦИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ҚОИДАЛАР

НУҚТАИ НАЗАР

20

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА
БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ФИДУЦИАР
МАЖБУРИЯТЛАРИ

22

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА
КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА
НОМАРКАЗЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ

ТАҲЛИЛ

25

СУДЛАРДА ИШНИ КЎРИШНИНГ ОШКОРА ВА
ОЧИҚЛИГИ ТАМОЙИЛИ:
НАЗАРИЯ ВА ДОКТРИНАЛАР

26

СУДЬЯ МИНБАРИ

МАСЪУЛИЯТИМИЗ МЕЗОНЛАРИ

27

ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБИНИ БУЗИШ ОҚИБАТИ
ЁХУД ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

28

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ СУД
КОНЦЕПЦИЯСИ

29

ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ВА ОДИЛ
СУДЛОВ: ТАДРИЖИЙЛИК, МАНТИҚИЙЛИК,
ДАВОМИЙЛИК

30

ЯНГИ ЖАМИЯТ СУДЬЯЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИЧА МЕЗОНЛАРИ

31

ТАДҚИҚОТ

СУДЬЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА
ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

33

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

35

ОЧИҚ СУД ТИЗИМИ КОНЦЕПЦИЯСИ:
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАЛАБИ ВА
ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР

37

ИНТЕРНЕТДАГИ ЭКСТРЕМИСТИК
МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ
КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

39

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО
ИНДЕКСЛАР ВА СУД ИСЛОҲОТЛАРИ:
ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

41

ВАСИЯТНОМАГА ОИД ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

43

БУДАПЕШТ КОНВЕНЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
ҚОНУНЧИЛИГИ: МУВОФИҚЛИК ТАҲЛИЛИ

45

СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ ВА
УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ

46

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАР УЧУН АДОЛАТ ВА
ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ
МЕХАНИЗМЛАР

ТЕМА ДНЯ

47

НЕЗАКОННЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ПОТОКИ
И ВОЗВРАЩЕНИЕ АКТИВОВ: РОЛЬ
МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ
ИНСТИТУТОВ

51

ПРОЦЕСС

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАРОДНЫХ ЗАСЕДАТЕЛЕЙ
В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ УЗБЕКИСТАНА

НОВЫЙ ЭТАП

53

ЭВОЛЮЦИЯ КАТЕГОРИИ ДОПУСТИМОСТИ
ДОКАЗАТЕЛЬСТВ: ИСТОРИЧЕСКИЙ
КОНТЕКСТ И ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ

56

ВАЖНАЯ ТЕМА

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КРЕАТИВНОЙ
ИНДУСТРИИ И ЕЁ ПРАВОВОЕ
РЕГУЛИРОВАНИЕ В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

58

СОДЕРЖАНИЕ ИНСТИТУТОВ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И ИХ
ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

61

ANALYSIS

COUNTERING CORRUPTION AS A FACTOR
IN ENSURING ECONOMIC SECURITY

АКАДЕМИК РАҲМОНҚУЛОВ ФЕНОМЕНИ

**Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов
таваллудининг 100 йиллигига**

**Алломаларимиз таъкидлаганидек, “Заковат
бор жойда улуглик бўлади.”**

Ҳақ гап...

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётган Устозимиз, академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов жуда катта заковат соҳиби бўлиб шу билан биргаликда У кишида улкан бир улуглик мужассам эди.

Бу ҳаётда шундай инсонлар бўладик, улар ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, бошқаларга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббат, поклиги ва ҳалоллиги билан инсонийликнинг энг олий чўққиларини забт этади.

Шунинг учун халқнинг фаҳрига айланадилар. Мана шундай улуг шахслардан бири – ўзбек халқининг, шунингдек, миллий юриспруденция соҳасининг ҳақли равишда дарғаларидан бирига айланган устозимиз Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловдир.

Устоз Ўзбекистон мустақиллигигача бўлган даврда ҳам, мустақилликдан кейин ҳам ҳуқуқшунослик илми ва фанининг ривожланишида бекиёс хизмат қилган инсон. Албатта, бошқа ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам эътирофга ва таҳсинга лойиқ, аммо, Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов бу жабҳада ҳақли равишда энг юқори погонани эгаллайди. У киши ўз илми, тажрибаси ва шахсий фазилатлари билан бутун бир авлод ҳуқуқшуносларининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатган.

Бу инсон – ҳақиқий феномен. Унинг қиёфаси, тафаккури ва интеллекти ҳақиқатан ҳам юксак, бекиёс даражада. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов ўзининг чуқур билими, илмий салоҳияти ва фидокорона меҳнати билан ўзбек халқини дунёга танитган инсондир, десак, муболаға бўлмайди. Академикнинг юзлаб илмий ишлари, фундаментал аҳамиятга эга бўлган асарлари орқали нафақат ҳуқуқшунослик фани, балки бутун ўзбек халқи илмий салоҳияти жаҳонга намён бўлди.

Куни кеча биз бир гуруҳ олимлар билан Устозимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик. Суҳбатдошларимиздан бири тўлқинланиб шундай деди: “Устозимиз Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловда илмдаги улуглик билан бирга ниҳоятда юксак камтарлик бор эди”. Ким бўлишидан қатъи назар — талаба бўладими, ёш олимми ёки ҳамкасб — ундан маслаҳат сўраса, устоз барча ишини четга суриб, аввал ўша инсоннинг муаммосини ҳал этишга киришар эдилар. Бугунги кунда кўпчилик инсонларни кўрамиз, аммо афсуски, бундай камтарлики ҳар доим ҳам учратавермаймиз. У киши “бошқа куни келинг” ёки “вақтим йўқ”, деган сўзни ҳеч қачон айтмаган. Ана шу оддий, лекин буюк фазилатлари билан устоз кўпчиликка ҳақиқий ибрат ва намуна бўлиб қолди.

Менинг фикримча, бунинг барчаси Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловга Яратгандан берилган бекиёс инсоний фазилатларнинг жамул-жам намёнидир. У зотда илм, поклик, камтарлик ва

инсонпарварлик каби фазилатлар бир бутун ҳолда уйғунлашган эди. Шунинг учун ҳам у киши нафақат буюк олим, балки юракдан севадиган, ҳар кимга яхшилик улашган ҳақиқий инсон сифатида хотирамизда яшайди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илм-фан ва маънавият соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Илм-фан дарғаларининг ҳаёти, уларнинг юртимиз тараққиётига кўшган бекиёс ҳиссасига бўлган эътибор янги, юксак босқичга кўтарилди – буни ҳақли равишда таъкидлаш лозим. Забардаст олимларимиз, буюк устозларимизнинг юбилейлари кенг нишонланаётгани ҳам айнан шу эътибор ва қадрнинг ёрқин ифодасидир.

Минг афсуски, илм ҳам, олим ҳам муносиб қадрини топмаган замонлар бўлди. Буни яшириб бўлмайди. Лекин бир ҳақиқат борки, ҳақиқий илм ҳам, ҳақиқий инсонийлик ҳам ҳеч қачон унутилмайди. Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловнинг ҳаётлик давридан кейин ҳам у кишига бўлган ҳурмат, илмий меросига бўлган эътибор шуни яққол исботлаб турибди – илм жисман йўқолмайди, у абадий қадр ва қиймат билан яшайди.

Бу инсоннинг илмий-ижодий ва ҳаётий фаолияти ҳақида юзлаб мақолалар ёзилган, ҳатто унга бағишлаб монографик асарлар ҳам яратилган. Аммо бу барча ишлар шунчаки улуглаш эмас – балки у кишининг амалий ҳаётда, биз шогирдларига қолдирган илмий мероси ва асарлари орқали, энг ишончли далиллар асосида улугланиши билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, устознинг шахсий меҳнати ва илмий изланишларининг ҳақиқий қийматини яна бир бор намён этади.

Яқинда юридик соҳада муносиб хизмат қилган устозларимиздан бири – Омон ака Оқюлов домланинг ташаббуси билан фуқаролик ҳуқуқи йўналишининг дарғаси саналган Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловнинг мустақилликини дастлабки йилларида чоп этилган фундаментал илмий асари – “Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар” ҳамда камина муаллифлигида 2024 йилда нашрдан чиққан “Шахсий ҳуқуқлар: миллий қонунчилик ва ҳақоро стандартлар” номли ўқув қўлланма биргаликда битта китоб шаклида нашр этилди. Ўйлайманки, Омон Оқюлов домланинг гоё ва ташаббуси асосида тайёрланган ушбу мўъжазгина рисола юриспруденция фанини ўрганаётган талабалар ва ҳуқуқшуносликка қизиққан ҳар бир киши учун муҳим қўлланма



бўлиб хизмат қилади. Бу хайрли ишдан Устознинг ҳам руҳлари шод бўлади...

Агар Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг илмий фаолиятига назар ташласак, ҳайратланарли манзара намоён бўлади. Устоз ўзининг узлуксиз меҳнати ва илмий изланишлари орқали бир қатор нуфузли таълим даргоҳларининг ҳақли равишда фахрий профессори унвонига сазовор бўлган.

1960 йили июнь ойида Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов Ленинград университети юридик факультетининг Илмий кенгашида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 1970 йил январь ойида эса Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов "Саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги товар айланиши соҳасидаги шартнома муносабатлари" мавзусидаги докторлик диссертациясини айна шу олийгоҳнинг ўша илмий кенгашида ҳимоя қилади. Унинг диссертация мавзуси бўйича 1969 йилда эълон қилинган 22,5 босма табоқ ҳажмидаги монографияси ўша пайтдаги Иттифоқ юридик жамоатчилигининг юқори баҳосига сазовор бўлган. "Давлат ва ҳуқуқ" академик журналининг 1971 йилги сониди бу китобга ижобий тақриз эълон қилинади.

Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг илмий асарлари тўғридан-тўғри амалиётга йўл олади. Масалан, унинг Москвада "Юридическая литература" нашриётида эълон қилинган "Қишлоқ хўжалигини моддий-техника билан таъминлаш (қонунчилик ва амалиёт)" мавзусидаги монографияси (1980 йил, 6 босма табоқ), аслини олганда, мазкур муаммога бағишланган дастлабки иш бўлган.

Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов амалиётни ўрганиш ва қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш асосида кўрсатиб ўтилган монографияда ишлаб чиқариш техника аҳамиятидаги маҳсулот билан таъминлашнинг барча ҳоллари учун ягона қонун ҳужжати ишлаб чиқиш ва бунда муносабатларнинг яна шу соҳасида шартноманинг аҳамиятини кучайтириш масаласини асослаб берган. Унинг хулосалари ва таклифлари даврий матбуотда ва мутахассисларнинг мақолаларида қўллаб-қувватланади. Натижада СССР Министрлар Советининг 1988 йил 25 июлдаги 888-сонли қарори билан шартнома бўйича муносабатларни уларнинг иштирокчилари хўжаликнинг қайси тармоғига мансублигидан қатъи назар тартибга солиши лозим бўлган ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотни етказиб бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

Устозга 1980 йил 3 октябрда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ВАКнинг қарори билан "Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процесси, халқаро хусусий ҳуқуқ" иқтисослиги бўйича профессор илмий унвони берилади.

Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг илмий асарларида илгари сурилган айрим назарий қоидалар, амалий таклифлар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов томонидан ташкил этилган ва унинг таҳрири остида эълон қилинган бир гуруҳ муаллифларнинг "Ҳуқуқ ва бозор: ривожланишнинг назарий муаммолари" деб аталувчи асарида илмий жиҳатдан ишлаб чиқилди, шунингдек, бу мавзуга унинг "Мулк ҳуқуқи" (1998 йил), "Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги" (2000 йил), "Олди-сотди шартномаси" (2000 йил) деб аталувчи асарлари бағишланган.

Устоз 1986-1999 йиллар – Ўзбекистон Республикаси ФА "Давлат бошқарув ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятлари"

илмий муаммолар кенгашининг раиси, 1989-1991 йиллар – Ўзбекистон Республикаси ФА И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, 1991 йил – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоси ҳамда 1992-2000 йиллар – Қозоғистон Республикаси Давлат ва ҳуқуқ институти Докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича ихтисослаштирилган кенгашнинг аъзоси каби турли нуфузли лавозимларда ишлайди.

Устоз Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов 2000 йил Ўзбекистон Республикаси ФА академиги этиб сайланади.

У киши Ўзбекистонда биринчи юридик фанлар номзоди ва доктори бўлиб, фуқаролик, хўжалик, оила ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларида юксак илмий салоҳиятга эга йирик олим сифатида танилган.

Устоз ўзининг танлаган илмий йўналиши бўйича мустақил илмий мактаб яратди ва уни ривожлантириш йўлида улкан меҳнат қилди. Бу мактаб вакиллари томонидан тадқиқ этилаётган масалалар мамлакатимиздаги муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, унинг эркинлашуви ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳуқуқий майдонидаги мавқеи билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу инсон мамлакатимиздаги йирик Фалсафа ва ҳуқуқ институтига асос солган, унга узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган, тарихда ўз номини қолдирган буюк олим ва раҳбар сифатида эътироф этилади.

Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг ҳуқуқ фанини ривожлантиришдаги хизматлари унинг муҳаррирлик иши билан ҳам боғлиқ. У 70 дан зиёд илмий асарнинг муҳаррири, фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам тайёрланган кўплаб монографиялар ва диссертация ишларининг рецензентидир.

Ўзбек совет энциклопедиясини нашрга тайёрлашда Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов улкан ижодий ишни бажаради. ЎзСЭ "Давлат ва ҳуқуқ" секциясининг аъзоси бўлгани ҳолда энциклопедияга киритилиши зарур бўлган юридик атамаларни ва мақолаларни муҳокама қилиш ишларида, тайёрланган мақолаларни ўрганиб чиқиш ва илмий жиҳатдан таҳрир қилишда бевосита иштирок этади. Унинг ўзи 40 дан ортиқ мақола ёзди ва ЎзСЭда эълон қилади.

Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг катта ташкилотчилик қобилияти унинг Ўзбекистон Республикаси ФА "Давлат, бошқарув ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятлари" илмий-муаммолар кенгашининг раиси вазифасидаги ишида ёрқин намоён бўлди. 1986 йилдан эътиборан Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов бошчилигидаги кенгаш илмий муассалалар ва ўқув юртларининг илмий йўналишларини аниқлаш, ҳуқуқий муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар мавзуларини келишиб олиш ва мувофиқлаштириш юзасидан муҳим вазифани бажаради.

Устознинг фазилатларини санаб адо этиш қийин. Мен айтми, бу соҳада таҳсил олаётган ёшлар ёки фаолиятини энди бошлаётган ҳуқуқшуносларга: агар кимдир ҳуқуқ соҳасида юксак мутахассис бўлишни истаса, у ҳолда бу инсоннинг юксак шахсияти ҳамда бекиёс фаолиятини ўрганиши шарт. Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов ҳақиқий устоз, ҳақиқий эталон ҳисобланади, деган бўлардим.

Илҳом НАСРИЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома давлат харидлари тизимининг асосий ҳуқуқий воситаси сифатида ижтимоий аҳамиятга эга товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Бироқ, амалиётда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома тузилганидан сўнг уларнинг шартларини ўзгартириш ва бекор қилиш масалалари вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда шартларни ўзгартириш умумий асослари белгиланган бўлса-да, амалиётда уларнинг қўлланилишида ягона назарий ва ҳуқуқий ёндашув етишмайди.

Халқаро ҳуқуқда ва хорижий давлатлар қонунчилигида эса давлат харидлари тўғрисидаги шартнома шартлари ўзгартиришнинг илғор механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг таҳлили ҳамда миллий амалиётга татбиқ қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Давлат харидларига оид қонунчиликнинг асосий мақсади харидларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қаратилганлиги сабабли у ёки бу вазиятларнинг ўзгариши давлат харидлари тўғрисидаги шартнома шартларининг ўзгаришига олиб келади. Бунда шартномани ўзгартиришнинг усулларидан қўшимча келишув тузиш ҳисобланади. Бироқ, давлат харидларига оид миллий қонунчилигимизда айрим истисноларни назарда тутган ҳолатда унинг муҳим шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Бундай вазиятда муддатни ўзгартириш масаласи тадқиқ қилинганда шартноманинг амал қилиш муддати ва мажбуриятларни бажариш муддати тушунчаларининг бир-биридан фарқ қилишига эътибор қаратиш зарур.

ФКнинг 357-моддасига кўра, шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин. Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришнинг шартномада белгилаб қўйилган охириг муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади¹.

Муддат шартноманинг муҳим шarti ҳисобланади, уни ўзгартириш эса фақат қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда йўл қўйилиши мумкин.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг ўз вақтида ижро этилиши буюртмачи ва ижрочи ҳам боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Мисол учун ижрочи сув қувурларини алмаштираётганда унинг хусусий бионинг ертўласи орқали ўтганлигини аниқлайди. Қувурни алмаштириш учун эса деворни бузиш керак, мулкдор эса бунган рухсат бермайди. Ўз навбатида ижрочи шартномавий мажбуриятларини ўз муддатида бажара олмайди. Шартномани ижро эта олмаслигининг бундай вазияти енгиб бўлмайдиган куч ҳолати бўлиб ҳисобланмайди. Буюртмачи шартнома муддатини узайтиришга ҳақли эмас.

Бундай ҳолатларда қонунда маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи ва ишларни бажарувчининг мажбуриятларини ижро қилиш муддатини узайтирилиши тўғридан тўғри назарда тутилмаган.

Мазкур ҳолатда вазиятга форс-мажор ҳолат деб баҳо бериш учун ҳам қонунчиликда етарли асослар мавжуд эмас.

Қонунчиликда айби мавжуд эмаслиги ҳолатлари исботланган тақдирда ижрочи неустойка шаклидаги жавобгарликдан озод бўлиши мумкин. Бироқ, буюртмачида ҳам ижрочида ҳам шартнома муддатини узайтиришга ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.

Бу эса, давлат харидларига оид қонунчиликда ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлиги, шунингдек, Олий суд томонидан мазкур ҳолатда низоларни ҳал этишда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида тушунтириш берилиши заруриятини таъқозо этади.

Бундан ташқари, тўловлар (тўлов муддатлари, аванс миқдорлари) ҳам давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Инсофли рақобатни таъминлаш мақсадида ҳам қонунчилик тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартириш киритилишини таъқиқлайди. Д.Павлов бундай талаб айрим турдаги харидлар учун ортиқча эканлигини таъкидлайди².

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун 34-моддасининг ўнинчи қисмига кўра, харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув унинг муҳим шартларини, хусусан товар (иш, хизмат), унинг сифати ва

ассортиментини ўзгартириш, миқдорини ва баҳосини ошириш ҳамда етказиб бериш муддатини узайтириш тарзида ўзгартирмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг ўн фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча ишлар ва хизматларни амалга ошириш юзасидан ўзгартириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат харидларига оид қонунчиликда аванс тўлови — қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси эканлиги назарда тутилган³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2011 йилдаги 241-сон қарори билан “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра харид қилинадиган товарларнинг (ишлар, хизматлар) аванс тўловлари миқдори белгиланган, кўмир, пахта линти, геология-қидирув ишлари, минерал ўғитлар шартнома умумий суммасидан 30%, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари шартномасининг умумий суммасидан 100%, сугурта (ихтиёрий ва мажбурий) шартнома бўйича сугурта муқофоти суммасидан 100% аванс тўловлари амалга оширилиши белгиланган⁴.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, Японияда ёрдамчи пудратчилар учун бош пудратчилар томонидан аванс тўловларини амалга ошириш мажбурияти юкланган⁵.

Жанубий Кореяда эса давлат органлари шартнома шартларига мувофиқ ва тегишли кафолатлар билан етказиб берувчиларга аванс тўловларини амалга ошириши мумкин⁶.

Ҳиндистонда⁷ етказиб берувчиларга олдиндан тўловлар фақат техник хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш шартномалари каби истисно ҳолларда рухсат этилади ва банк кафолати каби тегишли хавфсизликни талаб қилади.

Россия Федерациясида давлат харидлари бўйича аванс тўловлари 2013 йил 5 апрелдаги 44-ФЗ-сонли “Давлат ва муниципал эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш соҳасидаги шартнома тизими тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 96-моддасига асосан аванс тўлови таъминланиши шарт, бу эса шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зарурлигини билдиради.

Қозғоғистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига биноан шартномада аванс тўлаш назарда тутилиши мумкин. Етказиб берувчи, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, аванс тўловига тенг миқдорда аванс тўловини таъминлаши шарт⁸.

Назаримизда, хорижий мамлакатларнинг аванс тўлови билан боғлиқ илғор қоидаларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш, унинг мезонларини ишлаб чиқиш харидлар самарадорлигини оширган бўлар эди. Чунки, қонунчилик шартномани тузиш жараёнида аванс тўловлари ҳақида назарда тутган бўлса-да, бироқ у тузилганидан сўнг аванс тўловлари бўйича қўшимча келишув тузишлари қонун бузилиши сифатида қабул қилинади.

Айниқса, ушбу масала ягона етказиб берувчидан давлат хариди амалга оширилганда муҳим ҳисобланади. Чунки, ягона етказиб берувчилар бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан олиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширадиган.

Ягона етказиб берувчилар билан давлат харидлари амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ягона етказиб берувчи сифатида белгиланган субъектлардан давлат харидлари, табиий монополия субъекти товарлари-

нинг (ишларининг, хизматларининг) давлат харидларида содалаштирилган тартибда шартнома шартларига ўзгартириш киритиш мумкинлигини белгилаш мумкин.

Назаримизда, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда айрим турдаги муносабатларни аниқ белгилашга эҳтиёж мавжуд, жумладан ободонлаштиришда бошланғич сумманинг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча ишлар ва хизматларни амалга ошириш юзасидан ўзгартириш киритилиши мумкинлиги, шунингдек предмети шахарсозлик қонунчилигига асосан курилиш назорати амалга ошириш билан боғлиқ ишларда ҳам муддатни узайтириш юзасидан ўзгартирилишига имконият берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, шартноманинг муҳим бўлмаган шартлари, яъни ўзгартирилишига қонунда таъқиқ белгиланмаган шартлар мавжуд, булар шартнома томонларининг номлари, молиялаштириш манбалари ва реквизитлари ўзгарилиши бўлиши мумкин, бироқ булар ҳам қўшимча келишув тузилишини талаб этади.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома амал қилиш даврида юридик шахс, шу жумладан қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилиши мумкин⁹.

Айрим давлатларнинг қонунчилиги давлат харидларида ҳуқуқий ворисликка йўл қўяди, жумладан АҚШ, Россияда пудратчининг бирлашиш, қўшиб олиш ёки номи ўзгарган тақдирда ҳуқуқий ворисни тан олиш тартибини тавсифлайди. Ушбу қоидаларга кўра, ҳуқуқий ворис зарур ҳужжатларни тақдим этган ва буюртмачининг розилигини олган тақдирда, шартномани бажаришни давом эттириши мумкин. Агар ҳуқуқий ворислик тан олинмаса, шартнома бекор қилиниши мумкин.

Давлат харидларига оид миллий қонунчилигимизда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклифларни баҳолашда фойдаланиладиган имтиёзлар ва преференциялар берилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Давлат харидларида товар келиб чиққан мамлакатни ўзгартириш жуда мураккаб масала бўлиб, у ҳам халқаро стандартлар масалан, ЖСТ мажбуриятлари ёки минтақавий келишувлар ҳамда миллий қонунчилик билан тартибга солинади.

Товарнинг ишлаб чиқарилган мамлакатни одатда давлат харидида иштирок этиш учун ариза бериш вақтида аниқланади ва ҳужжатларда кўрсатилади, шартнома тузилганидан кейин товар келиб чиққан мамлакатнинг ўзгариши шартноманинг муҳим шартларини ўзгартириш сифатида қаралиши мумкин, бу қоида тарикасида қонунчиликда назарда тутилиши керак.

Ҳуқуқий нуктаи назардан, товарнинг келиб чиқиши жойи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга харид қилишнинг ҳуқуқий режими, шу жумладан имтиёзлар, чекловлар ва миллий режим талабларини қўллаш боғлиқ.

Фуқаролик ҳуқуқи ва давлат харидлари назариясида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бевосита таъсир кўрсатадиган давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг муҳим шартларини ўзгартиришга фақат қонунчиликда назарда тутилган истисно ҳолларда рухсат этилади.

Товарнинг келиб чиқиши мамлакатни бевосита иштирок этиш имкониятига, товарнинг миқдорнинг талабларига (шу жумладан миллий режимга) мувофиқлигига таъсир қилганлиги сабабли, шартнома тузилгандан кейин унинг ўзгариши муҳим шартнинг ўзгариши сифатида баҳоланади.

Илмий адабиётларда товар келиб чиққан мамлакатни ўзгартириш нафақат шартнома мажбуриятларини, балки рақобат ва харидларда тенг ҳуқуқлилик тамойилларини ҳам бузиши таъкидланади.

ЖСТ тўғридан-тўғри миллий режим тамойилини, шунингдек, товарларнинг келиб чиқишига кўра камситишнинг таъқиқланишини белгилайди. Шартнома тузилгандан кейин товар келиб чиққан мамлакатни ўзгартириш ушбу тамойилнинг бузилишига олиб келиши мумкин¹⁰.

Европа Иттифоқи мамлакатларида (масалан, Германия, Франция, Италия) товарларнинг келиб чиқиши жойининг ўзгариши шартноманинг асосий (муҳим) элементининг ўзгариши сифатида кўриб чиқилади, бу эса такрорий харид тартибини талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товар келиб чиққан жой номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бундай ўзгари-

риш иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлиги ва харид қилиш тартибининг шаффофлиги тамойилларини бузишга олиб келиши мумкин. Ушбу чеклов томонларнинг мажбуриятлари барқарорлигини таъминлаш ва миқдорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунга кўра, ЖСТ, ЮНСИТРАЛ қоидалари, Истамбул ҳаракатлар режасининг 5-раунди ҳисоботи ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунга давлат харидлари тўғрисидаги шартномани бекор қилиш асосларига оид алоҳида модда билан тўлдириш таклиф этилади:

"-модда. Шартнома лойиҳасига, тузилган шартномага ўзгартиришлар киритиш асослари

Етказиб берувчини танлаш учун асос бўлган сифат ва бошқа шартлар ўзгаришсиз қолиши шарт билан шартнома қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

1) томонларнинг товарлар, ишлар, хизматлар нарҳини ва шунга мос равишда шартнома баҳосини пасайтириш ўзаро келишувига асосан;

2) агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган бўлса ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда бундай ўзгартириш миқдори учун қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, шартнома баҳосини оширишда;

3) сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматлар миқдорига бўлган эҳтиёжни камайтириш ёки ошириш мақсадида шартномада кўрсатилган товарлар, ишлар, хизматлар бирлиги учун баҳо ўзгаришсиз ҳолатда шартнома миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш тўғрисида, ушбу қисмининг иккинчи кичик бандида кўрсатилган ишлар, хизматлар бундан мустасно; Бундай ўзгартиришга бюджет маблағларини тежаб мақсадида йўл қўйилади.

4) агар етказиб берувчи шартномани бажариш жараёнида шартнома предмети бўлган товар, иш ёки хизмат бирлиги учун баҳони ўзгартирмаган ҳолда сифати ва (ёки) техник тавсифи ёки товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш муддати ва шартлар асосида яхшилانган таклиф билдирса;

5) солиқ, божхона ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришлар туфайли кейинги молия йилида тугалланадиган ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаси баҳосини камайтириш ёки кўпайтириш;

6) давқулдорда ҳолат ёки карантин чекловлари жорий этилиши муносабати билан шартномани бажариш муддатларини ўзгартириш;

7) етказиб берувчи пул талабини (факторинг) бошқа шахсга ўтказиш бўйича молиялаштириш шартномасини тузаётганда пул олувчининг реквизитларини (банк ҳисобварақларини) ўзгартириш бўйича;

8) пеня, жарималар ва неустойкага ушлаб қолиниши (ундирилиши) муносабати билан шартнома баҳосини камайтириш;

9) буюртмачи ва (ёки) етказиб берувчининг реквизитларини (банк ҳисобварақларини) ўзгартириш;

10) табиий монополия соҳасида давлат органи томонидан тасдиқланган тарифлар (нархлар) ўзгариши муносабати билан шартнома баҳосини ўзгартириш;

11) буюртмачининг иш бажарилаётган жойдан фойдаланиш ёки шартномада назарда тутилмаган синовлар ва (ёки) экспертизаларни ўтказишни таъқиқлаши муносабати билан мажбуриятларни бажариш муддатини ўзгартириш.

Маликахон КАЛАНДАРОВА,

Судьялар олий кенгаши судьяси, ю.ф.н., доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/111189>
2. Д.М.Павлов Отдельные правовые проблемы запрета изменения существенных условий государственного контракта при его исполнении // Образование и право № 2 • 2018
3. <https://lex.uz/docs/6026643>
4. <https://lex.uz/docs/1856110>
5. <https://www.japaneselawtranslation.go.jp/en/laws/view/3763/en>
6. https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=54781&lang=ENG
7. https://doe.gov.in/files/circulars_document/Final_GFR_upto_31_07_2024.pdf
8. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_144624/de5cd3096c9ee62ef4e4a
9. https://www.acquisition.gov/far/part_42#FAR_Subpart_42_12
10. https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/rev-gpa_115.pdf

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР ДИНАМИКАСИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда суд тизимини оптималлаштириш жараёнининг асосий йўналишлари ва босқичлари таҳлил қилинган. Муаллиф глобал тенденциялар ҳамда Нидерландия, Франция, Германия, Швеция, Корея, Япония ва Канада тажрибасини ўрганган ҳолда миллий ислоҳотларни қиёсий таҳлил қилади. Шу билан бирга, мақолада киберхавфсизлик, ҳудудий омиллар ва суд мустақиллигини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳам қайд этилган.

Калит сўзлар: суд тизими, оптималлаштириш, рақамли суд, сунъий интеллект, институционал ўзгаришлар, ислоҳотлар, ҳуқуқий ҳимоя, кадрлар тайёрлаш.

Глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида суд тизимини модернизациялаш дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида долзарб масалага айланди. Пандемия даврида анъанавий суд жараёнларининг чекланганлиги суд тизимларини янги чақириқларга мос тарзда трансформация қилиш зарурлигини кўрсатди.

Дунёнинг ривожланган давлатларида суд тизимини оптималлаштириш назарияси ва амалиёти бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган. Профессор Pim Albers ўз тадқиқотида таъкидлашча: «Судларни бирлаштириш нафақат иқтисодий самара беради, балки судьяларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш ва суд амалиётини унификация қилиш имконини яратди»¹.

Француз олими Jean-Paul Jean Францияда 2020 йилда қабул қилинган суд ислоҳоти натижаларини таҳлил қилиб, шундай ёзади: «Кичик судларни бирлаштириб, минтақавий марказларда мутахассислашган судлар ташкил этиш натижасида ишларни кўриб чиқиш муддати 30 фоизга қисқарган ва суд қарорлари сифати сезиларли даражада яхшилланган»².

Германия тажрибасини ўрганган профессор Matthias Jahn таъкидлашча: «Меҳнат судлари ва интеллектуал мулк судларининг алоҳида фаолият юритиши натижасида бу соҳалардаги низоларни ҳал қилиш сифати 40 фоизга яхшилланган ва суд амалиёти бирхиллаштирилган»³. Швеция тажрибасини таҳлил қилган профессор Anna Nylund эса меҳнат низолари бўйича ихтисослашган судлар мавжудлиги туфайли бу турдаги ишларни кўриб чиқиш муддати 50 фоизга қисқарганини қайд этади⁴.

Япониянинг интеллектуал мулк соҳасидаги тажрибаси ҳақида профессор Yoshiyuki Tamura шундай ёзади: «Ихтисослашган судларнинг мавжудлиги интеллектуал мулк соҳасидаги мураккаб низоларни тўғри ҳал қилиш эҳтимолини 70 фоизга оширган ва бу соҳада инвестициялар ҳажмининг ўсишига олиб келган»⁵.

Рақамли трансформация масалаларини тадқиқ қилган британиялик эксперт Richard Susskind таъкидлаганидек: «Суд тизимини оптималлаштириш – бу фақат ташкилий ўзгариш эмас, балки одил судлов сифатини оширишнинг фундаментал воситасидир»⁶. Канада тажрибасини ўрганган профессор Trevor Farrow суд тизимини оптималлаштириш натижасида фуқароларнинг адлияга эришиш имкониятлари 45 фоизга яхшилланганини ва суд харажатлари 30 фоизга камайганини таъкидлайди⁷.

Россиялик олим О.А. Капустин рақамли технологияларнинг суд тизимига таъсири ҳақида фикр билдириб: «Рақамли платформалар нафақат ҳудудий-географик омиллар билан боғлиқ суд институтларини жиддий ўзгартиради, балки суд тизими ҳақида принципал янги тасаввур шакллантиради»⁸, деб таъкидлайди. Сингапурлик тадқиқотчи G.Y. Ng сунъий интеллектнинг суд тизимидаги роли ҳақида: «Сунъий интеллект технологиялари суд қарорларининг изчиллигини таъминлаш ва суд амалиётини унификация қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади»⁹, деб ёзади. Ушбу олимларнинг турли давлатлар тажрибаси асосида билдирган фикрлари суд фаолиятини оптималлаштириш ва соҳага рақамли технологиялар киритиш жараёнининг бутун дунё давлатлари учун долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Биринчи босқич (2017-2020 йиллар) давомида маъмурий судлар институти ташкил этилди. Президентнинг 2025 йил 30 январдаги ПҚ-33-сон қарорида таъкидланганидек: «2017 йилдан бошлаб фаолият юритаётган маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган 120 мингга яқин ариза ва шикоятларнинг 57 фоизи қаноатлантирилиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланган»¹⁰. Бу рақамлар маъмурий судларнинг самарадорлигини ва фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларида ҳуқуқий ҳимоя механизmlарининг кучайганлигини кўрсатади.

Иккинчи босқич (2021-2024 йиллар) «бир суд - бир инстанция» тизимини жорий этиш билан характерланади. 2021 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумий юрисдикция судлари ташкил этилиб, суд ишларини назорат тартибиде кўриб чиқиш институти бекор қилинди. 2023 йилда эса «ягона дарча» принципи асосида юрисдикциядан қатъи назар аризаларни қабул қилиш¹¹ ва муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал этишни таъминлаган ҳолда ишларни ваколатли судга ўтказиш тизими жорий этилди.

Учинчи босқич (2025 йилдан бошлаб) комплекс институционал ўзгаришлар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-140-сон фармонининг 13-бандида белгиланган ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар тубдан янги суд тизими архитектурасини яратди. 2026 йил 1 январдан иқтисодий судлар тизимини оптималлаштириш мақсадида туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларини тугатиб, вилоят марказларида туманлараро иқтисодий судларни ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 148 та иқтисодий судья штатлари қайта тақсимланади.

ПФ-140-сон фармонда белгиланган «Рақамли суд» концепцияси суд тизимининг технологик модернизациясида инқилобий ўзгаришларни назарда тутди. Фармоннинг 3-бандида судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатларни шакллантириш; муножаатларни судга электрон шаклда юбориш; суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этиш; сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимида матн шаклида тайёрлаш; суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш каби инновацион механизмлар белгиланган¹².

Фармонга мувофиқ, Олий суднинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси негизида Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект департаменти ташкил этилади. Департаментнинг 30 штат бирлиги доирасида ташкил қилиниши суд тизимида биринчи марта технологик трансформацияни бошқаришга ихтисослашган тузилма юзага келганлигини англатади.

2025-2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш дастури муҳим вазифаларни белгилайди: 2025 йил 1 декабрдан норма-

тив-хуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш; 2026 йил 1 январдан "my.sud.uz" порталида сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчини яратиш; 2026 йил 1 мартдан фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича дастлабки суд маълумотларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратиш.

Суд тизимида кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлганлигини қайд этиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-141-сонли фармони суд тизими учун кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги моделини жорий этади. Судьялар олий мактаби негизда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини ташкил этиш нафақат номни ўзгартириш, балки таълим траекториясини қайта қўриб чиқишни англатади. Фармонда белгиланганидек: "Академияда таълим жараёни устоз-шогирд аъъанаси асосида "бўлажак судьяни судья ўқитади", "назария - амалиёт-имитация" тамойиллари мuvoфиқ ташкил этилади"¹³.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро тажрибанинг энг яхши намуналарини ўзлаштиришга асосланган. Медиация институтининг ривожланиши натижасида 2020-2024 йиллар давомида 20 мингдан ортиқ иш медиатив келишув тузиш орқали қўнунланди. Фуқаролик ишлари бўйича медиатив келишувлар сони 2020 йилдаги 122 тадан 2024 йилда 3016 тага (24,7 марта), иқтисодий ишлар бўйича эса 435 тадан 3238 тага (7,4 марта) ошган. Тошкент шаҳрида 2024 йилда фуқаролик ишларида 1023 та, иқтисодий ишларда 773 та медиатив келишув тузилган.

«E-SUD» тизимининг жорий этилиши билан судларга ташриф буюриш ўртача 3 баробар камайди. Бу натижалар Эстония ва Сингапур тажрибасига мос келади, у ерда рақамли платформалар орқали суд хизматларининг 80 фоизи онлайн режимда кўрсатилади.

Қайд этиш зарурки, суд тизимини оптималлаштириш жамият ва давлат учун ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий самара келтиришга қаратилган.

Оптималлаштириш жараёнининг иқтисодий самараси бир неча йўналишда намоён бўлади. Биринчи, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларини тугатиш орқали маъмурий харажатлар сезиларли камаяди. Иккинчи, судларнинг концентрацияси натижасида инфратузилма харажатлари оптималлаштирилади. Учинчи, рақамли технологияларни жорий этиш ташкилий харажатларни 30-40 фоизга камайтириш имконини беради.

Суд тизимини оптималлаштиришдаги ижтимоий самара фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларининг кенгайишида намоён бўлади. «Рақамли суд» концепцияси доирасида фуқаролар суд биносига ташриф буюрмасдан, масофадан туриб суд жараёнларида иштирок этиши мумкин бўлади. Бу айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, узоқ ҳудудларда яшовчи фуқаролар ва вақт чекловлари бўлган тадбиркорлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд тизимини оптималлаштириш жараёни комплекс характерга эга бўлиб, у ўз ичига институционал, технологик ва кадрлар тайёрлаш йўналишларини қамраб олади. 2025 йил августда қабул қилинган Президент фармонлари суд тизимини модернизация қилишнинг янги йўналишини ҳам, келгуси истиқболларини ҳам белгилаб берди. Ушбу амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим жиҳати - уларнинг тизимли ва узвий характерга эга эканлигидир.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро тажрибанинг энг яхши намуналарини миллий хусусиятлар билан уйғунлаштиришга асосланган. «Рақамли суд» концепциясини жорий этиш, иқтисодий судлар тизимини

оптималлаштириш ва кадрлар тайёрлашнинг янги моделини яратиш суд тизими самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сунъий интеллект технологияларини қўллаш, суд мажлиси баённомаларини реал вақтда матнга айлантириш, суд ҳужжатларини автоматик генерация қилиш – буларнинг барчаси нафақат техник янгиланиш, балки суд мажлисларининг шаффофлигини ошириш ва суд ҳатоларини камайтириш воситасидир. Аммо, шу билан бирга, технологик инновацияларни жорий этишда киберхавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида аниқланган айрим масалалар ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Биринчидан, иқтисодий судларни қайта ташкил этиш жараёнида ҳудудий омилларни инобатга олиш, узоқ туманлардаги тадбиркорларнинг судга муурожаат қилиш имкониятларини сақлаб қолиш муҳим. Иккинчидан, судьяларнинг рақамли компетенцияларини ривожлантириш учун тизимли дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Учинчидан, сунъий интеллект технологияларини жорий этишда суд мустақиллиги ва судья ички ишончи принципларини сақлаб қолиш механизмлари ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бизнингча, ислохотларнинг муваффақияти учта омилга боғлиқ: сиёсий ирода ва изчиллик; молиявий ресурсларнинг тўғри тақсимланиши; жамиятнинг ўзгаришларни қабул қилишга тайёрлиги. 2025 йил августда қабул қилинган фармонлар биринчи омилнинг мавжудлигини кўрсатади. Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси орқали молиявий таъминот масаласи ҳал қилинмоқда. Учинчи омил эса суд тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, фуқароларга қулай хизматлар яратиш орқали таъминланиши мумкин.

Шухрат ПОЛВАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раисининг ўринбосари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Albers, P. Performance indicators and quality management in European judicial systems / P. Albers // *International Journal for Court Administration*. - 2020. - Vol. 11, № 2. - P. 1-21.
2. Jean, J.P. The reform of the judicial map in France: efficiency versus proximity / J.P. Jean // *European Journal of Legal Studies*. - 2021. - Vol. 13, № 1. - P. 89-112.
3. Jahn, M. Specialization in the German court system: Benefits and challenges / M. Jahn // *German Law Journal*. - 2022. - Vol. 23, № 3. - P. 445-467.
4. Nylund, A. Specialized courts and access to justice: The Swedish experience / A. Nylund // *Scandinavian Studies in Law*. - 2021. - Vol. 66. - P. 234-256.
5. Tamura, Y. The Intellectual Property High Court of Japan: A decade of achievements / Y. Tamura // *Journal of Intellectual Property Law & Practice*. - 2020. - Vol. 15, № 8. - P. 612-628.
6. Susskind, R. The Future of Courts / R. Susskind // *International Journal of Court Administration*. - 2021. - Vol. 12, № 4. - P. 1-15.
7. Farrow, T. Court reform and access to justice in Canada / T. Farrow // *Canadian Journal of Law and Society*. - 2020. - Vol. 35, № 2. - P. 289-312.
8. Капустин О.А. Организация судебной деятельности в современный период. - М., 2022. - С. 63-64.
9. Ng, G.Y. Digital Justice: The Use of AI in Courts / G.Y. Ng // *European Journal of Law and Technology*. - 2021. - Vol. 12, № 1. - P. 34-56.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-33-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. - Тошкент, 2025. - 07/25/33/0091-сон.
11. Пасулев А. Ensuring the rule of law in Uzbekistan: in the context of judicial and constitutional reforms // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. - 2023. - Issue - 4, № 4. - С. 172.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-140-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. - 2025. - 23 август. - 06/25/140/0771-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги «Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-141-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. - 2025. - 23 август. - 06/25/141/0772-сон.

ЕР МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: муаллиф ушбу мақолада ер муносабатлари билан боғлиқ низоларнинг иқтисодий судларда қўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш масалаларини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба таҳлили асосида ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: ер, прокурор назорати, ер участкалари, ер тоифаси, ўзбошимчалик билан қуриш, давлат назорати, махсус ваколатли давлат органи, статистик ахборот, таҳлилий материал, электрон онлайн-аукцион.

АННОТАЦИЯ: автор в данной статье попытался осветить вопросы обеспечения участия прокурора в рассмотрении споров, связанных с земельными отношениями, в экономических судах, с научно-теоретической и практической точек зрения, на основе анализа национального законодательства и зарубежного опыта.

Ключевые слова: земля, прокурорский надзор, земельные участки, категория земель, самовольное строительство, государственный контроль, специально уполномоченный государственный орган, статистическая информация, аналитический материал, электронный онлайн-аукцион.

ABSTRACT: in this article, the author attempted to shed light on the issues of ensuring the participation of the prosecutor in the consideration of disputes related to land relations in economic courts from a scientific-theoretical and practical point of view, based on an analysis of national legislation and foreign experience.

Keywords: land, prosecutorial supervision, land plots, land category, unauthorized construction, state control, specially authorized state body, statistical information, analytical material, electronic online auction.

Суд ишларини юритишда тарафларнинг тортишуви принципини, давлат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш судлар томонидан фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни қўришда прокурорнинг иштирокига, шунингдек ишларни қўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишга тааллуқли процессуал нормалар янада аниқлаштирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сонли Қонунига асосан Ер кодексига “Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати” деб номланган 83¹-модда киритилиб, унга қўра ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши, шунингдек ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширмасликка, ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаб олишга ёки уларнинг чегараларини ўзгартиришга, ерларнинг тоифасидан қатъий назар, барча турдаги бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуришга йўл қўймаслик устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги, махсус ваколатли давлат органлари ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ зарур статистик ахборотни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотни, қарорларни ҳамда бошқа ҳужжатларни, шу жумладан очик танловларга ва электрон онлайн-аукционларга тааллуқли ахборотни давлат органлари ва ташкилотларидан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан беғараз асосда сўраш ва олишга ҳақли эканлиги, давлат органлари, ташкилотлари ва мансабдор шахслар сўралаётган ахборотни махсус

ваколатли давлат органларига беш иш куни ичида тақдим этиши кераклиги белгиланди.

Айнан мазкур норма унда белгиланган махсус ваколатли давлат органларининг ер билан боғлиқ муносабатлардаги ваколатларининг аниқлаштирилганлиги бу соҳада прокурор назоратини амалга оширишда янги вазифалар ва механизмларнинг вужудга келишига тўртки бўлди.

Тадқиқотчи А.Б.Комилов “Ўзбекистонда прокурор назорати – прокуратура органларининг Конституция ва қонунларга асосланган ҳолда, уларга қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат ҳокимияти тармоқларидан мустақил равишда амалга оширадиган, қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида ва тезкорлик билан аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қонун бузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган махсус фаолият ҳисобланади”, деган қарашни илгари суради¹.

Мазкур таърифдан келиб чиқиб, қонунчиликка киритилган юқоридаги ўзгартиришга асосан айтишимиз мумкинки, ерга оид муносабатларда прокурор назоратини амалга оширишда прокуратура органлари ходимлари махсус ваколатли давлат органларига берилган ваколат доирасида фаолиятларини амалга оширадидлар, чунки қонунда уларнинг давлат назоратини ижро этиш тартиби белгиланмаган.

Ер муносабатларида прокурор назоратининг объекти сифатида ерга оид низоларнинг судларда қўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш муҳим саналади, чунки “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби асосий вазифаларини амалга оширишлари билан боғлиқдир. Ерга оид низоларни судларда ҳал этиш масаласи бироз мураккаб бўлиб,

унинг мураккаблиги, аввало, ушбу низоларнинг судловга тааллуқлилигини белгилаб олиш билан изоҳланади.

Хорижлик тадқиқотчилар Н.Ш. Гаджиалиева, Г.Р.Эльдаровлар ер низоларининг судловга тааллуқлилигини белгилаш ҳақидаги масала процессуалист олимлар ўртасида бир неча бор муҳокама объекти бўлишини, бундай илмий мунозаралар жуда муҳим амалий аҳамиятга эгалигини, чунки ер низосининг суд томонидан судловга тааллуқлилиги қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилиши иш бўйича қонуний ва адолатли қарор чиқарилишининг энг муҳим кафолати ҳисобланади деган қарашни илгари суради².

Россиялик тадқиқотчи М.А.Магомедова арбитраж судида ерга оид низолар бўйича даъво қўзғатиш масаласини тадқиқ қилар экан қонунчиликда ерга оид низолар бўйича арбитраж судида даъво қўзғатишнинг иккита мезони назарда тутилганини, биринчиси объектив мезон, иккинчиси эса ердан рухсат этилган фойдаланиш турига қараб белгиланишини, яъни агар ер низоси юқорида кўрсатилган мезонларга мос келмаса, у умумий юрисдикция судида кўрилиши лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, ерга оид низолар тарафларнинг келишувига кўра ҳакамлик судларида ҳам кўрилиши мумкинлигини истисно этмайди³.

Бизнингча юқоридаги муаллифлар бундай хулосага келишларига Россия Федерацияси Ер кодексининг 64-моддаси иккинчи қисмида *"Иш суд томонидан иш юритувга қабул қилинганга қадар ер низоси томонлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига ўтказилиши мумкин,"*⁴ деб белгиланган қоидаларга асосланган.

Бир гуруҳ олимлар ерга оид низоларда низо предметига кўра судловга тааллуқлилигини белгилаш ҳар доим муаммоли масала бўлганлигини таъкидлайдилар. Чунки, мазкур судловнинг асосий мезони бу даъвонинг баҳоси саналади, афсуски, амалиётда ер низосида даъво баҳосини аниқлашда кўплаб муаммолар юзага келади, сабаби уни аниқлашнинг мавжуд тизими ер низоларининг барча тоифалари бўйича уни баҳолаш имконини бермайди. Масалан, айрим ишларда даъво баҳосини ер участкасининг нархи орқали аниқлаш мумкин бўлса, ер участкаси чегараларини белгилаш тўғрисидаги даъвонинг баҳосини қандай ҳисоблаш мутлақо ноаниқ⁵.

Айрим тадқиқотчилар ер низоларини кўриб чиқиш бўйича халқаро амалиётда ихтисослашган судлар ташкил этилганлигини (масалан, Буюк Британия, Германия, Дания, Швейцария, АҚШ, Туркия, Кипр ва бир қатор бошқа давлатларда), ушбу судлар бошқа судлардан фарқли равишда муҳандислар, геодезистлар, кўчмас мулк мутахассислари, ер рўйхатчилари ва ер ҳуқуқи соҳасида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар ҳисобига кенгайтирилганлигини, бу эса суд аппаратида эга ерга оид низоларни кўришга ихтисослаштирилган судларни ташкил қилиш, ҳеч бўлмаганда ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш суд томонидан ер низолари бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон беради деган қарашни илгари суради⁶.

Ҳозирги босқичда судларда кўриб чиқиладиган ер низолари сони статистикасига назар солсак, 2022 йилда иқтисодий судларда жами кўрилган ишлар 277 862 тани ташкил қилган бўлиб, шундан 1 580 таси ер билан боғлиқ. 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса иқтисодий суд-

ларда жами кўриб тамомланган ишлар сони 384 842 тани ташкил қилгани ҳолда, шундан ерга оид низолар 1 280 тани, яъни жами кўрилган ишларнинг 0,5 фоизини⁷ ташкил этганини инобатга олсак, махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган шахслар ҳисобига кенгайтирилган суд аппаратида эга ихтисослашган судларни ташкил қилишга нисбатан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилиши кўникмаларни шакллантириш, шунингдек ерга оид низоларда прокурор иштирокининг таъминланиши самаралироқ эканлигини кўрсатади ва шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу соҳадаги ислохотлар самарасини белгилайди.

Иқтисодий суд ишларини юритишда ерга оид низоларни ҳал этиш жараёнида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 49-моддасининг учинчи қисмида⁸ белгиланган қоидаларга кўра, прокурор ўзининг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда, шунингдек давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки билан боғлиқ ишларда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, давлат бюджетидан ундирувлар, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш, божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши мумкин.

Бу борада эришилаётган ижобий натижалар билан бирга, ер билан боғлиқ муносабатларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг айрим камчиликлари борлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Масалан, Ер кодексининг 91¹-моддасига кўра, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулк ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш учун ажратилмаган ер участкасида қонунга ҳилоф қурилиш объектини барпо этган шахслар инсофли мулкдор деб тан олинмайди.

Мисол учун, даъвогар – Кадастр агентлиги Андижон вилоят бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – "S.A" фермер хўжалиги (кейинги матнларда "жавобгар" деб юритилади)га нисбатан Қўрғонтепа қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 125-контурида ўзбошимчалик билан қурилган 0,46 га ер майдонидаги темир конструкцияли иссиқхона, 0,20 га ер майдонидаги ёрдамчи бино иншоотларни ва атрофи фундамент бетондан иборат ноқонуний қурилмаларни ўз ҳисобидан буздириш ҳамда эгаллаб олинган 0,66 га ер майдонини ўз ҳолига қайтариб бўшатиб қўйишни сўраган.

Аниқланишича, Қўрғонтепа туман ҳокимининг 2019 йил 29 майдаги 2431-қ-сонли қарорига мувофиқ, Қўрғонтепа массиви ўрамидаги туман захира ҳисобидаги қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 125-қисм контурида жойлашган тупроқ бонитети 54,2 балли жами 2,0 га ер майдони "S.A" фермер хўжалигига иссиқ-

хона ва ишчилар уйи қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш белгиланган ва ушбу қарорни тасдиқлаш тўғрисида Андижон вилоят ҳокимининг 2019 йил 9 июнь куни 274-қ/1-сонли қарори қабул қилинган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 29 майдаги 2431-қ-сонли қарори 3-бандида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ердан фойдалангунига қадар Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси махсус ҳисоб рақамига 158 796 325 сўм миқдоридagi маблаг ўтказиб бериш юклатилган.

Бироқ, Андижон вилоят прокуратураси 2021 йил 21 июль куни Қўрғонтепа туман ҳокимлигига 21/4-21-сонли мурожаат хати йўллаб, унда Қўрғонтепа туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими собиқ бошлиғи Б.У.га нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини, ушбу жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Б.У. ва бошқалар томонидан ғайриқонуний йўл билан бойлик орттириш мақсадига 2019 йил 29 май кунги “С.А” фермер хўжалиги номига 2,0 га суғориладиган ер майдонида иссиқхона ва ишчилар уйи қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги 2431-қ-сонли туман ҳокимининг қарори ва ушбу қарорни тасдиқлаш ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2019 йил 9 июнь кунги 274-қ/1-сонли қарорларга “Умумий бўлим” муҳри ҳамда “Нусха олиш ва кўчирма олиш ман этилади” штампини, шунингдек туман ҳокимининг қарорларига “Умумий бўлим” муҳрини босиш йўли билан такроран сохта ҳужжатлар тузишиб, ушбу ер участкаларига мулк ҳуқуқини расмийлаштиришда фойдаланиш учун тақдим қилишганлиги аниқланганлиги, ушбу аниқланган қонунбузилиш ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Қўрғонтепа туман прокуратураси билан ҳамкорликда тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирокида ишчи гуруҳ ташкил этиш, муқаддам туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ноқонуний эгалланган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида олиб борилган қурилиш ишларини тўхтатиш ҳамда ер майдонларини туман заҳирасига қайтариш чораларини кўриш сўралган.

Шунингдек, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 11 ноябрь кунги ажримда судланувчи Б.У. Ер ресурслари ва давлат кадастри Қўрғонтепа туман бўлими бошлиғи вазифасида, судланувчи Ш.Д. Андижон вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси кичик ишчи хизматчилар штатидаги “Нусха кўпайтириш” бюроси инспектори вазифасида ишлаб келишиб, расмий ҳужжат ҳисобланган суғориладиган 2,0 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи “С.А” фермер хўжалиги номига Қўрғонтепа туман ҳокимининг 2019 йил 29 май кунги 2431-қ-сонли қарорини, шунингдек ушбу қарорни тасдиқлаш ҳақидаги Андижон вилоят ҳокимининг 2019 йил 9 июнь кунги 274-қ/1-сонли қарорини қалбакилаштириб, мазкур қалбаки ҳужжатларни С.У.га тақдим қилиб, давлат манфаатларига ҳамда С.У.ни манфаатларига кўп миқдорда моддий зарар етказилганлиги суднинг ҳукми билан тасдиқланган.

2023 йил 17 апрель куни Кадастр агентлиги Андижон вилоят бошқармаси Қўрғонтепа туман бўлими инспекторлари томонидан Қўрғонтепа массиви ўрамадаги қишлоқ хўжалик ха-

ритасининг 125-контурдаги суғориладиган экин ер майдонида мониторинг ўтказилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, Кадастр агентлиги Андижон вилоят бошқармаси Қўрғонтепа туман бўлими томонидан 2021 йил 6 август куни “С.А” фермер хўжалиги раҳбарига ҳужжатлар қалбакилаштирилганлиги, қурилиш ишларини амалга оширмаслик ҳақида огоҳлантириш хатлари юборилган бўлса-да, 2023 йил 7 апрель куни 125-контурдаги ер майдони ўрганилганда “С.А” фермер хўжалиги томонидан жами 0,66 га ер майдони, шундан 0,46 га ер майдонида темир конструкцияли иссиқхона ва 0,20 га ер майдонида ёрдамчи бино-иншоотлар қуриш мақсадига шағал ва шлакоблок тўкиб пойдевор бетон қуйиб олганлиги аниқланган ва “С.А” фермер хўжалиги раҳбарига қурилиш ишларини дарҳол тўхтатишни ҳамда мавжуд қурилишларни ўз ҳисобидан ихтиёрий бузиб, ер майдонини бўшатиб, суғориладиган экин ер майдони ҳолатига қайтариб қўйиш ҳақида огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 10-бандида Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, жавобгар – “С.А” фермер хўжалигига иссиқхона ва ишчилар уйи қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2431-қ-сонли ҳамда ушбу қарорни тасдиқлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг 274-қ/1-сонли қарорлари қалбакилаштирилганлиги Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 11 ноябрь кунги ажримда ўз тасдиғини топган.

ФКнинг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Ер кодексининг 91-моддасида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади, ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли

туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 3-сонли қарорининг 18-банди, иккинчи қисмида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ваколатли органнинг қарорисиз, ер участкаси чегараси жойида белгиланмасдан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилмасдан ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатида олинмасдан ер участкаларини эгаллаб олиниши тушунилади – деб тушунтириш берилган.

Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар – "S.A" фермер ҳўжалиги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган санадан бошлаб, бир ҳафталик муддат ичида Қўрғонтепа тумани Қўрғонтепа массивидаги қишлоқ ҳўжалик харитасининг 125-контуридаги 0,46 га ер майдонида жойлашган темир конструкцияли иссиқхона ва 0,20 га ер майдонидаги ёрдамчи бино-иншоотларни қуриш мақсадида пойдевор бетондан иборат бўлган ноқонуний қурилмаларни ўз ҳисобидан буздирлиб, эгаллаб олинган жами 0,66 га ер майдонини ўз ҳолига қайтариб бўшашиб қўйиш белгиланган.

Жавобгарнинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб берган апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилган⁹.

Илмий тадқиқот иши доирасида олиб борилган ўрганишлар, таҳлиллар асосида иқтисодий судларда ерга оид низоларни ҳал этишда прокурор иштирокини таъминлаш жараёнида қуйидагиларга:

Ер кодексининг 36-моддаси 1-қисми 10-бандига асосан бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида бекор қилинишига;

Ер кодексининг 38-моддасида ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг, олтинчи-ўн биринчи бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин туман, шаҳар ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Туман, шаҳар ҳокими, зарур ҳолларда ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини кўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланганлигига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги Фармонининг 10-бандида Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилганлигига;

ФКнинг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланишига;

Ер кодексининг 91-моддасида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади, ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилганлигига алоҳида эътибор берилиши келгусида суд қарорларининг қонуний, адолатли ва асосли бўлишлигига хизмат қилади.

Муродулла АБДУХАКИМОВ,

Андижон вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура ихтисослиги доирасида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Тошкент – 2020
2. Гаджиалиева Н.Ш., Эльдаров Г.Р. К вопросу о судебной компетенции по рассмотрению земельных споров // Вестник Дагестанского государственного университета. Серия 3. Общественные науки. 2022. Том 37. Вып. 4. -С.73-79.
3. Магомедова М.А. Возбуждение производства по земельному спору в арбитражном суде // Юридический вестник ДГУ. 2022. Т. 41. № 1. – С. 109–115
4. "Земельный кодекс Российской Федерации" от 25.10.2001 N 136-ФЗ (ред. от 31.07.2025) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2025). https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_
5. Фоменко Е.Г., Хутова Ф.А. К некоторым вопросам правильного понимания и применения правил подсудности // Российский судья. 2015. № 1. – С. 5.
6. Разгон О.Ю. Земельные споры: понятие, признаки, проблемы // Студенческая наука – взгляд в будущее: материалы XVI Всероссийской студенческой научной конференции (24–26 марта 2021 г., Красноярск). – Красноярск, 2021. – С. 37.
7. Iqtisodiy sudlar tomonidan birinchi instantsiyada ko'rilgan ishlar yuzasidan statistik ma'lumot. <https://stat.sud.uz/assets/uploads/economical/pdf/eco-2025-6.pdf>.
8. 49-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-968-сонли Қонунига асосан учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.09.2024 й., 03/24/968/0760-сон. <https://lex.uz/mact/3523891>.
9. Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 4-1705-2301/770-сонли иш.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШДА АДВОКАТНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада адвокатнинг одил судлов тизимидаги ролини, унинг функционал вазифаларини ва мустақиллигини таъминлаш механизмлари таҳлил қилинган. Муаллиф БМТ, ИВА ва Европа Кенгаши ҳужжатларига таянади. Ўзбекистон Республикасидаги фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий процессуал қонунчилик таҳлил қилиниб, адвокат мустақиллигини амалий таъминлаш бўйича илмий таклифлар берилган. Шунингдек, адвокат қарори институтини жорий этиш, далил тўплаш ва ахборот сўраш ҳуқуқини кенгайтириш орқали прокурор ва адвокат тенглигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: адвокат, мустақиллик, адвокат қарори, далил тўплаш, одил судлов, процессуал тенглик, адвокат сўрови, экспертиза, ҳуқуқий кафолат.

Адолатли судлов — ҳар бир демократик давлатнинг ҳуқуқий тизимида инсон ҳуқуқлари кафолати сифатида эътироф этилади. Суд фаолиятининг ҳаққонийлиги ва холислиги нафақат судьянинг профессионаллигига, балки суд жараёнида иштирок этувчи адвокатнинг фаол ва мустақиллигига ҳам боғлиқ.

Адвокат суд жараёнида инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи марказий шахслардан биридир. У шахснинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади, далиллар асосида позицияни шакллантиради, судни ишни холис кўриб чиқишга йўналтиради ва шу орқали одил судловни таъминлашда иштирок этади.

Ҳуқуқшунос В.Х. Давлятов таъкидлаганидек, “адвокатнинг касбий вазифаси фақат ҳимоя эмас, балки суд адолатига хизмат қилишдир”. Шу нуқтаи назардан, адвокат давлат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни сақлайдиган мустақил институтдир.

Адвокат судлов жараёнининг тўлиқ иштирокчиси сифатида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим вазифаларни бажаради. Унинг фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагича:

1. Ҳуқуқий ҳимоя функцияси. Адвокат ишонч билдирувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлайди, унинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлайди. Масалан, жиноят ишида адвокат ҳимоячи сифатида айбловчи органлар билан тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Бу Европадаги *Salduz v. Turkey* ишида (ECHR, 2008) асосий тамойил сифатида тан олинган.

2. Процессуал функция. Адвокат далиллар тўплайди, илтимоснома ва шикоятлар тайёрлайди, суд қарорларига апелляция ва кассация шикоятларини беради. Давлятов В.Х.нинг фикрича, “адвокатнинг процессуал фаоллиги судни адолатли қарор қабул қилишга мажбур этувчи ҳуқуқий кучга эга”.

3. Этика ва жамоатчилик ишончи функцияси. Адвокат фаолияти жамоатчилик ишончига таянади. Г.З. Тўлаганованинг таъкидлашича, “адвокатнинг ҳар бир ҳаракати нафақат ишонч билдирувчи, балки бутун жамият учун адолат мезони бўлиб хизмат қилади”.

4. Ахборот олиш ва таҳлил қилиш функцияси. Адвокат суд жараёнидаги барча маълумотни эркин олиш, таҳлил қилиш ва ишонч билдирувчи манфаатида қўллаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу ҳуқуқ халқаро ҳужжатларда мустақиллиكنинг муҳим кафолати сифатида қайд этилган.

Адвокатнинг мустақиллиги унинг касбий фаолияти самардорлигини белгилайди. Мустақиллик уч йўналишда намоён бўлади:

- Институционал мустақиллик: адвокатура органлари давлат бошқарув тизимида эмас, мустақил касбий уюшма сифатида фаолият юритади.

- Процессуал мустақиллик: адвокат иш юритишда суд, прокуратура ёки тергов органларининг аралашувисиз ҳаракат қилади.

- Иқтисодий мустақиллик: адвокат фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда давлат ёки бошқа манфаатдор томонларга боғлиқ бўлмаслиги керак.

Ҳуқуқшунос Д. Ж. Нурумовга кўра, “адвокатнинг фақат этик ва қонун доирасида фаолият юритиши унинг ҳақиқий мустақиллигининг мезонидир”.

Халқаро амалиётда бу қоида “*Moreice v. France*” (2015) ишида ўз ифодасини топган — суд адвокатни давлат органларидан ҳимоя қилинган мустақил субъект сифатида тан олган.

Ўзбекистонда адвокат мустақиллиги Конституция ва “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун билан кафолатланган. Аммо, ана шу мустақилликдан фойдаланиш пайтида худди шундай мустақилликка раҳна соладиган ва бошқа субъектларнинг ихтиёрига қараб қоладиган вазиятлар ҳам “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда ҳамда процессуал нормаларда учраб туради. Бу билан айтиш мумкинки, адвокатнинг одил судловдаги вазифасини мукамал бажариши учун мустақиллик инструментлари етарли эмас. Амалиётда адвокатнинг эркин фаолиятига тааллуқли:

- ҳар қандай ахборотга эркин кира олмаслик;
- гувоҳ ва холислардан кўрсатув олишдаги қийинчиликлар;
- адвокатлик сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари;
- адвокат ва ишонч билдирувчи суҳбатларининг назорат қилиниши;

- экспертизаларни адвокат ташаббуси билан ўтказишда процессуал нормативларнинг мавжуд эмаслиги каби айрим чекловлар ҳам мавжуд.

Бу ҳолатлар халқаро стандартларга мос келмайди. Масалан, БМТ тамойилларида адвокатлик сирини бузиш ёки ахборотни бермаслик ҳолати “ҳимоя ҳуқуқини бузиш” сифатида баҳоланган.

Ҳуқуқшунос Ш. А. Исмоиловнинг фикрича, “адвокатнинг мустақиллиги ҳуқуқий кафолатлар билан эмас, балки суд ва прокуратура амалиёти билан синовдан ўтади”. Шунинг

учун адвокатура институтининг ички ўзини ўзи бошқариш тизимини мустаҳкамлаши муҳимдир. Аммо, бизнинг фикримизча, ҳар бир ҳолат қонунчиликда ўз аксини топиши, адвокатнинг ҳам мустақил касбий вазифаларини амалга ошириш имкониятлари ва тартиботи процессуал қонунчиликда қатъий белгиланиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам адвокат бошқа субъектларга уларнинг истагига қараб бажариладиган ёки рад қилинадиган илтимосномалар эмас, балки бажарилиши қатъий бўлган қарор, баён ва лозим бўлганида айбловни (ариза шикоятни) асослантириш учун талабнома шаклидаги ҳужжатларни қабул қилиши лозим. Шундагина одилликни таъминлашга эришилади.

Далил тўплашда адвокатнинг ролини кучайтириш одил судлов сифатини оширади. Европа амалиётида адвокат гувоҳларни мустақил сўроқ қилиш, ҳужжатларни йиғиш ва экспертизаларни тайинлаш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига кўра бу ваколатлар чекланган. Мисол учун:

— гувоҳни унинг розилигисиз сўроқ қилиб бўлмаслиги;

— фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишлари доирасида экспертиза тайинлаш ваколати мавжуд аммо, жиноят иши доирасида экспертиза тайинлаш ваколати берилмаганлиги; адвокат томонидан қабул қилинадиган касбий процессуал ҳужжатлар шакли ва уни бажариш масаласи очиқлиги каби.

Адвокат сўровига жавоб беришнинг қатъий эмаслиги сабабли бундан фойдаланган шахслар шу баҳоналар билан адвокатнинг мустақиллигига амалда раҳна соладилар. Ҳуқуқшунос олим Ж.Ж. Турдалиевга кўра, "адвокатлик сўровининг амалий самарадорлиги суд жараёнидаги далиллар мувоzanати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга".

Адвокатнинг далил тўплашдаги фаоллиги — суд адолатини таъминлашнинг бир қисми ҳисобланади. Шу боис, миллий қонунчиликда адвокатнинг касбий вазифаларини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай ахборотларга тез, осон, хавфсиз ва аралашувларсиз кириш ҳуқуқини тамойилга айлантириш зарур. Амалда бу ҳуқуқдан фойдаланишга тўсқинлик қилган шахсларга ҳам, шунингдек, ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ва ваколатларидан ғараз мақсадларда фойдаланган адвокатлар учун ҳам жавобгарликни кучайтириш зарур.

Адвокатнинг илтимосномалари (motions) судга ишни ҳолис кўриб чиқишда ёрдам беради. Аммо, амалиётда кўп ҳолларда адвокат илтимосномалари рад этилади ёки етарли асосланмаган деб топилади.

Европа суд амалиётида (масалан, Lopes de Sousa Fernandes v. Portugal, 2017) адвокат илтимосномасини рад этиш суд адолатини бузиш деб баҳоланган.

Ўзбекистонда судлар адвокат илтимосномаларини кўриб чиқишда айрим ҳолларда формал ёндашади. З. Ф. Бебутова бу ҳақда шундай ёзган: "адвокатнинг илтимосномаси суд жараёнининг динамикасини белгилайдиган ҳуқуқий восита бўлиши лозим". Аммо, адвокатнинг илтимосномаларини асоссиз равишда рад қилиш ва судлардаги оворагарчиликларнинг олдини олиш, прокурор ва адвокат ваколатини тенглаштириш учун ҳам илтимоснома амалиётдан воз кечиш, адвокатнинг тақдим этадиган ҳужжатлари ва бошқа субъектларнинг қатъий бажарилишини белгиловчи ариза, шикоят, адвокатлик сўрови, қарор, баён ва талабнома тарзидаги ҳужжатларга ўтиш вақти келди.

Адвокат мустақиллиги унинг масъулияти билан узвий боғлиқ.

Адвокат касбий этика қоидаларига амал қилган ҳолатда тортишув олиб бориши, иши, гувоҳлар ёки судга босим ўтказмаслиги, ёлғон далиллардан фойдаланмаслиги шарт. Шу орқали у суд адолатига ишончни сақлайди.

1. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, адвокатнинг институционал мустақиллиги ҳуқуқий тизим барқарорлигининг асоси эканлиги, далил тўплаш ва ахборот олиш ваколатлари халқаро стандартларга мос равишда кенгайтирилиши зарурлиги, судлар адвокат илтимосномаларига ҳолис муносабатда бўлиши — одил судловнинг асосий мезонини ташкил этиши, этика ва жавобгарликнинг муvozanати адвокатнинг обрўси ҳамда жамият ишончини таъминлаши ҳақида ҳулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, адвокатнинг роли суд адолатининг тўлиқ амалга оширилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У суд жараёнида фақат ишонч билдирувчи эмас, балки қонун ва адолат манфатларини ҳам ҳимоя қилади.

Адвокат мустақиллиги ва унга тегишли ваколатлар халқаро стандартларга мос ҳолда қонунчилик ва амалиётда мустаҳкамланиши лозим. Шу йўл билан суд тизимидаги тенглик, шаффофлик ва ишонч таъминланади.

Натижада, адвокат фаолияти давлатнинг ҳуқуқий маданияти ва инсон ҳуқуқларига муносабат даражасини белгилайдиган асосий мезон сифатида намоён бўлади.

Мавлуда ЖУРАЕВА,

ТДЮУ таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations. Basic Principles on the Role of Lawyers. – New York: UN Press, 1990.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни. – Тошкент: Адолат, 1996.
3. International Bar Association (IBA). Standards for the Independence of the Legal Profession. – London: IBA, 2019.
4. Сабирбоев С.Г'. Legal Analysis of the Advocacy in Uzbekistan. – ResearchGate, 2023.
5. Legal Status of the Advocacy Institution in Uzbekistan. – ScholarExpress, 2023.
6. Advocacy is an Important Institute in Defense of Human Rights. – Neliti Media, 2022.
7. European Court of Human Rights. Salduz v. Turkey (2008); Morice v. France (2015); Dzieciak v. Poland (2010); Navalnyy v. Russia (2018); Lopes de Sousa Fernandes v. Portugal (2017). – Strasbourg: ECHR Reports.
8. Uzbekistan: New Law Further Undermines Lawyer–Client Confidentiality. – UzbekForum.org, 2021.
9. Licensing of Advocacy: The Experience of Kazakhstan and Uzbekistan. – AJPSC, 2024.
10. American Bar Association (ABA). Model Rules of Professional Conduct. – Washington D.C.: ABA Publishing, 2020.
11. Давлятов В.Х. Адвокатура институтда процессуал фаоллик масалалари. – Тошкент: ТДЮУ, 2022.
12. Тўлаганова Г.З. Адвокат этикаси ва жамият ишончи. – Тошкент: Adolat Press, 2021.
13. Нурумов Д.Ж. Адвокат мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари. – Тошкент: Юридик фанлар журналы, 2023.
14. Исмоилов Ш.А. Адвокатуранинг ҳуқуқий табиати ва амалий масалалари. – Самарқанд: СамДЮИ нашриёти, 2022.
15. Турдалиев Ж.Ж. Адвокатлик сўровининг ҳуқуқий аҳамияти. – Legal Studies Review, 2024.
16. Бебутова З.Ф. Суд амалиётида адвокат илтимосномаларининг ўрни. – Тошкент: ТДЮИ ишланмаси, 2023.
17. Мавланов К.Т. Адвокат этикаси ва касбий масъулият тамойиллари. – Тошкент: Jurisprudence, 2022.



ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада таълим соҳасида хизматлар кўрсатиш тушунчаси ва унинг моҳияти ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ҳамда фуқаролик қонунчилиги нормалари асосида таҳлил қилинган. Таълим соҳасида хизматлар кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: хизмат, мажбурият, хизмат кўрсатиш, таълим хизмати, шартнома, таълим муассасаси, таълим олувчи.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ва глобал рақамлаштириш жараёнлари атрофимиздаги дунёни ўзгартириб юборди. Бу эса ўз навбатида таълим соҳасидаги ёндашувлар ва технологияларни ўзгартириш заруратини юзага келтирмоқда. Чунки, таълим соҳасининг жадал ривожланиб бораётганлиги уни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солмасдан тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, “ҳар қандай хизмат унинг характери, нимага қаратилган ва тегишли бўлишига қараб, моддий шаклдан иборат бўлмасада, албатта муайян натижага эришиш билан боғлиқ. Хизмат кўрсатиш эса шартномага биноан ҳақ эвазига амалга оширилади. Хизмат кўрсатишда шартнома бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматларни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш) мажбуриятини ўз зиммасига олади”¹. Бу борада ҳуқуқшунос олим Н.С.Нарматовнинг фикрича, “хизматлар деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ижрочи фаолиятининг номоддий натижаси билан боғлиқ бўлган ҳамда шахсий эҳтиёжларни ҳақ эвазига қондиришга қаратилган муайян ҳаракат ёки муайян фаолиятнинг амалга оширилиши тушунилади”². Шунингдек, Н.Ш.Саид-Ғазиева “хизмат – бу моддий қийматга эга бўлмаган, яъни хизмат кўрсатувчининг меҳнати натижаси шу хизматдан фойдаланувчининг бирон моддий қийматга эга бўлмаган эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятдир”³, деган ва Т.А.Мўминов “хизмат ва хизмат кўрсатиш тушунчалари ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи тушунчалар сифатида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият тури ҳисобланади”⁴, деган фикрларни билдирадилар.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, “хизмат” тушунчаси маълум бир ҳаракатни қамраб олиши билан бирга, кўрсатилган хизматнинг натижаси муайян шаклда моддийлашиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, хизмат фуқаролик ҳуқуқининг исталган субъектига кўрсатилиши мумкинлиги билан ажралиб туради, яъни, хизмат фуқароларга ҳам (масалан, соғлиқни сақлаш хизмати, маслаҳат хизмати, репититорлик хизмати ва ҳоказолар), юридик шахсларга ҳам (масалан, аудиторлик хизмати, юридик хизмат, почта хизмати ва шу кабилар), давлатга ҳам (масалан, халқаро муносабатларда юридик хизмат ёки аудиторлик хизмати) кўрсатилиши мумкинлигини ҳисобга олганда, хизмат кўрсатишга муайян эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳар қандай қонуний фаолият сифатида қаралади. Демак, умумий қоидага кўра, кенг маънода “хизмат кўрсатиш” деганда, шахс, жамият ва давлатнинг мақсадга мувофиқ қонуний фаолияти йўналишларидан бири тушунилади. Ушбу тушунчани турли маъноларда, жумладан, инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, шунингдек давлат органларининг махсус тизими ва улар фаолияти маъносидида ишлатилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 38-бобида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича нормалар келтирилган бўлиб, айнан унинг 703-моддасига кўра⁵, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатлар қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига тадбиқ этилади, деб белгиланган. Ушбу кодекс нормаси-

дан англашиладики, таълим соҳасидаги хизматлар ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси доирасига киририлган. Таълим соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича ҳуқуқий муносабатларда таълим олувчи шахс ва таълим натижасидан манфаатдор давлат буюртмачи, давлат ва нодавлат таълим муассасалари таълим хизматлари кўрсатувчилардир. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 234-моддасида мажбурият тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари белгиланган бўлиб унга кўра, “Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан келиб чиқадики, таълим хизматлари кўрсатиш мажбурият ҳуқуқи доирасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдир.

Айрим ҳуқуқшунослар таълим соҳасини алоҳида ҳуқуқий муносабатлар доирасида тартибга солинадиган соҳа, деб белгилайдилар. Жумладан, В. М. Сирих “таълим фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинадиган соҳа эмас, балки таълим тўғрисидаги шартномага квази-ҳужжат сифатида қаралиши керак”, деган фикрни билдиради⁶. Бинобарин, унинг фикрича, тарбиявий муносабатлар бошқа ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлардан (фуқаролик, маъмурий ва бошқалар) фарқладиган ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида туридир. Э.А.Суҳанов⁷ ва В.А.Белов⁸ каби ҳуқуқшунос олимлар ҳам В. М. Сирихнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда таълим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўзига хос маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг фикримизча, таълим соҳасидаги хизматлар бошқарувдан, бошқарувни таъминлашдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат ёки бошқа турдаги хизматлар кўрсатишдан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ва бунда асосан фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасидаги хизматлар ўз моҳиятига кўра, шартномавий асосда амалга ошириладиган интеллектуал фаолият тури бўлганлиги, шу билан бирга, у нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгаллиги, бу соҳада хизматлар кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Нуриддин АШУРОВ,

Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rahmonqulov H.R. Fuqarolik huquqi obyektlari. O'quv qo'llanma. – T:TDYuL, 2009. – B.14.
2. Narmatov N.S. Xizmat ko'rsatish sohasida tadbirkorlik faoliyatini fuqaroviy-huquqiy tartibga solish muammolari. -Toshkent: Monografiya, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Amaldagi qonun hujjatlarini monitoringi instituti, 2009. - 262 b.
3. Said-Gazieva N.Sh. Aholiga xizmat ko'rsatish sohasida iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish: ...Dis. yur.fan.nom. Avtoref. -Toshkent, 2003. -26 b.
4. Mo' minov T.A. Haq evaziga xizmat ko'rsatishning fuqarolik-huquqiy muammolari: ...Dis. yur.fan.nom. avtoref. -Toshkent, 2007. - 22 b.
5. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi. <https://lex.uz/mact/111189>
6. Sirikh V. M. Educational Services and Educational Legal Relationships: Controversial Views and True Reflection // Journal of Russian Law. 2010. No. 4. P. 71–72.
7. Civil Law. In 4 volumes. Volume 2 // Ed. Sukhanov E. A. M., 2014. P. 62
8. Belov V. A. Civil Law. Vol. II. Common part. Persons, Benefits, Facts: Textbook for Bachelors // Belov V. A. M., 2014. P. 135.

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИДА ИНВЕСТИТОРЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ҚОИДАЛАР

ИККИ ТОМОНЛАМА ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМА- ЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Одатда, икки томонлама инвестициялар тўғрисидаги халқаро шартномалар тўртта асосий қисмга бўлинади: муқаддима, тушунчалар, асосий масалалар ва низоларни ҳал қилиш.

Муқаддима одатда шартнома тузувчи давлатларнинг иқтисодий алоқаларни ва ҳамкорликни кучайтириш истагини ифодалайди. Инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини шартнома тузувчи давлатлар юрисдикцияси доирасида рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун томонларнинг энг қулай шароитлар яратишга тайёрлигини ифодалайди. Шунингдек, инвестиция шартномасининг муқаддимасида томонларнинг шартнома тузишдаги ниятлари ва мақсадларини баён этиш имконини беради.

Тушунчалар тўғрисидаги қоидалар одатда "инвестор" ва "инвестиция" таърифларини акс эттиради. Бунда ВІТдаги инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш учун арбитраж судининг юрисдикциясини белгилаш учун зарур бўлган иккита энг муҳим элемент – "Инвестор" ва "инвестиция" тушунчалари муҳим, чунки улар инвестиция шартномасининг қўлланилиш доирасини белгилайди. Тушунчалар одатда шартнома бўйича инвестиция нима эканлигини аниқлаштиради. Инвесторнинг сармояси трансчегаравий капитал ва активларни қамраб олади. Кўпгина ВІТлар "инвестициялар"нинг стандарт таърифини беради, бу бошқа шартнома тузувчи томоннинг инвесторига тегишли ёки назорат қилинадиган "ҳар қандай актив"ни қамраб олади. Шунга қарамай, ВІТларга инвестицияларнинг таърифида турли хил фарқлар мавжуд. Баъзилари жуда тор таърифларни беради, бошқалари эса активларга асосланган кенг тушунчаларни беради. Инвестор кимлигини аниқлаш учун ишлатиладиган асосий элементлардан бири бу шахс ёки ташкилотнинг фуқаролигидир. Муайян шартнома бўйича инвестор сифатида малакага эга бўлиш учун жисмоний ёки юридик шахс шартнома тузувчи томоннинг фуқаролигига эга бўлиши шарт.

ВІТларнинг мазмуний қисми инвесторлар томонидан шартнома тузувчи давлатларда амалга оширилган инвестицияларга қўлланилиши керак бўлган муомала қоидаларини тақдим этади. Бу қоидалар ҳимоя стандартлари деб ҳам аталади. ВІТларда мустаҳкамланган стандартлар мутлақ стандартлар деб аталадиган Адолат ва Тенг ҳуқуқли муомала (Fair and Equitable treatment)ни ўз ичига олади. Энг кўп қулайлик режими (Most-Favored Nation-MFN) ва миллий (National Treatment -NT), яъни хорижий инвесторларга нисбатан уларнинг фуқаролиги туфайли камситишни тақиқлашга интилади. MFN ва NT нисбий стандартлар деб ҳам аталади. Муҳим стандартларга шунингдек, мезбон давлат

томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган инвестицияларни мусодара қилиш, маблағларни ўтказиш ва шаффофлик, пайдо бўлаётган муаммолар каби бошқа аниқ масалалар киради.

Ва ниҳоят, ВІТлар низоларни ҳал қилиш (Dispute Settlement - DS) учун қоидалар яратади. DS қоидалари шартнома тузувчи томонларнинг халқаро арбитражга мурожаат қилиш ниятларини белгилайди. DS Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида низоларни ҳал қилиш ва инвесторлар ҳамда мезбон давлат низоларини ҳал қилиш (ISDS)ни ўз ичига олиши мумкин. ВІТлар хорижий инвесторларга улардан келиб чиқадиган мазмуний ҳуқуқларни амалга ошириш учун арбитраж жараёнини бошлаш имконини беради. ВІТлардаги ISDS қоидалари одатда инвесторга тегишли процессуал қоидаларни танлаш имконини беради. Буларга ICSID Конвенцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL) қоидалари ёки бошқа арбитраж қоидалари кириши мумкин.

ИНВЕСТИТОР ТУШУНЧАСИ: ҚЎЛАМИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ВІТлар томонидан тақдим этилган ҳуқуқлар асосан бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа давлатларга инвестиция киритадиган фуқароларига берилади. ВІТлар одатда шартнома бўйича ким инвестор сифатида тан олинишини таърифлайди. Асосан, инвесторнинг фуқаролиги шартнома бўйича ҳимояни оқлаш учун белгиланади. Энг кўп учрайдиган шубҳа инвестор жисмоний шахсми ёки юридик шахсми?, деган саволдир. Шу муносабат билан, ВІТ кўпинча инвесторларни жисмоний ёки юридик шахслар деб ҳисоблайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим - инвесторни қуйидагича таърифлайди:

"Инвестор" атамаси бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга оширадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсни англатади:

- а) жисмоний шахс — Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати қонунчилигига мувофиқ унинг фуқароси;
- б) Аҳдлашувчи Томонларнинг исталган бирига нисбатан юридик шахс — ўз давлати қонунчилигига мувофиқ тузилган ёки таъсис этилган, шунингдек, бундай деб тан олинadиган ҳар қандай юридик шахс.

ИНВЕСТИТОР ЖИСМОНИЙ ШАХС СИФАТИДА

ВІТлар шартнома тузувчи томонларнинг фуқаролари ҳисобланган шахсларни ҳимоя қилади. Шунинг учун, томон фуқаросининг таърифи - бу томон

нинг ички қонунчилиги билан тан олинган жисмоний шахс. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг фуқаролиги асосан миллий қонунчиликка асосланиб белгиланади. Инвесторнинг фуқаролиги "ratione personae" трибуна-лининг юрисдикциясини белгилаш учун ишлатиладиган тамойилдир. Инглиз тилида кенг қўлланиладиган "citizenship" ҳамда "nationality" ўзбек тилида "фуқаролик" деб юритилади ва ушбу атама халқаро ҳуқуқ ва арбитражда тенгдир. Бошқа томондан, зикр этилган ҳар икки фуқаролик доимий яшашдан фарқ қилади. "Жисмоний шахс" тушунчаси Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли миллий қонунчиликка мувофиқ, доимий фуқароликка эга бўлган шахсларни назарда тутди. Масалан, Канада билан Молдова ўртасида тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномада (2018) инвестор ва фуқаро қуйидагича таърифланган:

"Томонларнинг инвестори" - Аҳдлашувчи Томонларнинг инвестиция киритишга интилаётган, амалга ошираётган ёки амалга оширган фуқаро ёки корхонани англатади;

"чора" - қонун, низом, тартиб-таомил, талаб ёки амалиётни ўз ичига олади;

"фуқаро" - Канада учун Канада фуқароси ёки доимий резиденти бўлган жисмоний шахс ва Молдова Республикаси учун - Молдова Республикаси фуқароси бўлган шахс тушунилади. Фақат: (а) Канада ва Молдова Республикасининг икки фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахс фақат ўзининг асосий ва амалдаги фуқаролигига эга бўлган томоннинг фуқароси ҳисобланади; (б) бир томоннинг фуқароси ва бошқа томоннинг доимий резиденти бўлган жисмоний шахс фақат ўзининг фуқаролигига эга бўлган томоннинг фуқароси ҳисобланади".

Юқоридаги таъриф шунингдек, иккала келишув томоннинг фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахслар шартнома билан қамраб олинишини ҳам кўрсатади. Бироқ, инвесторнинг асосий фуқаролигини аниқлаш жуда муҳимдир.

ИНВЕСТИОР ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА

Жисмоний шахснинг фуқаролигидан фарқли ўлароқ, давлатнинг ички қонунчилиги билан белгиланадиган ВТлар юридик шахсларнинг фуқаролигини аниқлаш учун турли мезонларни ўзида акс эттиради. Буларга рўйхатдан ўтган жой, компания жойлашган жой ва назорат қилувчи органнинг фуқаролиги киради. Бу шуни англатадики, рўйхатдан ўтмаган субъектларга ВТ бўйича ҳуқуқий ҳимоя берилмайди. Рўйхатдан ўтган жой мезонидан фойдаланган ҳолда инвестор атамасини белгилайдиган ВТларга мисол:

"(d) компаниялар" қуйидагиларни англатади: (i) Буюк Британияга нисбатан: Буюк Британиянинг исталган қисмида ёки ушбу шартнома 12-модда қоидаларига ва амалдаги қонунга мувофиқ, ташкил этилган ёки асос солинган корпорациялар, фирмалар ва уюшмалар; (ii) Серра-Леоне Республикасига ҳурмат: Серра-Леоне Республикасининг исталган қисмида амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ташкил этилган ёки

асос солинган корпорациялар, фирмалар ва ассоциациялар".

Яна бир мисол, 2012 йилги Америка Қўшма Штатлари намунавий ВТ бўлиб, унда "Томоннинг корхонаси"ни Аҳдлашувчи Томонлар давлатининг қонунчилигига мувофиқ, ташкил этилган ёки асос солинган корхона сифатида... деб таърифлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ВТлар компаниянинг фуқаролигини ёки юридик шахсини аниқлашда бир нечта ёндашувларни бирлаштиради. Қуйидаги қоидалар мисоллардир.

"Компания" атамаси бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўша томон қонунчилигига мувофиқ, ташкил этилган ва бош офиси ўша томон давлатининг ҳудудида жойлашган ёки бир Аҳдлашувчи Томон фуқаролари ёки бош офиси битта Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида жойлашган ва томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ, ташкил этилган юридик шахслар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган ҳар қандай юридик шахсни англатади".

Аксар ВТлар инвестор ва Аҳдлашувчи Томон ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун арбитраж қоидаларини белгилайди. ВТларда энг кўп ишлатиладиган арбитраж қоидалари ICSID ва UNCITRAL арбитраж қоидаларидир. ICSID қоидалари унинг Конвенциясига мувофиқ, инвестиция арбитражи учун қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, инвестиция низолари томонлари ICSID юрисдикциясини қабул қилишга тайёрликларини билдиришлари лозим.

UNCITRAL томонидан ишлаб чиқилган қоидалар мажбурий эмас, лекин инвестиция арбитраж тартиб-таомиларининг барча жиҳатларини тартибга солади. UNCITRAL арбитраж қоидалари штат фуқароларининг инвестиция арбитражи қоидаларидан фойдаланишини чекламайди. Бошқа томондан, ICSID қоидалари жисмоний шахснинг ҳам ижобий, ҳам салбий фуқаролик талабини қондиришини талаб қилади: инвестор қабул қилувчи давлат фуқароси эмас, балки шартнома тузувчи давлат фуқароси бўлиши лозим.

Закари Дугласга кўра, агар Аҳдлашув Томонлар ўртасида имзоланган ВТда икки фуқароликка эга бўлган инвестор ҳақида қоида акс эттирилмаган бўлса, яъни доминант ва самарали фуқаролик қоидаси ҳамда белгиланмаган ҳолда, "ratione personae" юрисдикцияси татбиқ этилиши таъкидланган. З.Дуглас самарали фуқаролик доктринасидан фойдаланиб инвесторнинг икки фуқаролигига ҳимоя тақдим этиш тарафдори эмас эди (Z.Douglas, International Law of Investment Claims (CUP 2012) 321).

Шунингдек, Долзер ва Стивенслар (R.Dolzer and M Stevens, Bilateral Investment Treaties (Kluwer Law InternatioAnal 1995) Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартномалар умумий ҳолатда инвесторларнинг икки фуқароликка эгаллиги ҳақидаги қоидаларни тўлиқ очиклаб кетмайди. Бу эса, халқаро самарали фуқаролик бўйича одат ҳуқуқининг трибунал тарафдан татбиқ этилишига олиб келишини таъкидлаган.

ИККИ ФУҚАРОЛИК ВА ICSID КОНВЕНЦИЯСИ

Икки фуқаролик масаласини тартибга солувчи кам сонли шартномалардан бири бу ICSID Конвенциясидир. Ушбу Конвенция бўйича низоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлиш учун инвестор "бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси" бўлиши керак. 25-модданинг (2) (а) бандида ушбу атаманинг куйидаги таърифи мавжуд:

"Бошқа Аҳдлашувчи Давлат фуқароси" деганда: томонлар бундай низога киришиш ёки арбитражга топширишга розилик билдирган санада, шунингдек, 28 модданинг 3 бандига ёки 36 модданинг 3 бандига мувофиқ, сўров рўйхатга олинган санада низода иштирок этувчи давлатдан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс тушунилади. Ҳар икки санада ҳам низода иштирок этувчи Аҳдлашувчи Томон давлати фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай шахс иштирок эта олмайди;"

Шунингдек, 25 модданинг 2 бандида "бошқа Аҳдлашувчи Давлат фуқароси" атамаси куйидагича таърифланган: инвесторлар ижобий ва салбий фуқаролик талабларига жавоб беришлари шарт. Ижобий талабни қондириш учун инвесторлар Аҳдлашувчи Томон давлат фуқароси бўлишлари лозим. Салбий талабни қондириш учун инвесторлар қабул қилувчи давлат фуқаролигига эга бўлмаслиги лозим. Бу шуни англатадики, инвестиция шартномасининг иккала иштирокчиси бўлган давлат фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахслар ICSID юрисдикциясидан фойдалана олмайдилар.

Мисол тариқасида Champion Trading ҳамда Миср ўртасида бўлиб ўтган арбитраж (<https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/75/champion-trading-and-ameritrade-v-egypt>) жараёнини келтиришимиз мумкин.

Унда Миср Араб Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари фуқаролигига эга даъвогар ишни халқаро трибуналга олиб чиқади ва Миср юрисдикциясига қарши чиқди. Миср тарафига кўра, даъвогар ICSID Конвенциясининг 25 модда (2) (а) бандининг талабига биноан "салбий" синов қоида­сига мос келмаган ва Миср фуқароси ўлароқ ўз давлатини инвестицияга оид трибуналга олиб чиқишининг нотўғри эканлигини билдирган. Ўз ўрнида даъвогарлар доминант ва самарали халқаро фуқаролик одат ҳуқуқи қоида­си бўйича икки фуқароликка нисбатан қўлланилишини таъкидлади.

Трибунал даъвогарларнинг аргументини рад этди ва ICSID Конвенцияси доминант ва самарали фуқаролик синовини қўллаш учун ҳеч қандай имконият қолдирма­гини билдирди.

Худди шундай, Siag Мисра (<https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/206/siag-v-egypt>) қарши ишида Миср даъвогарнинг барча муҳим алоқалари Италия билан эмас, балки Миср билан боғлиқлигини таъкидлади. Шундай қилиб, улар Миср-Италия ВІТга таянишга ҳақли эмас эдилар ва ўз даъво­ларини ICSIDга топширишлари керак эди. Siag кейинчалик Ливан фуқаролигига айланган ва кейин Италия фуқаро­лигини олган Миср фуқароси эди. Трибунал алоқаларни

тан олган бўлса-да, кўпчилик уларни ўз юрисдикциясига алоқадор эмас деб топди. Даъвогарлар на қабул қилув­чи давлат фуқаролари, на умуман икки фуқароликка эга эмас эдилар. Трибунал шунингдек, " ICSID Конвенцияси­нинг 25 моддасига биноан ўрнатилган режим доминант ва самарали фуқароликни синовдан ўтказиш учун жой қолдирмайди" деган хулосага келди.

Soufraki Бирлашган Араб Амирликларига қар­ши бўлган ишда (<https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/83/soufraki-v-uae>) порт концессияси шартномаси билан боғлиқ ҳолда Ита­лия Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим бўйича даъво қўзға­тилган эди. Арбитраж сўровида даъвогар ўзини Италия фуқароси деб тақдим этди. Бироқ, БАА даъвогар ICSID Конвенциясининг 25 моддасининг (2) (а) бандига биноан фуқаролик талабини бажармаганлиги юзасидан эъти­роз билдирди, чунки у Канада фуқаролигини олганида ва Канадада истиқомат қилганида Италия фуқаролиги­ни йўқотган. Қўшимча текширув натижасида трибунал Soufraki фуқаролигини йўқотганлигини аниқлади ва шу­нинг учун у тегишли ВІТ бўйича даъво қилиш ҳуқуқи­га эга эмас деган хулосага келди.

Хулоса қилиб айтганда, Soufraki сингари, Champion ва Siag ишларида 25 модданинг (2) (а) бандини қўллаш бўйича қарорлар шуни кўрсатадики, ICSID трибуналига ҳар қандай юрисдикциявий даъво мақса­дида даъво­гарнинг фуқаролигини аниқлаш, тегишли давлат қонун­ларини қўллаш ва истисно ҳолатларда халқаро ҳуқуқ талаб қилиши мумкин бўлган ҳар қандай талабларга риоя қилиш юклатилган. Ишлар, шунингдек, инвестор­лар ва давлатлар 25 модданинг (2) (а) бандидаги салбий чекловларни четлаб ўтиш ва юрисдикциянинг ижобий даъво­ларини билдириш учун доминант ва самарали фуқаролик доктринасидан фойдаланишга уринишган­лигини кўрсатади. Кўрсатилганидек, барча уринишлар муваффақиятсиз якунланди. Бу ICSIDга мувофиқ, ҳам мезбон, ҳам ўз ватанининг фуқароси бўлган икки фуқа­роликка эга шахс кўриб чиқилмаслигини билдиради. ВІТнинг томонлари бўлган Аҳдлашувчи давлатлар ўз фуқаролари билан инвестицияга оид низоларга қатнаш­маслигини аниқ равшан белгилаб беради.

Илхомжон АБДРАИМОВ,

Ташиқ ишлар вазирлиги

Шартнома-ҳуқуқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. N.D. Rubins, Investor-State Arbitration (OUP 2008).
2. Z.Douglas, International Law of Investment Claims (CUP 2012) 321.
3. R.Dolzer and M.Stevens, Bilateral Investment Treaties(Kluwer Law International 1995.
4. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/83/soufraki-v-uae>.
5. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/206/siag-v-egypt>.
6. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/75/champion-trading-and-ameritrade-v-egypt>
7. C.Mc Lachlan, L.Shore and M.Weigner, International InvestmeNT Arbitration: Substantive Principles (OUP 2017).
8. ICSID Convention.
9. C.H.Shreur, The ICSID Convention a Commentary, (2nd edn,CUP 2009) 663.
10. Champion Trading Company, Ameritrade International inc,v, Egypt, ICSID Case No.ARB/02/9, Decision on Jurisdiction, (21 October 2003).

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ФИДУЦИАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятлари моҳияти, уларнинг ҳуқуқий асослари, амалиётга татбиқ қилиш масалалари ва ушбу мажбуриятларни бузиш ҳолатларининг оқибатлари ҳар томонлама таҳлил этилади. Шу билан бирга, миллий қонунчилик ва халқаро тажриба асосида мазкур институтни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, жавобгарлик, бошқарув органлари, тижорат таваккалчилиги, фидуциар жавобгарлик

Таъкидлаш лозимки, миллий корпоратив қонунчилигимизда ҳўжалик субъектлари, шу жумладан акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятлари ва уларни бузганлик учун жавобгарликка тортиш механизмлари кенг ёритилмаган. Бирок, сўнгги йилларда корпоратив қонунчиликни такомиллаштириш, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мазкур мазмундаги нормаларни киритиш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори ҳамда Президентимизнинг 2022 йил 8 ноябрдаги “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-415-сонли қарори акциядорлик жамиятларида бошқарув органларининг фидуциар жавобгарлигини кучайтиришга оид нормаларни амалдаги қонунчиликка киритиш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мажбуриятини юклайди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 166-сонли қарорида давлат номидан мулкдор (акциядор, иштирокчи, муассис) функцияларини фақат корпоратив бошқарув усулларини қўллаган ҳолда бажариш, бошқарув органлари аъзоларини танлов асосида сайлаш (тайинлаш), уларнинг фаолиятини баҳолаш орқали масъулият ва жавобгарлигини ошириш, уларга ҳақ тўлашнинг бозор механизмларига ўтиш, кузатув кенгаши таркибига профессионал мустақил аъзоларни жалб этиш, унинг қошида қўмиталар ташкил этиш, кузатув кенгаши аъзоларига фидуциар мажбуриятларни татбиқ этиш, назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва инсон ресурсларини стратегик бошқариш тизимини йўлга қўйиш орқали корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиши таъкидланган¹. Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган 2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегиясининг 20-бандида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари доираси ҳам белгиланган бўлиб уларга қуйидагилар киради:

жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти – кузатув кенгаши аъзоларидан виждонан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилишни;

содикликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти – кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишни;

лозим даражада қўздан кечиритишни намоён қилиш мажбурияти – кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашишни;

мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти – кузатув кенгаши аъзоларидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилишни талаб этади.

Шу мазмундаги нормалар Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом (рўйхат рақами: 3254-сон, 2020 йил 30 июнь)да ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра:

Бошқарув аъзолари (тижорат банкларининг коллегиял ижро органи) банк манфаатлари йўлида виждонан ва оқилона ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, улар қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя этишлари лозим:

Қонунчилик ҳужжатлари, банк устави ҳамда банк акциядорлари умумий йиғилиши ҳамда кенгаш томонидан қабул қилинган стратегия ва сиёсатларни амалга оширишга доир қарорларга риоя этган ҳолда мажбуриятларини ўз ваколатлари доирасида бажариш;

ўзларининг вазифа ва функцияларини амалга ошириши учун ўз ваколатлари доирасида фаолият юритиш;

зарур ва ошқора маълумотни белгиланган муддатларда олиш, улар билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни кўриш ҳамда шахсий малака ва тажрибага таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармасликка оид талабларга риоя этиш;

банк бошқаруви органлари, шу жумладан, банк акциядорлари умумий йиғилиши ва кенгашга нисбатан тенглик тамойилига риоя этиш; бенуксон ишчанлик обрўсига эга бўлиш².

Мазкур фидуциар мажбуриятлар амалдаги корпоратив қонунчилигимизга қўллаш учун мазмунан янги нормалар ҳисобланиб, уларнинг маваффақиятли ишлаши нафақат акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларни қўллаш тўғрисидаги суд амалиётига (Олий суд Пленуми қарорлари) ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятларини қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солиш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда дастлаб мазкур мажбуриятларнинг келиб чиқиш сабаблари, мақсад ва вазифаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганиш лозим.

Директорларнинг фидуциар мажбуриятлари доктринаси англо-америка ҳуқуқ тизимига мансуб мамлакатларда вужудга келган бўлиб, бу ерда “фидуциар” (лотинча *fiducia* — ишонч) атамаси компанияни бошқариш ролига нисбатан қўлланила бошлаган. Бу директорларнинг ҳалол ва виждонан, компания манфаатларини кўзлаб, ишончли шахслар сингари ҳаракат қилишини талаб этади.

Олимларнинг мазкур фикрларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, фидуциар мажбуриятлар тушунчаси корпоратив бошқарувда ишонч виждон ва масъулият принципларига асосланган алоҳида ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлади. Илмий манбаларда (А.Г. Эртел, Л.Т. Кокоева, А.Э. Колиева ва бошқалар) таъкидланишича, мазкур мажбуриятлар шахснинг бошқа шахс ҳаракатларига таъсир кўрсатиш имконияти ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти мавжуд бўлган ҳолатларда юзага келади.

В.И. Овсянников ва қатор хорижий муаллифлар фидуциар мажбуриятларнинг англо-америка ҳуқуқ тизимида шаклланигани қайд этилади ва уларнинг моҳиятини ғамхўрлик ҳамда садоқат тамойиллари билан изоҳлайдилар. Европа ва инглиз ҳуқуқида ҳам директорлар “фидуциар шахслар” сифатида эътироф этилиб, улардан компания манфаатларини устувор қўйиш талаб этилади.

Умуман, фидуциар мажбуриятлар корпоратив бошқарувни тартибга солувчи универсал механизм бўлиб, у манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Бирок, фидуциар мажбуриятлар фақатгина компания билан шартнома асосида фаолият олиб борувчи ижро органлари, яъни “де-юре” бошқарувчилар томонидан жамият манфаатларига зарар етказилганда амалда бўлиб, бу компаниялар амалдаги “де-факто” бошқарувчиларига нисбатан қўлланилмайди.

Миллий олимларимиз (Ҳ.Р. Раҳмонқулов, С.С. Гулямов, У.П. Холмиразев ва бошқ.) томонидан ҳам мазкур масала илмий таҳлил қилинган. Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва С.С. Гулямовларга кўра, компаниялар бошқарувчилари ўзлари раҳбарлик қилиб турган жамиятлар фаолиятига қарши фаолият юритишлари (бошқараётган компаниянинг маҳсулотларини нисбатан арзон нархларда сотадиган, мустақил компания тузишлари), мазкур компаниялар активларини ўзи эгаллик қиладиган компанияларга арзон нархларда сотиш ҳолатлари ҳам мавжудлиги, виждонсиз бошқариш натижасида банкротликка учраган корпорациялар билан боғлиқ низолар хорижда жуда кўп учраб туриши, бундаги энг мураккаб муаммо, бошқарувчилар компанияни бошқариш учун зарур сифатларга эга бўлмай туриб, бунга ваколатлари бўлмаса ҳам, ўз позицияларини кучайтириш мақсадида акциядорларнинг ресурсларини ўзлаштириш билан шуғулланишлари ва бунинг натижасида компаниялар ва инвесторларга жуда катта миқдорда зарар етказилади. Шунинг учун корпоратив бошқариш билан боғлиқ кўпгина масалалар бошқарувчилар учун чекловлар ишлаб чиқиш, уларнинг компания ресурсларини ўзлаштиришга йўл қўймасликка қаратилади. Ушбу механизмларни қўллаш бўйича жавобгарлик директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) зиммасига юклатилган бўлиб, у “фидуциар мажбурият” деб аталади.

Мазкур фикрдан келиб чиқадики, фидуциар мажбуриятлар тушунчаси фақатгина ҳуқуқий нормалар билан чекланмайди, балки корпоратив бошқарувда иштирок этувчи шахсларнинг этик ва масъулиятли хулқ-атворини белгилайдиган кенг қамровли концепциядир. Фидуциарликнинг моҳияти – иштирокчиларнинг корпорация манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда, виждонан, оқилона ва садоқат билан ҳаракат қилишларидир. Шунингдек, бу мажбуриятлар корпоратив бошқарувнинг стандартларини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларида зарарни ўндириш механизмларини таъминлашга хизмат қилади. Олимларнинг таъкидлашича, фидуциар мажбуриятларнинг аниқ таърифи ва таркиби мураккаб ҳамда кўп қиррали бўлиб, у жамиятнинг ҳуқуқий ва амалий эҳтиёжлари асосида ривожланиб бормоқда.

Ў.П. Холмиразев мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида Англия тажрибаси (2006 йилда қабул қилинган “Компаниялар тўғрисида”ги қонун) асосида, директорлар (шунингдек, бошқа назорат қилувчи шахслар) зиммасидаги айрим аниқ фидуциар мажбуриятларни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида мустақил тартибда белгилаш мақсадга мувофиқ ва асосли деб ҳисоблайди³. Олим, шунингдек, мазкур мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида, Фуқаролик кодексини қуйидаги таҳрирдаги 571-модда билан тўлдиришни таклиф этади:

571-модда. Фидуциар мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик

Қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжати асосида унинг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган шахс,

юридик шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи юридик шахснинг ўзи ёки унинг таъсисчилари (қатнашчилари) талаби билан, ўз айби билан юридик шахсга етказилган зарарни қоплаши шарт.

Қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжати асосида унинг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган шахс ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш жараёнида виждонан ёки оқилона тарзда ҳаракат қилмагани, жумладан, унинг ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) одатдаги фуқаролик муомаласи шартларига ёки одатдаги тадбиркорлик таваккалчилигига мос келмагани исботланган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Юридик шахснинг фаолиятини белгилаб бериш имкониятига эга бўлган, жумладан, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсларга кўрсатма бериш имконияти мавжуд бўлган шахс, юридик шахс манфаатларини кўзлаб оқилона ва виждонан ҳаракат қилиш мажбуриятини ҳамда ўз айби билан юридик шахсга етказилган зарар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади⁴.

Бирок, ҳозирги вақтда миллий қонунчилигимизда ҳўжалик жамиятлари бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятларини айнан белгилувчи нормалар фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори (8-боб, 20-банд) ва Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом (рўйхат рақами: 3254-сон, 2020 йил 30 июнь) (8-боб, 50-банд)да келтирилган. Бу нормалар, йўналиш бўйича тор доира учун қабул қилинган бўлиб, келгусида фидуциар мажбуриятлар ва уларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш ҳамда ҳўжалик жамиятлари бошқарув органларининг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам шу мазмундаги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур мажбуриятларнинг ҳуқуқий табиати, мазмун ва вазифалари таҳлили, шунингдек, хорижий тажрибага таянган ҳолда, Ўзбекистон корпоратив қонунчилигида фидуциар мажбуриятлар доктринасини аниқ ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида”ги Қонунда директорлар ва бошқа бошқарув органлари аъзолари учун оқиллик, садоқат, манфаатлар тўқнашувидан қочиш, мустақил фикр юритиш каби асосий фидуциар мажбуриятларни белгилаш, шунингдек, уларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик чораларини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу эса нафақат корпоратив бошқарувни яхшилаш, балки инвестиция муҳитини кучайтириш ва корпоратив моҳароларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шухрат МИРЖАМОЛОВ,

*Тошкент давлат юридик университетининг
таънч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарори, 4-боб, бешинчи хатбоши, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2021 й., 09/21/166/0257-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги 12/8-сон қарори, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3254/1045-сон, <https://lex.uz/docs/4888804>
3. Холмиразев, У.П. Ответственность контролирующих лиц по обязательствам хозяйственных обществ: учеб. пособие / утқирбек Пахлавович Холмиразев – Т.: узд-во ТГЮУ, 2024. – 132с.
4. Холмиразев, У.П. Ответственность контролирующих лиц по обязательствам хозяйственных обществ в национальном и зарубежном корпоративном праве. ДИССЕРТАЦИЯ на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по юридическим наукам. УДК: 347.7(043.5) (575.1), Ташкент – 2021.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА КЕНГАШЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ НОМАРКАЗЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ МАМЛАКАТИМИЗДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Хорижий мамлакатлар — жумладан, Германия, Австрия, АҚШ, Франция, Хитой, Туркия, Корея ва Қозоғистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий кенгашлар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг номарказлаштириш борасидаги тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида мазкур давлатларнинг бу йўналишдаги тажрибаларига тўхталиб ўтамиз.

Германия Республикаси

Германияда маҳаллий давлат ҳокимияти икки даражали тизимга эга:

- Округлар (Kreise) ва қишлоқ ҳудудлари (Gemeinden): қишлоқ ҳудудлари мустақил равишда ўз бошқарувини амалга ошириб, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилади.
- Шаҳарлар (Städte): қатта шаҳарлар округ мақомига эга бўлиб, улар мустақил равишда ҳам округ, ҳам шаҳар ҳокимияти вазифаларини бажаради.

Уларнинг асосий функцияларига таълим муассасаларини бошқариш, жамоат транспорт тизимини, шаҳарсозлик ва инфратузилмани ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қиради.

Маҳаллий кенгашлар (Gemeinderat ёки Stadtrat) – Германиядаги ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тузилмалари бўлиб, маҳаллий кенгашлар сайловчилар томонидан бевосита сайланади. Улар ҳудуднинг асосий қонунчилик қарорларини қабул қилади ва маҳаллий ижро этувчи органлар фаолиятини назорат қилади. Маҳаллий кенгашлар бюджетни тасдиқлайди, қонунларни қабул қилади ва ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқади. Мэр маҳаллий ҳокимиятнинг ижро этувчи раҳбари сифатида фаолият юритади ва кенгаш қарорларини амалга ошириш учун масъулдир.

Ҳар бир федерал ер ўз қонунларини ишлаб чиқса-да, улар федерал қонунларга мувофиқ бўлиши лозим. Федерал бюджетдан маҳаллий ҳокимиятга ажратиладиган субсидиялар аниқ механизмлар асосида тақсимланади. Маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари малакасини ошириш учун мунтазам дастурлар амалга оширилади.

Австрия Республикаси

Австрия Европадаги федератив тузилмага эга давлатлардан бири бўлиб, унинг бошқарув тизими номарказлашган механизмлар асосида ташкил қилинган. Бу тизим давлат бошқарувини марказ ва ҳудудий даражалар ўртасида тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Австриянинг бошқарув тузилиши қуйидаги асосий даражалардан иборат:

- марказий ҳокимият: бошқарув марказида федерал ҳукумат ва парламент мавжуд бўлиб, улар умумдавлат қонунчилиги ва сиёсати учун жавобгар ҳисобланади;
- федерал ерлар (Länder): Австрия 9 та федерал ерларга бўлинган бўлиб, ҳар бир ер ўз конституциясига, қонун чиқарувчи органига (ландтаг) ва ижроия ҳокимиятига эга.
- маҳаллий даража: маҳаллий даражадаги бошқарув муниципалитетлар (Gemeinden) орқали амалга оширилади.

Бу тузилма номарказлаштирилган бошқарувнинг асосий жиҳати бўлиб, ҳар бир даражада ҳокимиятнинг аниқ ваколатлари белгиланган.

Австрияда маҳаллий давлат ҳокимияти муниципалитетлар даражасидаги бошқарувни таъминлайди, маҳаллий аҳолининг кундалик эҳтиёжларини ҳал қилади, жумладан: инфратузилма, таълим, ижтимоий хизматлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалар шулар жумласига қиради. Шунингдек, муниципалитетлар ўз бюджетларини шакллантириш ва қўшимча солиқларни йиғиш ваколатига эга. Маҳаллий ҳокимият мустақиллиги Австрия конституциясида кафолатланган бўлиб, улар марказий ҳукуматдан мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятига эга. Бу тизим Европа давлатларида кенг жорий этилган.

Gemeinderat, яъни маҳаллий кенгашлар, муниципалитетлар даражасидаги асосий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаларига маҳаллий бюджетни қабул қилиш, ҳудудий ривожланиш дастурларини тасдиқлаш, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш қиради. Маҳаллий кенгашлар сайлов асосида ташкил этилади ва уларнинг аъзолари ҳудуд аҳолиси томонидан сайланади.

Австрияда номарказлаштириш сиёсати уч даражадаги ҳокимият ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Конституция федерал заминлар ва марказий ҳукумат ўртасида қонунчилик соҳасидаги ваколатларни аниқ ажратган. Масалан, таълим ва полиция каби соҳаларда ваколатлар федерал заминларга берилган.

Федерал ҳукумат солиқлардан тушган даромадларни марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасида тақсимлайди (фискал федерализм). Муниципалитетлар кўплаб масалаларда марказий ҳукуматга қарам бўлмаган ҳолда қарор қабул қилади.

Америка Қўшма Штатлари

Америка Қўшма Штатлари федератив тузилмага эга бўлиб, давлат бошқаруви марказий ҳукумат (федерал ҳукумат), штатлар ҳукумати ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида аниқ тақсимланган ваколатлар асосида амалга оширилади. АҚШ бошқарув тизими номарказлаштириш принципларига асосланган бўлиб, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг автономлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

АҚШ Конституцияси марказий ҳукумат ва штатлар ўртасидаги ваколатларни белгилаб беради. Ҳар қандай ваколат, агар у Конституцияда федерал ҳукуматга берилмаган бўлса, штатларга ёки халққа тегишли ҳисобланади (10-тўғрилаш).

Штат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўз бюджетларини шакллантириш ҳуқуқига эга. Улар турли солиқларни жорий этиш ва даромад манбаларини бошқариш имкониятига эгадир.

Шаҳарлар ва округлар жамоат транспортлари, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар ва таълим каби соҳаларда мустақил қарорлар қабул қилади.

АҚШда маҳаллий давлат ҳокимияти турли шаклларда амалга оширилади. Булар шаҳар ва шаҳарчалар даражасидаги ҳокимиятлардир. Улар шаҳар раҳбари мэр (mayor), шаҳар кенгаши (city council) ва турли агентликлар орқали бошқарилади.

Округлар катта ҳудудларни бошқаради ва асосан йирик инфратузилмани, масалан, йўллар, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий хизматларни қўллаб-қувватлайди.

Шаҳар кенгашлари маҳаллий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади ва маҳаллий сиёсатни белгилайди.

Маҳаллий кенгашлар АҚШда маҳаллий бошқарувнинг асосий қонун чиқарувчи органлари бўлиб, улар маҳаллий даражада бюджетларни шакллантиради, маҳаллий қонунларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, масалан, жамоат тартибини сақлаш ёки маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар ҳокимият ижроия органлари (масалан, шаҳар мэри) фаолиятини назорат қилади, маҳаллий аҳоли фикрларини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилади.

АҚШда штатлар ва маҳаллий ҳокимиятлар даромад солиғи, мулк солиғи, савдо солиғи каби манбалардан мустақил равишда фойдаланиши мумкин. Федерал ҳукумат ислохотлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун штатлар ва маҳаллий ҳокимиятларга грантлар, субсидиялар ажратади. Бундан ташқари, молиявий масалаларда штат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилган.

Франция Республикаси

Францияда маҳаллий давлат ҳокимияти коммуналар, таълим, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирлар ташкил қилиш соҳаларда хизмат кўрсатади. Ҳудудлар ва департаментлар инфратузилма, транспорт, энергия таъминоти ва иқтисодий ривожланишни мувофиқлаштиради. Маҳаллий ҳокимият жамоат хавфсизлиги ва тартибни сақлаш учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

Францияда маҳаллий кенгашлар (Conseils) ҳар бир даражадаги бошқарувнинг қонун чиқарувчи органи сифатида ишлайди. Уларнинг вазифалари даражага қараб фарқ қилади:

Ҳудудий кенгашлар иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади, таълим муассасаларини молиялаштиради, транспорт тизимини бошқаради.

Департамент кенгашлари ижтимоий хизматлар учун жавобгар (қариялар учун хизматлар, ижтимоий ёрдам дастурлари), жамоат инфратузилмасини назорат қилади.

Муниципал кенгашлар маҳаллий қонунлар ва қарорларни тасдиқлайди, коммунал хизматларни ташкил этади (ободонлаштириш, сув таъминоти, чиқиндиларни қайта ишлаш), маҳаллий бюджетни тасдиқлайди ва назорат қилади.

Францияда маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллиги молиявий жиҳатдан таъминланган бўлиб улар солиқларни белгилаш ҳуқуқига эга, марказий ҳукумат маҳаллий даражадаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратади, ҳудудлар ва коммуналар ўз бюджетларини мустақил равишда шакллантириб, ривожланиш дастурларини молиялаштиради.

Хитой Халқ Республикаси

Хитойдаги номарказлаштириш жараёни асосан иқтисодий соҳаларга қаратилган. Жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар мин-

тавий иқтисодий ривожланиш учун жавобгар. Улар сармояларни жалб қилиш, иқтисодий зоналарни ривожлантириш ва бюджет маблағларини бошқаришда марказий ҳукумат билан биргаликда фаолият юритади. Провинциялар солиқ тушумларини белгиланган улушда марказий ҳукуматга ўтказиш, қолган қисми маҳаллий бюджетда қолади. Марказий ҳукумат ислохотларнинг самарадорлигини синовдан ўтказиш учун айрим провинцияларга экспериментал сиёсат юритиш ҳуқуқини беради (масалан, Шанхай ва Шэньчжэнь иқтисодий зоналари).

Хитойда маҳаллий давлат ҳокимияти иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда муҳим ўрин тутди. Улар маҳаллий ҳокимиятлар марказий сиёсатни амалга ошириш, маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун жавобгар ҳисобланади. Ҳудудий ресурсларни бошқариш ва сармояларни жалб қилиш вазифасини бажаради. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини таъминлайди.

Хитойда маҳаллий кенгашлар қонун чиқарувчи ва маслаҳат органлари сифатида фаолият юритади. Ҳар бир даражадаги халқ конгресси (People's Congress) маҳаллий қонунларни тасдиқлайди ва бюджетни қабул қилади. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилади. Конгресс марказий ҳукумат сиёсатини маҳаллий даражада татбиқ этилишини таъминлайди.

Маҳаллий халқ конгресслари аъзолари қуйи даражадаги сайловлар орқали танланади. Уларнинг фаолияти асосан партия сиёсатига мувофиқдир.

Хитойда молиявий тақсимот марказий ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Провинциялар ва округлар солиқ тушумларининг маълум қисмини марказий ҳукуматга юборади, қолгани маҳаллий бюджет учун қолдирилади. Марказий ҳукумат иқтисодий жиҳатдан заиф ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ёрдам кўрсатади.

Корея Республикаси

Корея Республикасида номарказлаштириш сиёсати давлат бошқарувида ҳудудларнинг мустақиллигини оширишга қаратилган. 1988 йилда маҳаллий ҳокимиятларга сайловлар асосида шаклланиш имконияти берилди. Шу тариқа, маҳаллий даражадаги ҳокимиятлар фуқаролар олдида ҳисобдор бўлиб қолди. Ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш учун марказий ҳукуматдан муайян ваколатлар маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилди.

Маҳаллий ҳокимиятларга солиқларни йиғиш ваколати берилган, шу жумладан, мулк солиғи ва маҳаллий бизнес солиғи ҳам. Марказий ҳукумат томонидан айрим субсидиялар ажратилади, аммо маҳаллий бюджетлар асосан маҳаллий даромад манбалари орқали шакллантирилади.

Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун маҳаллий ҳокимиятлар инфратузилма, туризм ва саноат ривожланишига оид дастурларни ишлаб чиқади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти Корея Республикасида транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал хизматларни ташкил қилади. Ҳудудий инфратузилмани ривожлантириб, сармояларни жалб қилади. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳаларни амалга оширади.

Корея Республикасининг маҳаллий кенгашлари қонун чиқарувчи органлар сифатида фаолият юритади. Улар

маҳаллий бюджетни тасдиқлайди ва уни назорат қилади. Худудий қонунлар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқади. Маҳаллий ижроия ҳокимиятини назорат қилади.

Маҳаллий кенгашларнинг аъзолари фуқаролар томонидан сайланади. Бу кенгашларнинг аҳоли олдида ҳисобдорлигини таъминлайди. Сайловлар ҳар тўрт йилда ўтказилади.

Ҳар бир ҳудуд ўз солиқ тизимини юритиш ҳуқуқига эга. Марказий ҳукумат ҳудудларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағ ажратади. Худудлар ўз даромадларини жамғариб, уларни инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий хизматларни молиялаштиришга сарфлайди.

Туркия Республикаси

Туркияда номарказлаштириш сиёсати маҳаллий ҳокимиятларнинг аҳоли эҳтиёжларини таъминлашдаги масъулияти ва мустақиллигини оширишга қаратилган. Номарказлаштириш асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

— маҳаллий ҳокимиятлар мустақил бюджетга ва молиявий манбаларни бошқариш ҳуқуқига эга;

— шаҳар ҳокимлари (мэрлар) ҳамда маҳаллий кенгашлар сайлов йўли билан шакллантирилади;

— маҳаллий ҳокимиятлар ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва маҳаллий даромад манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

— марказий ҳукумат айрим молиявий субсидиялар ва грантлар орқали маҳаллий ҳокимиятларни қўллаб-қувватлайди.

Худудий инфратузилма, коммунал хизматлар, маданият, туризм ва таълим соҳаларида маҳаллий ҳокимиятлар кенг ваколатларга эга.

Туркияда маҳаллий давлат ҳокимияти турли даражадаги бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир вилоят губернатор (*vali*) томонидан бошқарилади. Губернатор марказий ҳукумат томонидан тайинланади ва давлат сиёсатининг ҳудудда ижро этилишини таъминлайди.

Туманлар мэр ва маҳаллий кенгашлар томонидан бошқарилади. Туман даражасидаги ҳокимият асосан маҳаллий жамоат хизматларини таъминлаш билан шуғулланади.

Шаҳар мэрлари коммунал хизматлар, шаҳар ривожланиши, ижтимоий хизматлар ва инфратузилмани ривожлантириш учун масъулдир.

Қишлоқ ҳокимиятлари эса асосан қишлоқ хўжалиги ва жамоат тартибини таъминлаш билан шуғулланади.

Туркияда маҳаллий кенгашлар худудий бошқарувнинг қонун чиқарувчи органи бўлиб, маҳаллий бюджетни қабул қилиб уни назорат қилади. Маҳаллий қонунлар, қоидалар ва қарорларни тасдиқлайди. Худудий ижро органларининг фаолиятини назорат қилади.

Маҳаллий кенгашлар сайловлар орқали шаклланади. Кенгаш аъзолари аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайланади. Улар аҳоли олдида ҳисобдор бўлиб, қарорлар шаффофлиги таъминланиши лозим.

Ҳар бир ҳудуд ўз бюджетини шакллантириш ҳуқуқига эга. Бунда мулк солиғи, коммунал хизматлар учун тўловлар каби манбалар асосий роль ўйнайди. Айрим иқтисодий заиф худудларга марказий ҳукумат ёрдам кўрсатади.

Қозоғистон Республикаси

Қозоғистон номарказлаштириш орқали маҳаллий даражада аҳолининг давлат бошқарувига жалб қилиниши ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эътибор қаратмоқда.

Қозоғистонда номарказлаштириш ислохотлари худудий бошқарувнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Жумладан бунда худудий ҳокимликларга ижтимоий хизматлар, инфратузилма ва жамоат тартибини таъминлаш соҳаларида кенг ваколатлар берилган. Маҳаллий даражадаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча бюджет маблағлари ажратилади.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда худудларнинг роли оширилган. Маҳаллий ҳокимиятлар турли солиқлар, айниқса, мулк ва ер солиғидан келадиган тушумларни бошқариш ҳуқуқига эга.

Маҳаллий маслаҳатлар орқали фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади. Маҳаллий аҳолини давлат дастурларини муҳокама қилишга жалб қилиш механизмлари яратилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти худудий даражада ижро органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- худудий ривожланиш дастурларини амалга ошириш;
- ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- инфратузилма ва коммунал хизматларни бошқариш.

Акимлар (ҳокимлар) давлат сиёсатини худудий даражада ижро этиш учун жавобгар. Акимлар маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликда ишлайди.

Қозоғистонда маҳаллий кенгашлар, яъни маслаҳатлар бошқарувнинг қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. Уларнинг асосий ваколатига маҳаллий бюджетни тасдиқлаш, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган қарорларни назорат қилиш, худудий ривожланиш дастурларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш киради.

Маслаҳат аъзолари аҳоли томонидан сайланади. Маслаҳатлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлайди.

Ер, мулк ва транспорт солиғидан келиб тушган даромадлар маҳаллий бюджетга ўтади. Айрим заиф худудларни қўллаб-қувватлаш учун марказий ҳукумат томонидан субсидиялар ажратилади.

Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибаларининг ижобий натижаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва амалиётга жорий этиш масалаларини таҳлилий ўрганиш асосида маҳаллий давлат ҳокимияти ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бунда маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш, ўз ҳудудида мустақил қарорлар қабул қилиш, номарказлаштириш асосида ҳокимликлар ваколатларини қуйи органларга, нодавлат ташкилотларига, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш зарур.

Худойқул АЗИЗОВ,

*Одил судлов академияси декани,
юридик фанлар номзоди, профессор.*

СУДЛАРДА ИШНИ КЎРИШНИНГ ОШКОРА ВА ОЧИҚЛИГИ ТАМОЙИЛИ: НАЗАРИЯ ВА ДОКТРИНАЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада судда ишни кўришнинг ошкоралиги ва очиқлиги тамойили тушунчаси ва ривожланиши масалалари бўйича назариялар ва илмий доктриналар таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, судда иш кўриш, ошкоралик, шаффофлик, тамойил, назарий-ҳуқуқий асослар, доктриналар, такомиллаштириш.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик ва очиқлик тамойили юридик фанларда жамиятнинг суд тизимига ишончини таъминлайдиган асосий демократик устунлардан бири сифатида анъанавий тарзда кўриб чиқилади. Унинг моҳияти жамият ва оммавий ахборот воситалари учун суд жараёнига эркин кириш имкониятини таъминлашдан иборат бўлиб, бу ҳолат одил судлов ва суд ҳокимияти жамият олдидаги ҳисобдорлигининг муҳим кафолатидир. Ушбу принцип одил судловга бўлган ҳуқуқ билан узвий боғлиқ бўлиб, бу "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конвенциянинг (Рим, 1950 йил 4 ноябрь) 6-моддаси 1-бандида ҳам белгиланган¹. Адолатнинг ошқора амалга оширилиши адолатли суд муҳокамасини таъминлашга хизмат қилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Европа ҳуқуқий доктринасидаги "ошқоралик" фуқаролик суд ишларини юритишда мамлакатимиз ҳуқуқий доктринасидан бошқача маънода қўлланилади. Ўзбекистонда ошқоралик судларда кўриладиган ишларнинг муҳокамаси очик ўтказилиши ва суд органлари фаолиятига оид барча маълумотлардан умумий фойдаланиш имкониятини аниқлаш, Европада ошқора суд муҳокамаси стандартлари маълумотларнинг жамоатчиликка етарли даражада очиқлигини назарда тутди аммо айрим ҳолларда чегараловчи қоидаларни ҳам қабул қилади.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар ҳуқуқий доктринасида суд муҳокамаларининг ошқоралиги принциплари турлича изоҳланади. Масалан, Германиянинг "Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуни (Gerichtsverfassungsgesetz, GVG) 169-параграфида суд мажлисларининг ошқоралиги адолатсиз қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш ҳамда жамият томонидан "ишончли назорат"ни шакллантиришга хизмат қилиши белгиланган². Француз ҳуқуқий анъаналарида эса очиқлик "адолатнинг ижтимоий функцияси" сифатида талқин этилади. Яъни, адолат фақат қарор чиқариш билан чекланмай, балки жамиятга тенглик ва қонунийлик қадриятларини етказиш вазифасини ҳам бажаради.

Англо-америка ҳуқуқ тизимида эса "open justice" доктринаси прецедент ҳуқуққа асосланади. Мазкур доктрина жамоатчиликка суд жараёнларини реал вақт режимида кўриш ва тинглаш имконини бериш, суд муҳокамаларини телевидение орқали кўриш, жараёни видеога олиш, суд ҳужжатларининг мазмунини ва уларни нашр этиш, суд мажлиси баённомаларини тақдим этиш каби шаффофликни таъминлашга қаратилган қадамларни англатади. Бу принцип судда содир бўладиган воқеаларни жамоатчилик ва матбуот учун тушунарли қилишга ҳаракат қилишни ўз ичига олади³.

Шу ўринда судлардаги ошқоралик ҳақида гапирар эканмиз, юридик адабиётларда суд қарорларини шахсизлаштириш (деперсонализация қилиш) борасида турли баҳс-мунозаралар мавжудлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Суд қарорларини деперсонализация қилиш масаласи 1990 йиллар охиридаёқ кўтарилган эди. Унда асосан инсонга таъсир қилмайдиган (иштирокчининг мақоми, шахсий ҳиссиёти ёки кўркувида дахлдор бўлмаган) техник чоралар ҳақида сўз юритилган. Илк амалга жорий этилган усуллардан бири — ҳужжатдан идентификацион маълумотларни чиқариб ташлаш эди (масалан, Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари, иш жойи ва яшаш манзили, оила таркиби, миллат, телефон рақами, касалликлари ёки машина рақами кабилар).

Ёпиқ суд жараёнларида чиқарилган қарорларни эълон қилмаслик мумкин. Аммо, бундай ҳолатлар жуда кам. Шу ҳолатда ҳам "суд қарори ҳар ҳолда оммавий равишда ўқилади". Демак, унинг резолютив қисми номаълум шахслар доирасига ҳам очик, яъни эълон қилиниши мумкин.

Қонун чиқарувчи ушбу масалада чекловларни ҳам аниқ белгиланган: ФПК-нинг 10-моддасида ёпиқ суд жараёнига фақатгина шахсий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ёки фарзандликка олиш ва шахсий ёзишмалар сирини таъминлаш мақсадида рухсат этилади. Лекин бу ҳолатда ҳам суд қарори оммавий равишда эълон қилинади, яъни оммага маълум бўлиши шарт. Қарорнинг айрим қисмлари (масалан, баён қисми) чекланиши мумкин.

Бошқа бир гуруҳ олимлар ҳам суд қарорларини шахсизлаштириш (деперсонализация қилиш)ни танқид қилади, унинг маъносиз ва ҳатто абсурд эканини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, суд қарорларини шахсизлаштириш уларнинг матнлари билан танишишни кескин қийинлаштиради, чунки улардан фойдали маълумотлар чиқариб ташланади ва натижада суд қарори матни мутлақо ўқиб бўлмас ҳолатга келади⁴.

Аслида, шахсизлаштириш натижасида суд қарорлари матнларида баён этилган маълумотларнинг катта қисми мазмундан маҳрум бўлади ва улар судлар сайтларида мазмунсиз шаклда намоён бўлади. Бу кўрсаткич турли тоифадаги ишлар бўйича турлича аммо энг катта таҳрир фуқаролик ишларида намоён бўлмоқда экан. Масалан, тадқиқотлар натижасига кўра, фуқаролик ишларида иш учун муҳим бўлган маълумотлар деярли ярмида (46%) чиқариб ташланган, жиноят ишларида эса ишнинг моҳиятини аниқлаш учун зарур маълумотлар 26% ҳолатда олиб ташланган⁵.

Суд қарорларини шахсизлаштириш суд аппарати ходимларининг мазкур йўналиш бўйича иш юклагани сезиларли даражада ошиши муаммосини ҳам келтириб чиқаради. Натижада, туман судлари суд қарорларини мунтазам ва тўлиқ тарзда эълон қила олмайди.

Шундай қилиб, суд қарорларини шахсизлаштириш натижасида суд ҳокимияти ошқоралиги тамойили қисман мантиқсиз ҳолатга келтирилмоқда: қарорларни омма учун очик қилиш интилиши амалда уларни қисман ёки тўлиқ маъносиз қилишга олиб келмоқда.

Шу сабабли, фақат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўлган ҳоллардагина суд қарорларини шахсизлаштириш таклифи тўлиқ асосли ҳисобланади. Агар илтимоснома берилмаган бўлса, суд қарорлари матнлари расмий интернет сайтда тўлиқ ҳажмда жойлаштирилиши лозим.

Хорижий қонунчилик ва доктринал ёндашувларни таҳлил қилишдан шундай хулосага келиш мумкинки, очиқлик ва ошқоралик принциплари фақат расмий процессуал норма бўлиб қолмай, балки адолат, жамият ва шахс манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган фундаментал демократик механизмдир. Унинг амалда жорий этилиши процессуал қонунчиликни доимий равишда такомиллаштиришни ҳамда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этади, бу эса айниқса суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида мамлакатимиз учун ўта долзарб аҳамиятга эга.

Эркинжон САБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конвенция (Рим, 1950 йил 4 ноябрь) // <https://nrm.uz>
2. Gerichtsverfassungsgesetz (GVG) // <https://www.gesetze-im-internet.de/gvg/BJNR005130950.html>
3. https://en.wikipedia.org/wiki/Open_justice
4. Бухарев А.В. Обеспечение открытости и прозрачности деятельности судебной системы на современном этапе судебной реформы // Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова. № 3, 2015. – 207 с.
5. Абсурдность и юридическая несостоятельность деперсонализации судебных актов // <http://pravo.ru/review/view/66359>



МАСЪУЛИЯТИМИЗ МЕЗОНЛАРИ

Ҳар қандай демократик жамиятда суд тизими давлатнинг адолатли ва қонун устуворлигига асосланган бош тамойилларини амалда таъминлайдиган муҳим институт ҳисобланади. Судья эса бу тизимнинг юраги, унинг одиллиги ва инсофини ифода этувчи шахсдир. Шу боис судьянинг касбий маҳорати билан бир қаторда, маънавий дунёси, ахлоқий поклиги ва фуқаролик масъулияти ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Суд тизимида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга: судьянинг ахлоқий фазилатлари, маънавий дунёқараши ва виждони қарор қабул қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Судьялар олий кенгаши томонидан судьяларнинг ҳуқуқий билими билан бирга маънавий-ахлоқий савиясини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга ошириляётгани – суд тизимини янада адолатли, шаффоф ва инсонпарвар қилишда муҳим қадамдир.

Жумладан, шу мақсадда “Пушаймон” номли қисқа метражли фильм суратга олинган. Унда иш фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида ҳаёти издан чиққан собиқ судьянинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур фильм соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш мақсадида жойларда ўтказилган маърифий тадбирларларда судьялар ва уларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Адолатли, маънавиятли судья – халқ қалбида ишонч уйғотади. Ана шунда жамиятда ҳақиқат устувор бўлади, “қонун ҳам одамлар учун” деган тушунча ҳаётда ўз ифодасини топади. Судьялар олий кенгаши томонидан шундай ўзининг адолатли қарорлари билан халқ ишончини қозонган судьяларни рағбатлантириш мақсадида “Ибратли судья” мукофоти таъсис этилган. 2024 йилда ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан ҳамкасбларига намуна бўлган 18 нафар судья “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, 6 нафар судьянинг ота-онасига фарзанд тарбиясидаги улкан ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирилди.

2020 – 2023 йиллар давомида жами 50 нафар судья ушбу мукофот билан тақдирланди. Бундан ташқари, жамиятда адолат ва ҳақиқат устуворлигини таъминлашда алоҳида ўрнатилган 25 нафар судьянинг ота-онаси ҳам эсдалик совғалари ва ташаккурномалар билан тақдирланган.

Бундан ташқари, Кенгаш ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрийларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида “Ибрат мактаби” туркумидаги китоблар нашр этилмоқда. Хусусан, “Шарафли йўл соҳиби” китобида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли давлат ва жамоат арбоби Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ёритилган бўлса, “Саҳродай кенг, дарёдай тошқин” китобида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист Парахат Айтниёзовнинг умр йўли ҳақида сўз боради.

Китоб қаҳрамонлари суд тизимида кўпчилик учун ҳақиқий устоз ҳисобланади. Айримлар бевосита уларнинг қўл остида ишлаб, касб сир-асрорларини ўрганган

бўлса, яна кўплар уларнинг серқирра фаолиятига ҳавас билан қараб, ўзларига ибрат деб билгани ҳам ҳақиқатдир.

Ушбу китобларни нашр этишдан кўзланган асосий мақсад – маърифат ва маънавият элчилари бўлмиш китоблар орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбига садоқатли ва виждонли инсонлар сифатида шаклланишига ҳисса қўшишдир.

Маънавий етук судья:

- ҳақиқатни излашда ҳеч кимнинг таъсирига берилмайди;
- ҳалоллик ва ҳолисликни ҳаёт қондаси деб билади;
- ҳар бир ишда инсон тақдирини кўради, қовоздаги рақамни эмас;
- қонун устуворлиги ва адолат тамойилларига содиқ бўлади.

Шу ўринда баъзи бир статистик маълумотларни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: 2024 йил давомида судьялар фаолияти бўйича жами 718 та хизмат текшируви ўтказилган. Улар асосида 506 та интизомий иш кўзгатирилган бўлиб, натижада 274 нафар судьяга интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Хусусан:

- 27 нафар судьянинг судьялик ваколати муддатидан олдин тугатилган;
- 92 нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан” интизомий чораси қўлланилган;
- 31 нафар судьяга нисбатан “жарима” чораси белгиланган;
- 124 нафар судья “огоҳлантириш” билан чекланган;
- 229 нафар судьяга нисбатан эса интизомий иш юритуви тугатилган.

Бу ҳолатлар суд тизимида маънавий тарбия ва ички назоратни янада мустаҳкамлаш зарурлигини эслатиб туради. Чунки, биргина холис ва адолатли судья юзлаб инсонларда ишонч уйғотса, аксинча, биргина ноодил қарор бутун жамоатчиликда шубҳа ва ишончсизлик туғдириши мумкин. Шу сабабли Судьялар олий кенгаши томонидан судьяларнинг маънавий баркамоллигини ошириш, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш ва касбий масъулиятини юксалтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Назokat БАЙЗАКОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБИНИ БУЗИШ ОҚИБАТИ ЁХУД ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилиб, фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса — иш одами қоидаларига ҳам риоя этишлари кераклиги белгиланган.

Албатта, бу қайсидир маънода фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган меъёрлардан биридир.

Бугунги кунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ривожлангани ва кенгайиб бораётгани сари унда ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳамда субъектив мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажариш билан бир қаторда шартномавий муносабатларни тўғри, ўз вақтида расмийлаштиришда ҳуқуқ ва қонун талаби бузилиши ҳам ортиб бормоқда.

Хўш, бунга қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

Бош Қомусимизнинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуниги сўзсиз тан олинади, давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши белгиланган.

Алоҳида эътибор беришимиз керакки, субъектларнинг жойлашиш кетма-кетлиги бўйича мазкур Конституциявий нормада фуқаролардан кўра давлат органлари ва унинг мансабдор шахсларининг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши муҳимроқ этиб белгиланган.

Бирок, суд амалиётида кўрилган айрим ишлар таҳлилидан давлат органлари ва муассасаларида қонунчиликнинг мазкур талабларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги натижасида фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари бузилаётганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси "О.Е." масъулияти чекланган жамияти манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Навоий давлат университетидан 464.588.186 сўм бажарилган ишлар қийматини ундиришни сўраган.

Ишдаги материаллар ва суд муҳокамасида аниқланишича, жавобгарнинг биноларида даъвогар томонидан қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги юзасидан жами 464.588.186 сўмлик далолатномалар расмийлаштирилиб, ушбу сумма доирасида қарздорлик мавжудлиги юзасидан икки томонлама тасдиқланган солиштирма далолатнома тузилган.

Мазкур даъво аризасига даъвогар томонидан 2024 йил 23 сентябрдаги 74.970.000 сўмлик В1043885-сонли шартнома илова қилинган бўлсада, ушбу шартнома тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланмаган, шунингдек жами 464.588.186 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан шартнома тузилмаган.

Зеро, ФКнинг 108-моддасида юридик шахсларнинг ўзaro ва фуқаролар билан битимлари оддий ёзма шаклда тузилиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, жавобгар бюджетдан маблағ олувчи ташкилот бўлганлиги боис тарафлар ўртасида қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши юзасидан тегишли тартибда шартнома тузилиши ва у Фазначиликда рўйхатга олинади лозим эди.

Аммо, Навоий вилояти Фазначилик хизмати бошқармаси томонидан тарафлар ўртасида 2024 йил 23 сентябрдаги В1043885-сонли шартнома рўйхатдан ўтказилмаганлиги маълум қилинган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддасининг учинчи қисмига кўра, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Кайд этилган ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг Фазначиликда рўйхатдан ўтказилмаганлиги, бунинг оқибатида ушбу битим кучга кирмаганлиги ва тузилмаганлиги сабабли мазкур шартнома доирасида жавобгарнинг тўловларни амалга ошириш мажбурияти юзага келмаган.

Натижада Зарафшон туманларaro иқтисодий судининг 2025 йилнинг 16 июль кундаги ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 200-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ишни кўриш вақтида давлат органи ёки бошқа органининг, юридик ёки мансабдор шахснинг, фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Шунга кўра, суд мазкур иш доирасида юқоридаги каби ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини батафсил ўрганиш мақсадида Навоий давлат университети масъул ходимлари ва бошқа шахсларга нисбатан хусусий ажрим чиқариб, хусусий ажримда кўрсатилган ҳолатлар бўйича масъул ходимларнинг хатти-ҳаракатларида ҳужжатларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш, давлат мулкни талон-тарож қилиш ёхуд бошқа қонунсиз ҳолатларга йўл қўйилганлиги ёки йўқлигига қонуний баҳо бериш учун хусусий ажрим Навоий вилоят прокуратурасига юборилган.

Хусусий ажрим ижроси юзасидан тақдим этилган маълумотда Навоий давлат университети масъулларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 175^а-моддасининг биринчи қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилиб, мазкур иш кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судига юборилганлиги маълум қилинган.

Албатта, суднинг хусусий ажрим чиқаришдан асосий мақсади кимнидир жазолаш эмас, балки қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва унга келгусида йўл қўймасликдир.

Ҳолбуки, суднинг вазифаси нафақат корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, балки қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишдан ҳам иборатдир.

Мақола сўнггида кўтарилган долзарб масаланинг нозик хусусиятига тўхталмоқчиман, хўш суд амалиётида кўрилган ва юқорида келтириб ўтилган низонинг келиб чиқишига аслида ким айбдор?

- қонун талабига амал қилмаган давлат муассасасими ёки унинг маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдорларими, нега улар қонунчилик талабига риоя қилишмади?

- ёхуд қурилиш ишларини бажаришдан олдин уни бошлаш учун барча зарур тартиб-таомиллар бажарилганлигига, ҳужжатлар, хусусан шартномалар расмийлаштирилиб, тегишли тартибда Фазначиликда рўйхатга олинганлигига, шартнома доирасида қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина ишларни бажаришга киришиши шарт бўлган аммо бунга амал қилмаган тадбиркорми, ахир бу борада аксарият қурилиш-таъмирлаш ихтисослигидаги тадбиркорларнинг кўп йиллик тажрибаси мавжудку?

Низолашётган икки тарафнинг қонун талабларини четлаб ўтишга бўлган ури-нишлари мазкур низони келтириб чиқаргандир, балки ...

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқимиз бузилишининг олдини олиш учун, энг аввало, ҳар биримиз, айниқса давлат хизматчилари амалдаги қонунларимизга нисбатан ҳурматда бўлиш, унга амал қилиш ва фақатгина қонунга мувофиқ иш юритиш талаб этилади.

Зеро, қонун уни бузиш учун эмас, балки амал қилиш учун қабул қилинади.

Тимур АБДРАМАНОВ,

Навоий вилоят суди раиси ўринбосари,

Шерзод ҒОҒУРОВ,

Зарафшон туманларaro иқтисодий судининг раиси.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ СУД КОНЦЕПЦИЯСИ

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали “рақамли суд” концепцияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу борада 2025 йил 21 августдаги 140-сонли “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш, шунингдек, суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони дастурил амал бўлмоқда.

Мазкур фармон билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмасдан мурожаатларини электрон тартибда юбориш, суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этиш, суд муҳокамаси давомида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш ҳамда якуний суд ҳужжатларини электрон тартибда олиш имконияти яратилади.

Ўз навбатида судларда ҳам низолар бўйича ишлар тоифаси тасдиқланиб сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимда матн шаклида тайёрлаш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш орқали рақамли технологияларни жорий этиш йўлга қўйилади. Бу эса суд ишларини юритиш самарадорлигини оширади. Судлар фаолиятини рақамлаштириш одил судловда замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланиб, муаммоларнинг судлар орқали очик, ошқора ва тезкор ҳал қилиниши учун оддий ва содда тизим яратишини таъминлайди.

Хорижий давлатларда “рақамли суд” концепцияси бирмунча ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, бу концепция тадбиқ этилиши бўйича Эстония давлати пешқадам ҳисобланиб, суд тизимида барча ҳужжатлар электрон шаклда тақдим қилинади. Суд ишлари махсус электрон платформа орқали E-File System орқали юритилади. Бу эса низоларнинг ўз вақтида самарали кўрилиши ва ортиқча қоғозбозликнинг олди олинишига олиб келади.

Хитой Халқ Республикасида “Smart court” ҳам интернет судлар мавжуд бўлиб, барча судларда техник инновациялар жорий этилган, низоларнинг аксарият қисми хизматлар, ижтимоий масалалар онлайн тарзда кўриб чиқилади, бу эса иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларида мазкур концепцияга суд ишларини соддалаштириш, судга мурожаат қилувчилар учун очиқлик ва шаффофликни таъминлаш асоси сифатида қаралади.

Филиппин давлати тажрибасида ҳудудий судлар Regional trial court деб номланиб, “рақамли суд” концепцияси орқали низодаги тарафларнинг иш жараёнлари билан танишиши, ахборотларни тез топиши, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишига хизмат қилади, деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси суд тизимида босқичма-босқич жорий этилаётган “рақамли суд” концепцияси суд мажлислари тез ҳамда сифатли кўрилиши, иш юритуви билан боғлиқ вақт ва ҳаражатлар камайишига, судларда очиқлик ва шаффофлик янада таъминланиши ҳамда одил судловга бўлган самарадорлик ошишига олиб келади.

Шунингдек, судда иштирок этаётган шахсларга низоли ҳолатлар онлайн ҳал этилиши орқали уларда одил судловга бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, рақамли суд концепцияси бу ҳозирги кундаги мақбул ечим бўлиб, суд фаолиятини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир, унда адолатни таъминлаш жараёнининг янада самарали ва шаффофлиги таъминланади. Бундан ташқари, рақамлаштириш ҳуқуқий тизимнинг жамиятда очик ва ишончли хизмат қилишига олиб келади.

***Ҳар бир миллатнинг
дунёда борлигин кўр-
сатадурган ойинаи
ҳаёти тил ва ада-
биётидур. Миллий
тилни йўқотмак
миллатнинг руҳини
йўқотмакдур.***

Абдулла АВЛОНИЙ

Зилола РАХМАНОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ВА ОДИЛ СУДЛОВ: ТАДРИЖИЙЛИК, МАНТИҚИЙЛИК, ДАВОМИЙЛИК

Ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти барча соҳаларда бўлгани каби одил судлов тизимида ҳам рақамлаштириш, энг сўнги, замонавий техник дастурларни жорий этиш заруриятини вужудга келтирди. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон суд тизимини тубдан демократлаштириш, айниқса соҳани янги замон талабларига мослаштириш, бунинг учун суд органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш муҳим вазифалар қаторида белгиланди.

Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги бир босқичи бошланиши билан суд тизимини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам бевосита суд органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирларига қаратилган эди.

Яъни, 2017 йил 30 августда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3250-сонли қарориди барча судларда ишларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилишнинг самарадор тизимини яратиш, одил судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида судлар ишларини автоматлаштириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш вазифалари қўйилди.

Аҳамиятлиси, мазкур қарор билан "2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури" тасдиқланиб, унда назарда тутилган муҳим чора-тадбирлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилди. Хусусан:

биринчидан, суд заллари замонавий ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари, давлат органлари мутахассислари эркин келишлари ва республика бўйича очиқ суд мажлисларини реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилди;

иккинчидан, Олий судда Суд органлари учун жорий этилаётган ахборот тизимлари ва ресурслари, дастурий маҳсулотлар ва электрон реестрлар маълумотларини ишлаб чиқиш ва сақлаш маркази ташкил этилди;

учинчидан, суд ишларини юритиш жараёнида "Е-XSUD" ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилди;

тўртинчидан, судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш самарали ҳал этилди;

бешинчидан, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди.

Орадан уч йил ўтиб, 2020 йил 3 сентябрда суд органлари фаолиятини рақамлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган навбатдаги ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4818-сонли қарори қабул қилинди.

Унда суд органларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш сингари вазифалар белгиланди. Ва унинг ижроси натижаси ўлароқ, суд органларида одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини тезкорлиги ортди.

Бундан ташқари, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорлиқнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти кенгайди.

Суд органлари фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган ислохотларда ҳам ўзига хос тадрижийлик, мантиқийлик ва тизимлиликни кузатиш мумкин.

Бу фикримизни жорий йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-140-сонли фармонда назарда тутилган муҳим вазифалар ҳам тасдиқлайди.

Мазкур фармоннинг аҳамияти ва ўзига хос хусусияти шундаки, унда бугун бутун дунёда кечаётган глобаллашув шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида тизимли татбиқ этиб борилаётган сунъий интеллект технологияларини одил судлов фаолиятига самарали жорий этишга қаратилган зарур чора-тадбирларни белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятига замонавий, илғор технологияларини жорий этиш ва уни рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, пировард натижада суд органларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш орқали инсон манфаатлари таъминланади.

Зеро, инсон манфаатларини амалда таъминлаш Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор мақсадидир.

Азизжон РАХИМОВ,

Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси.

ЯНГИ ЖАМИЯТ СУДЬЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИЧА МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги замонавий босқичида суд органларини ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартибот, қонун устуворлигини таъминлаш энг муҳим институти сифатида шакллантириш янги жамият олдидаги стратегик вазифалардан бирига айланди.

Қарийб ўн йилдирки ушбу тизимни тўла маънода инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қодир давлат органига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шубҳасиз бунда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, маънавий-ахлоқий фазилатлари талаб даражасида бўлган ҳар томонлама етук судьялар корпуси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу боис жамият ўзгариб, демократик ислохотларнинг янги бир тўлқини бошлангач, суд тизимида кадрлар тайёрлашнинг янги ва самарали механизмини яратиш, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантиришга қаратилган замонавий стандартларни жорий этиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса бунда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, 2019 йилда мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, стрессни енгиш, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўрни келганда эътироф этиш лозимки, ўтган 6 йил давомида судларнинг судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилаётган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида бир қатор амалий натижаларга эришилди.

Лекин, бугунги кундаги кенг қўламли ислохотлар талабидан келиб чиқиб, шунингдек замонавий демократик давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда судьяларни тайёрлаш, уларнинг касбий билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш зарурияти борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Мана шу заруриятдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан миллий суд тизимизда биринчи марта Одил судлов академияси ташкил этилди.

2025 йил 21 август куни имзоланган “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ-141-сон фармони ва унда белгиланган вазифалар мамлакатимиз суд тизими учун юксак салоҳиятли судья кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Айни пайтгача бу борада тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, янги ташкил этилган Одил судлов академияси жамоаси ва айниқса, профессор-ўқитувчилари олдида қуйидаги:

биринчидан, бўлажак судьяларда мустақил, ҳолис, бевараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

иккинчидан, тингловчи ва талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш;

учинчидан, судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

тўртинчидан, суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

бешинчидан, ўқув жараёни сифатини оширишга қаратилган идоралараро тажриба алмашиш, шунингдек, суд тизими учун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи, шу жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш каби ниҳоятда муҳим вазифалар қўйилди.

Бундай кенг қўламли ва моҳият нуқтаи назаридан улкан вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш орқали одил судловга эришилиши, шубҳасиздир.

Баҳром АБЛАХАТОВ,

жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг тергов судьяси.

СУДЬЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур илмий мақолада судья мустақиллиги ва дахлсизлигининг маънавий-ахлоқий ҳамда ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: судья мустақиллиги, судья дахлсизлиги, институционал мустақиллик, индивидуал мустақиллик, функционал мустақиллик, суд фаолиятига аралашуш.

Глобаллашув ва интеграция жараёнлари тобора мураккаблашиб бораётган бугунги дунёда судья мустақиллиги ва дахлсизлиги одил судловга эришиш омили сифатида алоҳида аҳамиятли ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Замонавий демократик мамлакатларда “мустақил, адолатли судлов тизимига эга бўлмаган давлатда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг кафолати таъминланмайди ва ундай жамиятда зўравонликка барҳам бериш имкони бўлмайди”¹, деган қатъий қараш шаклланган. Шунинг учун кўплаб олимлар ва амалиётчилар томонидан судьянинг мустақиллиги одил судловнинг энг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Зеро, мустақил судлов тизими ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва очик фуқаролик жамияти шароитида нисбатан муҳим институт ҳисобланиб, бу орқали фуқароларнинг фаровон яшаш учун давлат ва нодавлат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатишига эришилади. Шубҳасиз, судьянинг мустақиллиги унинг иш юритишда бўлган ҳар битта иш юзасидан адолатли ва қонуний қарор қабул қилинишига тўққонлик қиладиган таъсирлардан халос этади.

Судьянинг мустақиллиги моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан жуда кенг тушунча бўлиб, унга ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар назарий нуқтаи назардан суд органлари ва судья мустақиллигининг асосан 2 та муҳим жиҳатига эътибор қаратишади:

институционал мустақиллик;

индивидуал мустақиллик;

Академик А.Х.Саидовнинг фикрига кўра, “суд органларининг институционал мустақиллиги таъминланмаган ва белгиланган тартибда ҳимоя қилинмаган бўлса, осонгина коррупциялашиши мумкин”².

Ҳуқуқшунос олим Д.Арипов мулоҳазаларига кўра, “Суд органларининг институционал мустақиллиги зарур кафолат бўлишига қарамай, ҳар бир алоҳида ҳолатда ишнинг судда адолатли ва қонуний кўриб чиқилишини таъминлаш учун етарли шарт бўла олмайди. Судьялар иш юритишдаги ишлар бўйича тегишли қарорлар чиқаришда шахсий мустақилликка эга бўлмаса, уларнинг одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи бузилади. Шунинг учун суд ҳокимияти институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса ички ва ташқи жиҳатдан шахсий мустақиллик кафолатларига эга бўлиши муҳим шарт ҳисобланиб, уларнинг мажмуи қонуний ва ҳолис одил судловни таъминлашга асос бўлади”³.

Ҳуқуқшунос олим О.Сулайманов илмий хулосаларида таъкидлашчи: “Умумий маънода “мустақиллик” муайян судья ёки суднинг қонунни далилларга нисбатан қўллашда автономлигини англатади. Мустақилликнинг ушбу тури суд тизимига институт сифатида (ҳокимиятнинг “институционал мустақиллик”, деб аталувчи бошқа тармоқларидан мустақиллик) ва муайян судьяга (суд тизимининг бошқа аъзоларидан мустақиллик, ёки “индивидуал мустақиллик”) тегишлидир”⁴.

Ҳуқуқшунос олимларнинг юқорида келтириб ўтилган фикрларига қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, аслида “индивидуал мустақиллик” судьянинг фаолият эгаси ва мансабдор шахс сифатида мустақиллигини англатса, институционал мустақиллик суд органларининг бошқа субъектлар хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ҳолигини англатади. Одатда, институционал мустақиллик суд тизимининг бошқа тармоқлардан ўзаро муносабатларда мустақиллигини аниқлашда қўлланилади. Лекин, суд тизими биринчи навбатда бошқа давлат органларидан институционал нуқтаи назардан мустақил бўлмаса, судьянинг индивидуал мустақиллиги ҳақида гапириш мантиқан нотўғри.

Судьянинг институционал мустақиллиги тушунчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг суд тизими тўғрисидаги муҳим ҳужжатларидан бири – Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларининг биринчи тамойилида қуйидагича белгиланган:

“Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилишлари ҳамда бунга қатъий риоя этишлари шарт”⁵. Ушбу халқаро принципдан англашиладики, суд ҳокимияти бошқа давлат органларидан, жумладан қонун чиқарувчи орган – Парламентдан, ижро этувчи орган – Ҳукуматдан мутлақо холи фаолият кўрсатиши лозим.

Суд органларининг институционал мустақиллигини ҳам судьянинг индивидуал мустақиллигини ҳам инкор этмаган ҳолда судья мустақиллигининг учинчи бир муҳим жиҳати – функционал мустақиллиги борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Юридик энциклопедияда ҳуқуқий нуқтаи назардан “судьянинг мустақиллиги” тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтириб ўтилишича, “мустақил” сўзи “эркин, озод, тобе бўлмаган, алоҳида”⁶ маъноларини билдиради. Унинг изоҳида кўрсатилганидек, бу тушунча қўлланишига қараб, унга муайян ҳолатни аниқлаб туради:

биринчи ҳолат – ихтиёри ўзида бўлган, тобе, қарам бўлмаган;

иккинчи ҳолат – ўзганинг ёрдамсиз ёки раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган;

учинчи ҳолат – фақат ўзига тааллуқли, ўзгалар иштирокисиз, таъсирсиз бўладиган.

Изоҳли луғатда берилган бу тушунчани судьяга нисбатан қўллайдиган бўлсак, судья ўзининг профессионал фаолиятини амалга ошираётганда ихтиёри ўзида бўлиши керак. У шахс ёки мутахассис сифатида қимгадир тобе, қарам бўлмаслиги лозим. Энг муҳими судья ўзининг иш юритишда бўлган нисбатан адолатли ва қонуний ечимини топиш жараёнида ўзганинг ёрдамсиз ёки раҳбарлигисиз ўзининг мустақил фикрига асосланиб қарор қабул қилиши шарт. Судьялик фаолиятини амалга оширишда (иш кўришда) ўзгалар иштирокисиз ёки таъсирсиз бўлиши талаб этилади. Юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг барчаси судьянинг функционал мустақиллигини талаб қилади.

Бир қатор халқаро ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчилигимизда суд органлари ва судьянинг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Жумладан, БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларида: “суд органлари ўзларининг функция ва ваколатлари доирасидаги суд ишларини ҳолис ва бегараз олинган далиллар асосида ҳамда фақат қонунга мувофиқ, бирор-бир чекловларсиз, ҳеч бир томондан ва бирор сабабга кўра ноқонуний таъсир, ундов, таъийк, таҳдид ва аралашувларсиз ҳал қилиши зарур”⁷лиги назарда тутилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан қабул қилинган қарорларда ҳам суд органлари мустақиллигига алоҳида эътибор қаратилган. Унда белгиланишича, ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилиниши демократик тамойилларни қарор топтиришнинг энг муҳим шарти⁸ ҳисобланади.

Халқаро суд статутининг 38-моддаси 1 с) бандида: “суд мустақиллиги тушунчаси халқаро ҳуқуқнинг тараққий этган мамлакатлар томонидан эътироф этиладиган энг муҳим ва катта аҳамият касб этадиган принципларидан бири”⁹ ҳисобланади.

Европа Кенгашининг Судьялар мустақиллигига оид тавсияларида қайд этилишича, судьялар мустақиллиги аниқ ва тушунарли нормалар, қатъий асосда ҳар бир давлатнинг конституцияси ва бошқа қонунларида киритилиши орқали кафолатланиши лозим¹⁰.

Халқаро ҳужжатларда назарда тутилган ушбу нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ: “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади”¹¹. Мазкур



конституциявий қондага асосан, суд органлари амалда ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий босимларидан мустақил бўлишлари керак.

Ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқовга кўра, “судьяларнинг мустақил ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритишларининг конституция даражасида кафолатланиши сабабларидан бири – суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ – одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳланади”¹².

Суд органлари ва судьяларнинг мустақиллиги уларнинг профессионал фаолиятларида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган ҳолислигини ва бегаразлигини кафолатлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, суд органлари ва судьяларнинг мустақиллигини улар фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, деб ҳисоблаш ўринли бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги тушунчаси ҳам одил судловни амалга ошириш жараёнида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни амалда таъминлаш одил судловни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, у тўғридан-тўғри судьянинг мустақиллигини кафолатлайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилишича, “дахлсизлик тушунчаси – ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик”¹³ни англатади.

Демак, судья ўз фаолиятини амалга оширишда ва хизматдан ташқари ҳолларда ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилган бўлсагина, унинг дахлсизлиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасига мувофиқ: “Судьялар дахлсиздир. Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди”¹⁴.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг алоҳида боби (9-боб) судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигига бағишланган. Ушбу қонуннинг 63-моддасида “судьяга ҳурматсизлик қилганлик, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашганлик ва судьянинг дахлсизлигини бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик”¹⁵ назарда тутилган.

Ҳуқуқшунос олим И.Беков тўғри таъкидлаганидек, “Судьянинг мустақиллигини таъминлашда индемнитет ҳуқуқи муҳим роль ўйнайди. Индемнитет ҳуқуқи деганда нафақат судьянинг моддий ва ижтимоий таъминоти, балки хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади”¹⁶.

Ваҳоланки, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 64-моддасига мувофиқ: “Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, у фойдаланадиган транспорт воситаси ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир”.

Суд органлари тизими фаолиятининг самарадорлиги айнан судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини амалда таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Қачонки, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлиги амалда таъминланса, одил судлов самарадорлиги ортади. Қонун устувор бўлган замонaviй, ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти шароитида судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатланиши керак. Судьянинг муайян иш бўйича одил судловни амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай шакли судьянинг профессионал фаолиятига аралашши сифатида баҳоланади.

Ўрни келганда, судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлигига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатадиган “суд фаолиятига аралашши” тушунчаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сабаби, суд фаолиятига аралашши жуда кенг тушунча бўлиб, унинг аниқ мезонлари ва чегаралари қонунчиликда кўрсатиб ўтилмаган.

Ҳуқуқшунос олима М.Қаландарова тўғри таъкидлаганидек, “Суд фаолиятига аралашши судьянинг муайян иш бўйича ҳолис ва одил судловни амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай шаклидир. Бундай аралашши шахснинг суд муҳокамасининг муайян иштирокчиси фойдасига қарор қабул қилиш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма ёки билвосита илтимоси, судьяни маълум бир қарор қабул қилишга мажбур қиладиган шарт-шароитларни атайлаб яратиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин”¹⁷.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддаси: “Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига арала-

шишга йўл қўйилмаслиги” деб номланган бўлиб, унда асосан модданинг номи-дан келиб чиққан ҳолда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ умумий нормалар белгиланган. Ушбу моддадаги ҳуқуқий нормаларни амалиётдан келиб чиқиб таҳлил этадиган бўлсак, бир қанча саволларга жавоб топишга тўғри келади.

Масалан, мазкур модданинг иккинчи қисмида баён этилган “Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш қонунга мувофиқ жинойий жавобгарликка сабаб бўлади”¹⁸. Ушбу нормадаги тўсқинлик қилиш тушунчаси изоҳ талаб қилади. Чунки, “тўсқинлик қилиш” ҳам вазиятга қараб бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли ривожланиши, аynиқса ижтимоий тармоқлар инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган бир пайтда, баъзи бир фуқаролар ўзларининг шахсий манфаатидан келиб чиқиб (ўзига фойдали суд ҳужжатини чиқариб олиш мақсадида) судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситишга қаратилган ахборотларни тарқатмоқда. Бу ҳаракат “суд фаолиятига аралашши” сифатида баҳоланиши керак. Сабаби, айнан мана шундай мазмундаги ахборот судьянинг одил судлов борасидаги фаолиятига тўсқинликти келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда кўриб чиқиладиган муайян иш бўйича судьяга ижтимоий босим пайдо бўлишига олиб келади.

Ушбу муаммони бартараф қилиш учун “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасини қуйидаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситишга қаратилган ахборотларни тарқатиш суд ишига аралашши сифатида баҳоланади ва тегишли жавобгарликка сабаб бўлади”.

Исматулла МАМАНОВ,
юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Стандарты Венецианской комиссии по независимости судебной системы. Доклад Европейской комиссии к демократии через право в сотрудничестве Конституционным судом Узбекистана. -Страсбург, 16.01.2013 г. // [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL\(2012\)084-rus](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL(2012)084-rus).
2. А.Х.Саидов “Актуальные вопросы обеспечения независимости судебной власти”. Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши “Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги 2019 йил 26 ноябрдаги халқаро конференция материаллари тўплами. Т.: -2020. -Б.18.
3. Арипов Д.Ў. Мустақил суд ҳокимияти. Монография. – Тошкент, “Top Image Media” нашриёти, 2022. – 335б. 92-бет.
4. Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент. “Tafakkur qanoti” нашриёти. 2020. – 336 б. 37-38 бетлар.
5. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жинойятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессда қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – Б. 110-111-бетлар.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев тахрири остида (2006-2008). – 652-бет.<https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>.
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml.
8. Case of Chevrol v. France. European court of human rights. (Application no. 49636/99). <https://www.legal-tools.org/doc/01e0df/pdf>.
9. Халқаро суд статутини. // Бирлашган миллатлар ташкилотининг низоми ва Халқаро суд статутини. – Тошкент:2002. – Б. 74-бет.
10. Рекомендация N R (94) 12 Комитета министров государствам-членам о независимости, эффективности и роли судей (принята Комитетом министров 13 октябрь 1994 года на 518-м) <http://docs.cntd.ru/document/901927870>.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Матн]. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2023 й. – 112 б. 94-бет.
12. М.Мамасиддиқов. Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асослари. https://constitution.uz/uz/pages/Sud_hokimiyati_mustaqilligi.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. <https://izoh.uz/uz/word/daxlsizlik>.
14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Матн]. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2023 й. – 112 б. 100-бет.
15. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923>.
16. <https://sudyalari.uz/uz/news/491>
17. М.Қаландарова. Дахлсизлик – судья мустақиллигининг муҳим кафолати. https://uza.uz/posts/daxlsizlik-sudya-mustaqilligining-muhim-kafolati_696501.
18. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923>.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, тергов ҳаракатларининг умумий шартларини унификация қилиш муаммолари муҳокама этилган.

Калит сўзлар: суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати тергов ҳаракати, қонунийлик, умумий шартлари.

Далилнинг процессуал шаклга мувофиқлиги, яъни фақат ЖПКда белгиланган усуллар орқали олиниши далиллар мақбуллигининг асосий шартидир. Шу сабабли процессуал шакл доирасида олинмаган (ЖПКда белгиланган манбадан олинмаган) ҳар қандай маълумот исботлаш субъектлари учун далилий аҳамиятга эга бўлмайди.

Тергов ҳаракатларининг ноқонуний ва асоссиз ўтказилиши натижасида олинган далилларнинг номақбул деб топилиши одил судловнинг мақсадларига зид ҳисобланади.

Бундай ҳаракатларнинг самарадорлиги фақат унинг натижасидан келиб чиқиб эмас, балки натижа қандай усуллар ёрдамида қўлга киритилганлиги, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлигидан келиб чиқиб баҳоланиши зарур. Яъни, одил судловнинг мақсадларига фақатгина қонуний воситалар ёрдамида эришиш талаб қилинади.

Тергов ҳаракатлари жиноят процессининг мустақил институти ҳисоблансада, жиноят процессининг умумий принциплари ва вазифаларига бўйсунуши, яъни тергов ҳаракатининг таркибий қисми бўлган мажбурлов асосли ва иш ҳолатига мутаносиб бўлиши талаб қилинади.

Тергов ҳаракати олинган натижа нисбатига мақсад ҳамда унга эришиш воситасининг ўзаро шартланганлиги ва ўзаро киришишининг диалектик ягоналигида ўзининг ифодасини топади¹.

Айнан шу сабабдан ЖПКда тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби аниқ белгиланган, бироқ тергов ҳаракатлари мазмунида терговчининг фаолияти асосий ўрин тутди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари ўтказилиши давомида уни ўтказётган субъект (прокурор, суриштирувчи, терговчи) ва тергов ҳаракати иштирокчилари ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг тартиби нафақат тергов ҳаракати ўтказётган мансабдор шахслар балки, унинг иштирокчиларига ўзларининг ҳуқуқларини амалга ошириш имконини бериши керак.

Бунда бир-биридан билишнинг турли усуллари қўлланилиши далилларни ҳар хил манбалардан аниқлаш ва олишга қаратилганлиги билан ажралиб туради, бироқ тергов ҳаракатлари биргаликда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган процессуал воситаларнинг яхлит тизimini ташкил қилади.

Унинг бошқа процессуал ҳаракатлардан ажратиб турувчи асосий белгиси айнан далиллар тўплашга қаратилганлиги ва ўтказишнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги бўлса, қўшимча белгиларига давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланганлиги, шахснинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқлиги киради.

Тергов ҳаракатлари уларнинг оммавий-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб ҳолислиги, беғаразлиги ва лаёқатлилиги шубҳа уйғотмайдиган жиноят-процессуал муносабатлар субъектларининг алоҳида субъектлари-суд ҳокимияти органлари (умумий назарий қоида) ёки истисно тариқасида судья мақомида бўлмаган, бироқ алоҳида ҳолларда одил судлов манфаатларида ҳаракат қиладиган шахслар ва органларнинг қуроли бўлиши зарур².

Тергов ҳаракатларини уни ўтказишнинг юридик асосларига кўра куйидагича таснифлаш мумкин:

1) ўтказилиши учун ёзма процессуал қарор қабул қилиниши талаб қилинмайдиган тергов ҳаракатлари (улар жумласига сўроқ, юзлаштириш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, тергов эксперименти, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш);

2) ўтказиш асослари қонун билан қатъий белгиланган ва тергов ёки суриштирувчи амалга ошираётган субъектнинг махсус қарорига асосан амалга оширилаётган тергов ҳаракатлари (гувоҳлантириш, олиб қўйиш, экспертиза);

3) шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи ва фақат суднинг рухсати билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари (мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш)

Айни вақтда суриштирувчи ва терговчи мақсадга эришиш учун тергов ҳаракатини танлашда мутлақо мустақил эканлиги ҳақида фикрларни асоссиз деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тили камбагал эмас, балки ўзбек тилини камбагал дегувчиларнинг ўзи камбагал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

Абдулла ҚОДИРИЙ



Сабаби, бу аввало Конституциянинг 20-моддасида белгиланган мутаносиблик тамойилини инкор қилади. Яъни, жиноят ишлари юритувида мажбурлов ҳам бу тамойилга бўйсунди, яъни шахснинг ҳуқуқларини чекламасдан ёки камроқ чеклаш орқали натижага эришиш мумкин бўлган вазиятни инобатга олиш талаб қилинади.

Бинобарин, С.А.Шейфернинг тергов ҳаракатини танлаш – билиш даражасида – жиноят излари характери, норматив даражада – ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, тактик даражада – тергов ҳаракатини ўтказишнинг амалий зарурати ва самарадорлиги билан чекланганлиги ҳақида фикрини асосли деб ҳисоблаймиз³.

ЖПКда тергов ҳаракатларининг умумий шартлари тизимлаштирилмаган бўлсада, жиноят-процессуал ҳуқуқининг умумий қоидаларидан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларининг қуйидаги умумий шартлари мавжудлигини қайд қилиш зарур:

1. Умумий қоидага кўра тергов ҳаракатлари фақат кўзғатилган жиноят иши доирасида ўтказилади. Жиноят суд ишларини юритишнинг амалдаги моделидан келиб чиқиб, жиноят-процессуал муносабатларнинг таркибий қисми сифатида тергов ҳаракатлари қатъий процессуал табиатга эга. Тергов ҳаракатларининг классик структураси жиноят ишини юритиш учун ваколатли мансабдор шахс бўлган терговчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади. Ҳуқуқий муносабатларни табиати ноаниқ бўлган, мансабдор шахслар аксарият ҳолларда маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган ваколатлари доирасида ҳаракат қиладиган, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми мавҳум бўлган жиноят иши кўзғатиш босқичида тергов ҳаракатларини процессуал тартибга солиш жуда мураккаб масала.

ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисми терговга қадар текширув босқичида шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш мумкинлигини кўзда тутди.

2. Шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари фақат суднинг рухсати билан ўтказилади.

3. Тергов ҳаракатлари фақат тегишли юридик ва фактик асослар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

4. Тергов ҳаракатларини ўтказиш ва процессуал расмийлаштиришнинг қонунда белгиланган шаклига амал қилиш;

5. Тергов ҳаракатининг ўз вақтида, қонуний ва асосли ўтказилиши учун уни ўтказган мансабдор шахснинг жавобгарлиги;

6. Дастлабки тергов якунлангандан сўнг ёки тўхтатилганда тергов ҳаракатлари ўтказишга йўл қўйилмаслиги;

7. Мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ваколатли мансабдор шахснинг ёзма қарорига асосан ўтказилиши;

Жумладан, ЖПК суднинг рухсати талаб қилинмайдиган тергов ҳаракатлари орасидан фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш (ЖПК 139-модда);

гувоҳлантиришни ўтказиш (ЖПК 144-модда);

эксперимент ўтказиш (ЖПК 154-модда);

олиб қўйиш (ЖПК 159-модда);

экспертиза текшируви учун намуналар олиш (ЖПК 144-модда);

тафтиш (ЖПК 187²-модда)да айнан давлат мажбурлови мавжудлигидан келиб чиқиб, қатъий процессуал шаклда қарор қабул қилишни кўзда тутди.

8. Шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш тақиқланади;

9. Зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш тақиқланади;

10. Тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб боришга йўл қўйилмади. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

11. Процессуал ҳуқуқларини тушунтирмасдан тергов ҳаракатини ўтказишга йўл қўйилмади;

12. Давлат сирлари бўлган нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримида кўра амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим тергов ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солишда қўшимча шартлар белгиланиши мумкин.

Айни вақтда, тергов ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги механизмини янада оптималлаштириш имкониятлари мавжудлигини алоҳида қайд қилиш ўринли. Жумладан, ЖПКда тергов ҳаракатларини ўтказишнинг умумий қоидалари белгиланмаган. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, суднинг рухсати талаб қилинадиган ва талаб қилинмайдиган тергов ҳаракатларининг умумий механизми ва шартларини белгилаш ҳуқуқни қўллаш амалиётини унификация қилишга хизмат қилади, шунингдек ҳар бир тергов ҳаракатини тавсифлашда умумий қоидаларни такрорламаслик имконини беради.

Жумладан, суриштирувчи (терговчи)нинг процесс иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, тергов ҳаракатларида техник воситалардан фойдаланиш, тергов ҳаракати баённомасини тузиш, суднинг рухсатини олиш талаб қилинадиган ҳолатларда илтимоснома кўзғатиш, прокурор розилигини олиш, илтимосномани суд томонидан кўриб чиқиш тартибини умумий норма сифатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Шухратжон ҚУРБОНОВ,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соловьев А.Б. Избранные труды / [сост. Е.В. Быкова, В.С. Выход, Е.А. Фонарева; вступит. ст. А.Г. Волеводза]; Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2021. – (Научные труды ученых Университета прокуратуры Российской Федерации). 81-б.
2. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. – 2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – 1280 с.
3. Шейфер С.А. Собираание доказательств по уголовному делу: проблемы законодательства, теории и практики. М.: Норма, 2015.

ОЧИҚ СУД ТИЗИМИ КОНЦЕПЦИЯСИ: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАЛАБИ ВА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР

“Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илгор халқаро стандартларни жорий этиш, хусусан судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларга кириш ҳуқуқини таъминлаб бориш жуда муҳим.

Судлар фаолиятига оид маълумотлар доираси ва уларга кириш барча давлат ҳокимияти органлари учун умумий бўлган бир нечта қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Жумладан, судлар фаолиятига доир ахборотдан хабардорлигини таъминлаш “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунларга асосан амалга оширилади.

Судлар фаолиятига доир ахборотлар судларнинг матбуот органлари, ОАВ ва судларнинг расмий ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва интернет саҳифалари (<https://my.sud.uz/>) орқали тарқатилади. Судлар фаолиятига доир жойлаштирилиши шарт бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида келтирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда судлар ҳам ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот рўйхатини ушбу модда қоидаларига мувофиқ тасдиқлаш кўрсатилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолияти очиқлигини таъминлаш тўғрисида”ги 8-сонли фармойиши билан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати ҳамда уларнинг эълон қилиниши учун масъул таркибий тузилмалар ва уларнинг тартиблари белгиланган.

Олий суд Пленумининг “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарори билан судлар иши тўғрисидаги кундалик ахборот билан таништириш учун суд биноларида маълумотлар пештахтаси ва (ёки) шундай вазифа бажарадиган техник воситалар ўрнатилиши лозимлиги ҳамда уларда қуйидаги маълумотлар берилиши назарда тутилган:

суднинг ҳуқуқий мақомини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уларнинг рўйхати);

суднинг иш тартиби, ишонч телефони рақамлари; аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш тартиби; ўтказиладиган суд мажлислари, шу жумладан, очиқ суд мажлислари тўғрисида;

суднинг фаолияти тўғрисидаги ахборот бериш тартиби тўғрисида.

Ўтказиладиган очиқ суд мажлислари ҳақидаги хабарлар тегишли суднинг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилиниши лозимлиги, судларда уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишни таъминловчи қонунга зид бўлмаган ва судьялар мустақиллиги принципини бузмайдиган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин (хусусан, фуқароларни, жамоатчилик вакиллари қабул қилиш, брифинг, интервью, матбуот конференцияларини ўтказиш, ОАВ ва аҳоли олдида чиқишлар қилиш, пресс-релизлар тарқатиш ва ҳ.к.).

Судлар фаолиятига доир маълумот фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат кўринишидаги мурожаатига асосан тақдим этилиши мумкин. Умумжаҳон ахборот интернет тармоғи орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилади.

Оғзаки сўров бўйича судлар фаолиятига доир махсус текширишни ва излашни талаб этмайдиган ахборот тақдим этилиши мумкин. Масалан, оғзаки сўровга асосан суд мажлиси вақти ва жойи, иш кўрилиши босқичи ва натижаси ҳақидаги, иш судловга тегишлилиги бўйича юборилганлиги ҳақидаги ахборот берилиши мумкин.

Қонунга кўра, маълумот тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддати уни рўйхатга олинган кундан бошланади. Сўралган ахборотни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида судлар келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларга жавоб бериш юзасидан судда иш юритишни тартибга солувчи ҳужжатларда белгиланган муддатларга риоя этилишини таъминлашлари лозим.

Судлар фаолиятида фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга қуйидагилар киритилган:

давлат сирларига доир, (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси);

қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси);

шифокорлик сирига доир (Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 19-моддаси) қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар сифатида киритилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд ахборотнинг муайян қисми фойдаланиш учун чекланганлигини сабаб қилиб, талаб этилган ахборотни беришини рад қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ахборотнинг умумфойдаланиш учун очиқ қисми тақдим этилади. Фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборот ўз вақтида берилиши ва қонунда белгиланган муддатда тақдим этилиши лозим.

Конституциямизнинг 29-моддасига мувофиқ, барча давлат органлари, хусусан, суд фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид бўлган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари белгилаб ўтилган бўлсада, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотлар билан жамоатчиликни таъминлаб боришнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Масалан, мамлакатимизда давлат органлари фаолиятига оид маълумотларга кириш, улардан хабардорлик даражаси, давлат органларининг жамоатчиликка очиқлиги ва ҳисобдорлиги бўйича Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2024 йил ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 142 та давлат ичида 117 ўринда жойлашган.

Судлар фаолиятига оид ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатиш соҳасини



ўрганган ҳуқуқшунос олимлар ҳам судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларга кириш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қонун нормаси ишлаб чиқиш муҳимлигини эътироф этишган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Д.Арипов Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни “Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш” деб номланган янги боб билан тўлдириш, бу эса суд ҳокимиятининг ижобий нуфузини шакллантириш ҳамда фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини ошириш каби мақсадларга эришишга ёрдам бериши, Э.Сабилов эса судлар фаолиятига оид ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурган.

Ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш юзасидан Б.Пўлатовга кўра, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сони камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айтилиши иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларнинг иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундайди. У томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учрашини асос қилиб келтиради. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, судлар фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, нафақат суд қарорлари балки барча судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш тизими ташкилий-ҳуқуқий шаклини ишлаб чиқиш ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиқлиги Олий суд Пленумининг “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган. Бироқ, ушбу Пленум қарорида судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотлар доираси, рўйхати берилмаган.

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш тартиби юзасидан қўшни мамлакатларимиз тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда ҳам умумий давлат органларининг очиқлиги маълумотларга кириш тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинган. Масалан, Қозғистон Республикасида “Маълумотларга кириш тўғрисида”ги Қонунга умумий қонунчилик билан ҳам судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш мумкинлиги белгиланган.

Қирғизистон Республикасининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфидаги маълумотлардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида судлар фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланиш кенгрок белгиланган бўлиб, суд ишларини кўриш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатларидан эркин фойдаланиш мумкинлиги, фақат омма учун очиқ бўлган суд ҳужжати матнларида шахсни (жисмоний ёки юридик) аниқлаш имконини берувчи маълумотлар ошқор этилиши мумкин эмаслиги, бундай маълумотлар бош ҳарфлар, ҳарфлар ёки рақамлар билан алмаштирилиши кўрсатилган. Шу сингари маълумотларга, жисмоний шахсларнинг исми, отасининг исми, фамилияси, фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг) яшаш ёки яшаш жойининг манзиллари, телефон

рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари, электрон почта манзиллари, паспорт маълумотлари, шахсий рақамлари (кодлари) ва жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати далолатномалари билан боғлиқ маълумотлар, транспорт воситаларининг техник паспорти маълумотлари, суд томонидан қўйилган даъволар суд томонидан ноқонуний ва асоссиз деб топилган юридик шахсининг номи ва идентификация рақами, шахсни аниқлаш имконини берувчи бошқа маълумотлар киритилган.

Бундан ташқари, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот тушунчаси бериб ўтилган. Суд тизимига кирувчи субъектлар, судьялар корпусини шакллантирувчи орган, суд департаменти ва уларнинг тегишли органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида тайёрланган ёки улар томонидан олинган, фаолиятини юритиш билан боғлиқ ҳужжатлар. Масалан, судлар, судьялар корпусини шакллантирувчи орган, суд департаменти ва унинг органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ва фаолияти тартибини белгиловчи йўриқнома, қоидалар ва ҳужжатлар судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот сифатида келтирилган.

Суд ҳужжати сифатида эса — конституциявий, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ёки жиноий иш юритиш жараёнида кўрилган ишнинг моҳияти бўйича қонунда белгиланган шаклда (ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим, суд буйруқлари ва бошқалар) қабул қилинган ҳужжатлар тушунилади. Суд ҳужжатларига, шунингдек, апелляция ва кассация инстанциялари судларининг апелляция ёки кассация шикоят, илтимослари (протестлари)ни кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунда белгиланган шаклда чиқарган ҳужжатлари киради.

Ушбу давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда судлар фаолиятига оид ахборотлардан фойдаланишни тизимлаштириш, улардан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш мақсадида қонунчилигимизда айнан судлар фаолиятига оид ахборотлар ва суд ҳужжатлари тушунчасини киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар асосан судларнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик билан ўзаро мулоқотини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши фуқароларнинг хусусан, ОАВ вакилларининг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам беради.

Муроджон ШЕРМАТОВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2023 — 2026-yillarga mo'ljallangan sud tizimini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqishning qisqa muddatli Strategiya. <https://lex.uz/mact/-6358976>
2. O'zbekiston Respublikasining "Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqqligi to'g'risida"gi qonuni, <https://lex.uz/docs/-2381133>
3. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Sud muhokamasi oshkoraliгинi va sudlar faoliyatiga doir axborot olish huquqini ta'minlash to'g'risida"gi 4-son qarori, <https://lex.uz/uz/docs/-4751577>
4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi <https://lex.uz/docs/-6445145>
5. O'zbekiston Respublikasi "Jismoniy va yuridik shaxslarning sudlar faoliyati haqida axborot olish huquqini ta'minlash to'g'risida"gi qonuni <https://lex.uz/uz/docs/-4902524>
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 16-yanvardagi "Odil sudlovga erishish imkoniyatlarini yanada kengaytirish va sudlar faoliyati samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi PF-11-son farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/-6358976>
7. D.U.Aripov Mustaqil sud hokimiyati. Monografiya. – T.: – 2021. – B 113.
8. Sabirov E.K. Sudlar faoliyati ochiqqligini ta'minlashning tashkiliy-huquqiy asoslari // Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – T.: – 2021. B. 9.

ИНТЕРНЕТДАГИ ЭКСТРЕМИСТИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола интернет тармоғида экстремистик йўналишдаги материалларнинг тарқалиши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган бўлиб, рақамли далилларни самарали қидириш, аниқлаш, қайд этиш, олиб қўйиш, текшириш ва сақлаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: экстремизм, рақамли далиллар, сигналграмма, ахборот объектлари, видео-материаллар, хэш қиймат.

Интернет тармоғи террористик ташкилотларнинг ўз ғояларини тарғиб қилиши учун самарали майдон ҳисобланади. Чунки бу материални жойлаштираётган шахснинг нисбий анонимлигини таъминлаш билан бирга чегараланмаган миқдордаги фойдаланувчиларнинг ахборотга кириш, маълумотларни ҳар қандай вақтда ўзгартириш ёки ўчириш имконини ҳам яратди. Бунда экстремистик материаллар жисмоний жиҳатдан сақланаётган сервер бошқа давлат ҳудудида жойлашган бўлиши мумкин ва бу ҳолат виртуал муҳитдаги экстремистик фаолиятни тўхтатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Бундай вазиятда тақиқланган ахборот тарқалишини тўхтатишнинг ягона усули – суднинг тегишли қарорига асосан провайдерлар даражасида сайтга киришни блоклаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 8 январь куни эълон қилинган рўйхатида тақиқланган саҳифа ва каналлар "Telegram" да 713 та, "Instagram" да 226 та, "Facebook" да 203 та, "YouTube" да 135 та, "TikTok" да 44 та, "OK.ru" да 35 тани ташкил қилади. Шунингдек, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги аудио, видео ва матн форматидаги материаллар киритилган.

Бироқ, мунтазам равишда янги видеороликлар пайдо бўлади ва уларни тақиқланган материаллар рўйхатига киритиш учун дастлаб текшириш зарур. Ахборот ҳар қандай вақтда ўчириб юборилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида видеофайлнинг интернет ресурсларда жойлаштирилганлиги фактини имкон қадар тезроқ қайд этиш, уни кўриш ва эшитиш мумкинлигини тасдиқлаш ҳамда унинг нусхасини олиш вазифаси туради. Интернет тармоғида видеофайлнинг жойлаштирилганлиги фактини тасдиқлаш механизми амалиётда анча яхши ўзлаштирилган бўлса-да, видеофайлларни кўришнинг ўзиға хос жиҳатлари мавжуд. Матнли ҳужжат ёки статик тасвирдан фарқли ўлароқ, видеофайлни қоғозга босиб чиқариб бўлмайди. Шунинг учун унинг мазмунини баённома матнида тасвирланиши лозим. Агар аудио қисмининг транскрипциясини баённома матнида келтириш мумкин бўлса-да, видеоқаторни сўз билан тавсифлаш анча қийин вазифа.

Шу билан бирга, рақамли далилнинг асли, дубликати ва нусхаси тушунчаларини фарқлаш лозим. Рақамли далилларнинг асли сифатида моддий ташувчилар ва олиб қўйилаётган вақтда ушбу ташувчилар билан боғлиқ бўлган ахборот объектлари ҳисобланади. Демак, видеохостинг сайтидан юклаб олинган видеофайл рақамли далилнинг асли ҳисобланади. Бироқ, аксарият ҳолларда бу файл видеохостингга жойлаштирувчи томонидан юкланган файлнинг форматиға мос келмаслиги мумкин. Бундан ташқари, видеотасвирнинг аниқлик даражасида ҳам фарқлар кузатилиши мумкин. Форматлар ўртасидаги фарқларға қарама-дан, видеоосерверда жойлаштирилган видеофайлнинг видео ва аудио таркиби юборувчи томонидан юкланган асл видеофайл билан бир хил бўлади.

Интернет тармоғида жойлаштирилган видеоматериалнинг нусхасини ўз ичига олган видеофайл рақамли далил ҳисобланади, чунки бу ерда

асосий далил аҳамиятиға эға бўлган нарса – у сақлаган ахборотнинг ўзи, уни сақлаб турган ташувчи эмас. Шу сабабли, мазкур материаллар билан ишлаганда рақамли далиллар билан ишлаш тартибини тартибга солувчи талабларға қатъий риоя қилиш лозим. Хусусан, илк бора 1997 йил 10 декабрь куни Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган "Катта саккизлик" (G8) мамлакатларининг адлия ва ички ишлар вазирлари учрашувида "Юқори технологияли жиноятларға қарши кураш бўйича тамойиллар ва ҳаракатлар режаси" қабул қилинган эди.

Айни вақтда Компьютер далиллари бўйича халқаро ташкилоти (IOCE) томонидан рақамли далилларни қидириш, аниқлаш, қайд этиш, олиб қўйиш, ўрганиш ва сақлаш бўйича қўлланилиши лозим бўлган тамойиллар қабул қилинган бўлиб, улар рақамли сигналграммаларға ҳам тааллуқли.

Сигналграмма — бу ахборот ташувчиси бўлиб, унда сигналлар ёзиб олинган бўлади. Бу, масалан, магнит лентаси, оптик диск ёки овоз, тасвир ёки бошқа маълумотларни ўз ичига олган бошқа турдаги ташувчи бўлиши мумкин. Сигналграмма ёзиш жараёнида электр сигналларини ташувчидаги жисмоний ўзгаришларға айлантириш орқали шаклланади.

Кенгроқ маънода сигналграмма — бу ахборотни сигналлар кўришида сақловчи ҳар қандай ёзув шаклидир. У асосий ахборотни ҳам, такроран ишлатиш учун зарур бўлган хизмат (сервис) сигналларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Сигналграммаларға фонограмма (магнит лента ёки дискда овоз ёзуви), видеограмма (видеокассета ёки бошқа ташувчида тасвир ёзуви), видеофонограмма (бир ташувчида тасвир ва овозни биргаликда ёзиб олиш) ва оптик сигналграмма (оптик дисклардаги ёзув - CD, DVD)ларни мисол келтиришимиз мумкин.

Рақамли далилларға қўлланилиши лозим бўлган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

I. Рақамли далиллар билан ишлашда барча умумий суд-экспертиза ва процессуал қоидаларға риоя қилиниши лозим.

II. Рақамли далилларни олиб қўйиш вақтида амалға оширилаётган ҳаракатлар далилнинг мазмунига таъсир қилмаслиги керак.

III. Агар шахсға рақамли далилнинг оригиналиға кириш зарур бўлса, у тегишли тайёргарликка эға бўлиши керак.

IV. Рақамли далилларни олиб қўйиш, кириш, сақлаш ёки узатиш бўйича барча фаолият тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, ҳимояланган ва таҳлил учун очиқ бўлиши шарт.

V. Шахс ўз тасарруфида рақамли далил турган вақтда унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, барча ҳаракатларни масъулият билан амалға ошириши шарт.

VI. Рақамли далилларни олиб қўйиш, кириш, сақлаш ёки узатиш учун жавобгар бўлган ҳар қандай ташкилот мазкур тамойилларға риоя этилиши учун масъул ҳисобланади.

Интернет тармоғида экстремистик видеоролик жойлаштирилганлигини тўғри тарзда тасдиқлашни таъминлаш учун, видеофайл жойлашган интернет-саҳифанинг бир қатор параметрларини қайд этиш



зарур, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, видеофайлни ўз ичига олган интернет-саҳифанинг аниқ манзили, видеороликнинг номи, унинг давомийлиги, жойлаштирилган сана ва видеофайлни жойлаштирган фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар қайд этилиши лозим.

Шуни ёдда тутиш керакки, сайтда кўрсатилган жойлаштириш санаси ҳақиқий сана билан мос келмаслиги мумкин, чунки видеохостинг сервери жисмонан бошқа вақт минтақасида (масалан, Корея ёки Канадада) жойлашган бўлиши мумкин. Шунингдек, видеофайлни жойлаштирган фойдаланувчи ҳақидаги, унинг профилидаги саҳифада мавжуд маълумотларни ҳам қайд этиш зарур.

Видеофайл юклаб олинган, уни тўлиқ кўриб чиқиш ва видеорекурсда жойлаштирилган видеофайл билан солиштириш зарур, бу эса юклаш жараёнида маълумотнинг шикастланиши ёки мазмуннинг бир қисмини йўқотиш эҳтимолини истисно қилади.

Фонограмма ёки видеофонограмма мазмунининг ўзгармаслигини назорат қилиш файлни ҳар бир кўчириш, қайта ишлаш, узатиш ва шу каби операциялардан олдин ва кейин назорат қиймати (хэш) орқали текшириш билан амалга оширилиши мумкин. Халқаро амалиётда энг кўп қўлланиладиган хэш алгоритмлари - MD5 (Message Digest 5) ва SHA-1 (Secure Hash Algorithm-1) бўлиб, улар жуда юқори ишончли верификацияни таъминлайди: икки турли файл учун хэш қийматлари бир хил чиқиш эҳтимоли тахминан 1 дан 10^{38} гача деб баҳоланади.

Шунингдек, хэш ҳисоблаш жараёни бир томонлама эканини таъкидлаш зарур — яъни, хэш қийматидан файлнинг асл кўринишига қайта етиб боришнинг иложи йўқ. Бунда хэш (назорат қиймат) ҳар қандай файл тури учун ҳисобланиши мумкин. Хэш қиймат АҚШнинг Федерал далил қоидалари 901(b)(4)-бандига мувофиқ ҳисобланади, унга кўра, объектнинг ички тузилиши таърифи верификация усулига киради ва бу хэш қийматни ҳисоблаш жараёнига тўлиқ тааллуқлидир.

Хэшни ҳисоблаш воситаларининг соддалиги ва мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда (масалан, Arpoon Checksum дастур у нафақат алоҳида файллар, балки бутун каталоглар учун ҳам турли алгоритмлар бўйича хэшни ҳисоблаш имконини беради), унинг юқори ишончлилиги ва натижаларни қайд этишдаги осонлиги сабабли, оператив-қидирув тадбирлари натижасида олинган рақамли видеофонограммаларни верификация қилишда ушбу операцияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хэш қиймат ҳисобланганидан сўнг, файлдаги ҳар қандай, ҳатто сигналграмма мазмунига боғлиқ бўлмаган энг кичик ўзгариш ҳам осонликча аниқланади. Шу сабабли, хэшни ҳисоблаш сигналграммага оид файл биринчи марта олинган пайтда амалга оширилиши зарур, чунки олинган хэш қиймати кейинги барча амалиётларда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, интернет тармоғидан маълумотни кўчириш натижаларини расмийлаштириш босқичида мазкур тавсияга амал қилинмаган тақдирда ҳам хэшни ҳисоблаш кейинчалик (масалан, сигналграммани эшитиш ва кўриш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари жараёнида ёки суд-экспертиза тадқиқоти вақтида) албатта амалга оширилиши лозим.

Интернет тармоғидан маълумотларни кўчириш натижаларини қайд этишнинг якуний босқичи — олинган видеофонограммаларни ахборот ташувчига (одатда, оптик дискка) ёзишдир. Ушбу тадбир натижалари қайд этилган ҳужжатларда ахборот ташувчисининг (компакт-дискнинг) хусусиятлари, жумладан, унинг серия рақами албатта кўрсатилиши лозим.

Шу билан бирга, ахборотни сақлаш учун кўп марта ёзиш мумкин бўлган ташувчилардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги асосли кўрсатмаларга қарамадан, амалиётда рақамли далилларни сақлашда қайта ёзиладиган ташувчилардан фойдаланиш ҳолатлари ҳануз давом этмокда.

Дискни ёзишда баъзи ёзиш режимлари ёзилган маълумотларга ўзгартириш киритиш имконини берадиган хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиш лозим. Масалан, Task-At-Once (ТАО, «Бир йўлак бўйича ёзиш») режимида маълумотлар бир йўлак (сессия) бўйича ёзилади ва диск «ёпилмаган» ҳолда қолади (яъни диск ёпилгани ҳақида ёзув амалга оширилмайди), бу эса кейинчалик унга қўшимча маълумот ёзиш имконияти борлигини билдиради.

Мултисессия режими ҳам дискка кейинроқ қўшимча маълумот қўшиш имконини беради. Ҳар бир сессияда сессия бошланиши (lead-in), кейин маълумотлар ва сессия тугаши (lead-out) ҳақидаги маълумотлар сақланади. Мултисессия режимида ёзишда, аввалги ёзувлар тузилмаси ҳақидаги маълумотлар янги сессияга кўчирилади ва улар тахрирланиши мумкин.

Шу тариқа, фойдаланувчи керак бўлмаган ёки эски маълумотларнинг тузилмаси ҳақидаги маълумотларни янги мазмунлар рўйхатига (ТОС — Table Of Content) қўшмасдан ўчириши мумкин. Ҳатто фойдаланувчи учун керак бўлмаган маълумотларни компакт-дискдан «ўчириш» имконияти мавжуд, гарчи бу маълумотлар жисмонан дискда қолаверса ҳам ва махсус дастурий таъминот ёрдамида тикланиши мумкин бўлса-да.

Шу сабабли, фақат бир марта ёзиладиган дискларга (CD-R, DVD+R, DVD-R, BD-R) ва фақат Disc-At-Once (DAO, «Диск бир мартада») режимида ёзиш тавсия этилади.

Юқорида қайд этилган барча процессуал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 205-моддалари талаблари асосида Интернет жаҳон ахборот тармоғини кўздан кечириш ва рақамли далилларнинг таркибий қисмини ташкил қилувчи электрон маълумотларни мутахассис иштирокида кўздан кечириб олиш лозим бўлади. Кўздан кечириш давомида Интернет тармоғидаги видеоматериаллардан нусха олишда Chrome Video Downloader Professional, Keepvid Video Downloader, Video Downloader Pro, Video Downloader Helper каби дастурий таъминотларнинг имкониятидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, кўздан кечириш баённомасида нусха олинган материалнинг хэш қийматини киритиш, аудио-видеоматериалнинг айнан қайси сўз билан бошланиши ва тугашини кўрсатиш билан бирга ушбу баённомага скриншотларнинг илова қилиниши унинг келгусида ЖПКнинг 95-моддасига асосан номақбул далил деб топилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тезкор-қидирув тадбирлари ёки тергов ҳаракати натижасида аниқланган интернет жаҳон ахборот тармоғи саҳифасининг электрон манзилида ваколатли ташкилотлар томонидан мониторинг ўтказиб, мазкур саҳифада жойлаштирилган материалларни олиш тўғрисида сўров юбориш орқали ҳам электрон маълумотларни тўплаш имкони мавжуд.

Кўрсатилган амалларни бажариш интернет тармоғида жойлаштирилган экстремистик материаллар нусхаларининг мувофиқлигини таъминлашга, шунингдек, рақамли далилларнинг ўзгармаслигини текшириш имкониятини яратишга бевосита хизмат қилади.

Нодирхон НАЖМИТДИНОВ,

*Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/01/08/content/>
2. <https://ru.wiktionary.org/wiki/>
3. IOCE: Principles. <<http://www.ioce.org/core.php?ID=5>>
4. <http://www.arpoon.de/checksum.html>
5. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (Кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси. "Baktria press". Toshkent. 2020. 141-145 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 01.04.1995.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ИНДЕКСЛАР ВА СУД ИСЛОҲОТЛАРИ: ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва уларнинг халқаро рейтинг ҳамда индексларда мамлакат мавқеини яхшилашга қаратилган таъсири таҳлил қилинади. Мамлакатнинг ҳуқуқий давлат сари интилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жинойatchиликнинг олдини олиш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар илмий таҳлил қилинади. Шунингдек, World Justice Project Rule of Law Index, Transparency International Corruption Perceptions Index, Worldwide Governance Indicators каби халқаро кўрсаткичлар мисолида Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Ўзбекистон, суд ислоҳотлари, қонун устуворлиги, халқаро рейтинглар, халқаро индекслар, World Justice Project Rule of Law Index, Transparency International Corruption Perceptions Index, суд мустақиллиги, суд жараёнларини рақамлаштириш.

2024 йил Ўзбекистон учун халқаро рейтинг ва индекслардаги мавқеини яхшилаш борасида муҳим босқич бўлди. Мамлакатнинг очиклиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, иқтисодий рақобатбардорлик ва давлат бошқаруви самарадорлиги бўйича кўрсаткичларни яхшилаш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда Ўзбекистон 9 та устувор халқаро рейтингда ўз натижаларини яхшилашга эришган. Бу мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ошганини ва амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июндаги Фармони мамлакатда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш жараёнини мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Фармонга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларининг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини яхшилаш учун мустаҳкам институционал база яратилди. Бунинг натижасида парламент назорати кучайтирилиб, қонун чиқарувчи ҳокимият халқаро рейтингларнинг ривожланиш динамикасини мунтазам таҳлил қиладиган, мавжуд муаммоларга тезкор чора кўрадиган орган сифатида фаолият юритмоқда.

Мазкур фармон асосида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика Кенгаши ташкил этилди. Бу органнинг асосий мақсади — мамлакатдаги ислоҳотлар натижасини халқаро индикаторлар орқали тизимли баҳолаш ва давлат органлари фаолиятини глобал стандартларга яқинлаштиришдан иборат.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари халқаро рейтингларда, айниқса Rule of Law Index ва Corruption Perceptions Index каби кўрсаткичларда мамлакат позициясини яхшилашга қаратилган. Ушбу ислоҳотлар қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

- суд мустақиллигини кучайтириш — судьяларни тайинлаш ва озод қилиш жараёнларини қайта кўриб чиқиш, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилиши учун кафолатларни мустаҳкамлаш;
- маъмурий судлар тизими — фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари қарорларига қарши шикоят қилиш имкониятини кенгайтириш;
- одил судлов принципларини амалда таъминлаш — суд жараёнларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, адвокатура институтини ривожлантириш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш;
- суд тизимини рақамлаштириш — электрон мурожаатлар, онлайн суд мажлислари, автоматлаштирилган ҳужжат айланиши каби янгиликлар орқали шаффофликни ошириш ва инсон омилини камайитириш. Мазкур ўзгаришлар қонун устуворлигини мустаҳкамлаб, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатидаги имижини яхшилади.

Ушбу Республика Кенгашининг ташкил этилиши натижасида давлат органлари фаолияти тизимли мувофиқлаштирилди, парламент назорати кучайтирилди ва индикаторларга асосланган ислоҳотлар жараёни йўлга қўйилди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, адолатлилик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Халқаро рейтинглар эса ушбу жараёнларнинг самарадор-

лигини баҳолаш ва муаммоларни аниқлашда илмий-назарий асос сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, халқаро рейтинг ва индекслар давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотларни объектив баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини ўлчашда муҳим илмий-назарий асос сифатида хизмат қилади. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва уларни халқаро стандартлар билан таққослашда бу индекслар муҳим кўрсаткич вазифасини бажаради. Қуйида энг нуфузли учта индекс — World Justice Project Rule of Law Index, Corruption Perceptions Index ҳамда Global Competitiveness Indexнинг аҳамияти кенгроқ ёритилади.

1. World Justice Project Rule of Law Index (WJP ROLI) — дунёдаги энг нуфузли ҳуқуқий баҳолаш инструментларидан бири бўлиб, ҳар йили 140 дан ортиқ мамлакатда қонун устуворлиги даражасини ўрганади. Унинг методологияси фуқаролар ва мутахассислар ўртасида сўровномалар ўтказиш, статистик маълумотлар ва ҳуқуқий таҳлилларга асосланади. Индекс 8 асосий мезонини қамраб олади:

- ҳукумат ваколатларининг чекланганлиги;
- коррупциянинг мавжудлиги;
- очик ва ҳисобдор ҳукумат;
- асосий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- тартиб ва ҳавфсизлик;
- қонунларни бажариш сифатлари;
- фуқаролик адлияси;
- жинойatchилик адлияси.

Суд мустақиллиги ва одил судлов кўрсаткичлари мазкур индексда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилиши, давлат органлари ва сиёсий таъсирдан холи бўлиши, суд жараёнларининг очиклиги ва адолатлилиги чуқур таҳлил қилинади. Ўзбекистон учун бу индекснинг аҳамияти шундаки, у амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳақиқий самарасини халқаро миқёсда баҳолаш имконини беради.

2. Corruption Perceptions Index (CPI) — Transparency International ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилинадиган ва давлатлардаги коррупция даражасини баҳолайдиган энг нуфузли рейтинг ҳисобланади. Индекс мамлакатларни 0 дан 100 гача бўлган ўлчовда баҳолайди (0 — юқори даражадаги коррупция, 100 — коррупциядан холи муҳит).

СРнинг методологияси турли халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Африка тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ва бошқалар) ҳамда хусусий сектор таҳлилларига асосланади. У асосан давлат хизматлари шаффофлиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат харидлари ва молиявий ҳисоботлар очиклиги, журналистлар ва фуқаролик жамияти фаолияти учун эркин муҳит каби мезонларни ўрганади.

Ўзбекистон учун СРнинг аҳамияти жуда катта. Сўнгги йилларда давлат хизматларини рақамлаштириш, давлат харидларини очиклаштириш, жамоatchилик назоратини кучайтириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилиكنи такомиллаштириш натижасида мамлакат позицияси аста-секин яхшиланмоқда. Бу ўзгаришлар CPI орқали халқаро миқёсда тан олинади ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.



3. Global Competitiveness Index (GCI) — Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) томонидан ишлаб чиқилган ва давлатларнинг иқтисодий рақобатбардорлиқ даражасини баҳолайдиган комплекс индексдир. У иқтисодий барқарорликдан тортиб инновация ва рақамли трансформацияга қадар 12 та асосий йўналишни қамраб олади. Шу билан бирга, ҳуқуқий муҳит ва қонун устуворлиги GCIнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади.

GCI куйидаги мезонларни чуқур ўрганади: молиявий бозорлар барқарорлиги; мулк ҳуқуқлари ва шартномаларнинг ҳуқуқий ҳимояси; суд тизими самарадорлиги; давлат секторининг шаффофлиги; рақамли инфратузилма ва инновация муҳити.

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, давлат хизматларини рақамлаштириш, мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва шартномаларни суд орқали адолатли ҳимоя қилиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатнинг GCIдаги позициясини яхшилашга хизмат қилади. Бу эса хорижий сармоядорлар учун ҳуқуқий қафолатлар ва барқарор иқтисодий муҳит мавжудлигини кўрсатади.

Хуллас, халқаро рейтинг ва индекслар — нафақат ташқи баҳолаш воситалари, балки давлат сиёсати самарадорлигини ўлчашда илмий таҳлил ва стратегик йўналиш белгилашда муҳим механизмдир. WJP Rule of Law Index орқали қонун устуворлиги ва суд мустақиллиги баҳоланса, Corruption Perceptions Index давлат бошқарувида шаффофлик ва коррупцияга қарши кураш даражасини кўрсатади, Global Competitiveness Index эса иқтисодий муҳит ва ҳуқуқий асосларнинг рақобатбардорлигини таҳлил қилади.

Давлат органлари ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб, аниқ рақамлар ва индикаторларга асосланган ҳолда ислохотлар стратегиясини белгилайди. Шу тарзда халқаро индекслар нафақат ташқи баҳолаш воситаси, балки ички ислохотлар йўналишини белгилашда таҳлил ва қарор қабул қилиш механизмига айланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараён нафақат суд ишларини юришти самарадорлигини ошириш, балки ошкоралик, шаффофлик ва фуқароларнинг адолатли судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадига амалга оширилмоқда. Куйида ушбу йўналишдаги айрим асосий жиҳатлар ва амалга оширилган ишлар ёритилади.

1. Суд қарорлари ва маълумотлари учун очиқ маълумотлар портали. Судлар фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадига суд қарорларини оммавий равишда эълон қилиш тизими йўлга қўйилди. Шу орқали фуқаролар суд қарорлари билан танишиш имкониятига эга бўлди, журналистлар ва ҳуқуқшунослар суд амалиётини таҳлил қилиш учун очиқ маълумотлардан фойдалана олади ҳамда суд тизимида шаффофлик ва ҳисобдорлик кучайди. Бундай очиқлик халқаро стандартларга мос бўлиб, фуқаролик жамияти ва ОАВнинг назорат функциясини кенгайтиради.

2. Суд статистикасини рақамли таҳлил қилиш ва назорат тизимлари. Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида суд ишлари бўйича маълумотлар йиғилиб, автоматик таҳлил қилинади. Бу тизимлар орқали: судларда кўриб чиқилаётган ишлар сони, муддати ва мазмуни ҳақида статистик маълумотлар шакллантирилади; судлар фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинглар ва таҳлиллар тайёрланади; парламент ва давлат идоралари тизимли равишда суд тизимининг ҳолати ва муаммоларини мониторинг қилиши мумкин бўлди. Бу тизимлар давлат органларига илмий-аналитик маълумотлар асосида қарор қабул қилиш имконини яратади.

3. Халқаро тажрибага мос рақамлаштириш. Ўзбекистон суд тизимида рақамлаштириш жараёнлари жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштирилмоқда. Хусусан: Европа ва Осиё мамлакатларида қўлланадиган онлайн судлов амалиётлари асосида миллий электрон платформалар ишлаб чиқилди; халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш стандартлари жорий қилинмоқда; суд жараёнларининг шаффофлигини таъминловчи технологиялар (автоматик тақсимот тизимлари, электрон архивлар) ишлаб чиқилди.

4. Самара ва халқаро кўрсаткичларга таъсири. Судларда ахборот технологияларининг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг суд тизимида муносабат қилиш жараёни енгиллашди ва тезлашди, судлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорлик ошди, коррупция хавфи камайди ва қарор қабул қилиш жараёнида инсон омилининг таъсири қисқарди ҳамда халқаро рейтингларда, айниқса World Justice Project Rule of Law Index ва Corruption Perceptions Indexда мамлакат кўрсаткичлари яхшиланишига туртки бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, World Justice Project маълумотларига кўра, Ўзбекистонда судьялар мустақиллиги бўйича рейтинг 2020 йилда 85-ўриндан 2024 йилда 65-ўринга кўтарилди. Бу суд ҳокимиятининг сиёсий ва маъмурий таъсирдан холи бўлаётганини кўрсатади.

Суд ҳужжатларини онлайн кўриш, ариза ва даъво бериш имконияти яратилди. Бу каби механизмлар фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини ошириш, қонунлар ижросини адолатли таъминлаш ва халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Ўзбекистон 2024 йилда 0,49 балл тўплаб, 142 та давлат ичида 83-ўринни эгаллади (қониқарли). Индексда суд тизимига оид бир қатор субиндикаторларда ижобий динамика қайд этилди:

жиноятчиликнинг самарали назорат қилиниши — 0,90 балл, 25-ўрин (яхши); фуқаролик тўқнашувларининг чекланганлиги — 1 балл, 101-ўрин; “самосуд” ҳолатларининг камлиги — 0,79 балл, 16-ўрин (қониқарли); ахлоқ тузатиш тизимининг самараси — 0,64 балл, 22-ўрин (қониқарли); суриштирув ва дастлабки тергов самарадорлиги — 0,51 балл, 38-ўрин (қониқарли); жиноий одил судлов тизимининг коррупциядан холи бўлиши — 0,46 балл, 84-ўрин.

Айрим соҳаларда паст кўрсаткичлар сақланиб турибди (масалан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, айбланувчилар ҳуқуқлари ва митинглар ўтказиш эркинлиги), ammo умумий динамика ижобий бўлиб, суд тизимида амалга оширилган ислохотлар халқаро баҳолашда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, рақамлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ислохотлар жиноятчиликнинг олдини олиш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашда аниқ натижа бермоқда. Халқаро рейтинглар — хусусан, World Justice Project Rule of Law Index ва Transparency International Corruption Perceptions Index — бу ўзгаришларни қайд этмоқда ва мамлакатнинг халқаро имижини яхшиламоқда. Илмий асосланган криминология сиёсати, профилактика марказлари ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш эса келгусида ҳам суд тизими самарадорлигини ва жамоат хавфсизлигини оширишга хизмат қилади.

Лайло НАЗАРОВА,

Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. World Justice Project. Rule of Law Index 2020–2024 йиллар ҳисоботлари. – Washington, D.C., USA. <https://worldjusticeproject.org>
2. Transparency International. Corruption Perceptions Index 2021–2024 йиллар ҳисоботлари. – Berlin, Germany. <https://www.transparency.org>
3. Жаҳон банки (World Bank). Worldwide Governance Indicators. – Washington, D.C., USA. <https://info.worldbank.org/governance/wgi>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июндаги фармони. – «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати. Танзила Нарбоева нутқи – халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистон натижалари ҳақида (2024 йил).
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. Жиноятчилик ҳолати ва унинг олдини олишга оид статистик маълумотлар, 2019–2024.
7. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти. Ўзбекистонда жиноятчиликни олдини олиш ва халқаро рейтинглар бўйича таҳлилий маълумотлар (2025 йил).
8. UZA.uz. Сенат раиси Танзила Нарбоева халқаро рейтинглардаги натижалар ҳақида маълумот берди. – 2024 йил. <https://uza.uz>
9. UzDaily.uz. Президент қарори ва парламент назорати кучайтирилиши ҳақида хабар. – 2024 йил. <https://www.uzdaily.uz>
10. БМТ (United Nations). World Happiness Report 2024. – New York, USA. <https://worldhappiness.report>
11. Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum). Global Competitiveness Index ҳисоботлари, 2020–2024. – Geneva, Switzerland. <https://www.weforum.org>

ВАСИЯТНОМАГА ОИД ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада муаллиф васиятнома институтининг турли давлатлардаги тарихи, ҳуқуқий ривожланиши, шаклланган аънаналар ва қонунчилик тажрибасини таҳлил қилган. Германия ва Ўзбекистонда нотариал васиятномалар, қўлёзма ва ёпиқ (махфий) васиятномалар тафовутлари ҳамда умумий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, эр-хотиннинг биргаликдаги ва ўзаро васиятнома институтлари, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда замонавий жамиятдаги аҳамияти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: васиятнома, нотариал васиятнома, қўлёзма васиятнома, ёпиқ васиятнома, эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси, мерос, фуқаролик қонуни, ҳуқуқий таҳлил, хорижий тажриба.

Васиятнома институти турли давлатларда тарихий-ҳуқуқий ривожланиш ҳамда шаклланган аънаналар ва қадриятлар негизида ривожланган. Бунда муайян мамлакатда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, халқнинг дунёқараши, диний ва ахлоқий ҳамда сиёсий омиллар таъсир кўрсатган. Шу асосда ҳар бир мамлакат фуқаролик қонунчилиги васиятнома институтига оид ўзига хос қоидаларни яратган. Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқи, айни пайтда ундаги васиятнома институти қитъа ҳуқуқ оиласига киришини инобатга оладиган бўлсак, мазкур ҳуқуқ оиласи Рим фуқаролик ҳуқуқининг таъсири натижасида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис дастлаб қитъа ҳуқуқига мансуб давлатларнинг васиятномага оид тажрибасини кўриб чиқишимиз ўринли ҳисобланади.

Қитъа ҳуқуқ оиласида фуқаролик ҳуқуқи ривожланишига энг катта таъсир кўрсатган мамлакатлардан бири бу – Германия ҳисобланади. Германия қонунчилигида васиятноманинг қўлёзма, нотариал тасдиқланган, фавқулодда ҳолатларда тузилган ва эр-хотиннинг қўшма васиятномаси ҳамда мерос шартномаси каби турлари амал қилади. Бунда мерос шартномаси – ҳам васиятнома, ҳам шартнома хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон ФКда бу 1125-моддада мустаҳкамланган. Унга кўра, нотариал васиятнома мерос қолдирувчи томонидан шахсан ёзилади ёки унинг сўзлари асосида нотариус томонидан баён қилинади. Агар васиятнома нотариус ёрдамида ёзилса, мерос қолдирувчи уни шахсан ўқиб чиқиши шарт. Агар бунинг иложи бўлмаса, нотариус матнни овоз чиқариб ўқиб беришга мажбур ва бу ҳақда тегишли қайд васиятномада акс эттирилади. Шундан сўнг мерос қолдирувчи уни шахсан имзолайди. Агар мерос қолдирувчи хоҳласа, васиятнома тузиш жараёнида гувоҳнинг қатнашиши ҳам мумкин.

Германияда эса бу ГФК 2232-§ билан тартибга солинади. Васият қилувчи нотариусга ўз охириги иродасини оғзаки билдириши ёки ёзма тарзда баённомани тақдим қилиши мумкин. Нотариус васиятномани расмийлаштириб, имзолайди. Бу ерда васиятномани шахсан мерос қолдирувчи ёзгани ёки йўқлиги аҳамият касб этмайди.

Бундай турдаги васиятнома мерос қолдирувчи томонидан нотариусга икки нафар гувоҳ иштирокида ёпиқ конвертда топширилади. Гувоҳлар конвертни имзолаш орқали васиятнома махфийлигини таъминлайди. Агар улар бу талабни бузса, мерос қолдирувчи Германия қонунчилиги асосида улардан маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Конверт гувоҳлар иштирокида яна бир конвертга жойланиб, нотариус томонидан муҳрланади. Конверт устида мерос қолдирувчи ҳақидаги маъ-

лумотлар, васиятнома қабул қилинган сана ва жой, шунингдек гувоҳларнинг шахсий маълумотлари қайд этилади.

Нотариус васият қилувчини меросдаги мажбурий улуш ҳақида хабардор қилиши шарт. Бу ҳақда ҳам конвертда қайд ёзилади. Шундан кейин васиятнома судга сақлаш учун топширилади ва суд томонидан тегишли ҳужжат берилади. Васиятнома фақат мерос қолдирувчи вафот этганидан сўнг, ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида очилади. Унинг матни нотариус томонидан камида икки нафар гувоҳ ва меросхўрлар иштирокида очик ўқилади ва бу ҳақда протокол тузилади. Васиятнома матни эса суд архиви ёки сейфига топширилади¹.

Юқоридаги қоидалар таҳлил қилиниб, хулоса қилиш мумкин, Ўзбекистон ва Германияда нотариал васиятнома тузиш жараёнлари кўп жиҳатдан ўхшаш. Бироқ, Ўзбекистон қонунчилигида алоҳида равишда махфий васиятнома (ФКнинг 1125-моддаси) назарда тутилган. У албатта мерос қолдирувчи томонидан шахсан ёзилиши ва имзоланиши шарт. Унинг ҳақиқий матни судда эмас, балки нотариусда сақланади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистондаги ёпиқ васиятнома бир томондан Германиядаги ёпиқ конвертдаги нотариал васиятномага ўхшашдир. Иккинчи томондан эса, унинг қоидалари қўлёзма васиятнома билан ҳам кўп жиҳатдан муштаракдир.

ГФКнинг 2247-§ асосида қўлёзма васиятнома мерос қолдирувчи томонидан шахсан ёзилиши, имзоланиши, санаси ва тузилган жойи кўрсатилиши шарт. Имзо мерос қолдирувчининг исми ва фамилиясини қамраб олиши лозим. Агар имзо бошқача шаклда бўлса ҳам, у мерос қолдирувчининг шахсиятини ва унинг иродасининг жиддийлигини аниқлаш имконини берса, васиятнома ҳақиқий ҳисобланади².

Васиятнома оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин. Оғзаки васиятнома тури амалиётда жуда кам учрайди, бироқ ҳозирга қадар у Туркия ва Латвия каби айрим давлатлар қонунчилигида қўлланилади. Шу билан бирга, Германия, Венгрия, Польша, Исроил, Хитой, Италия, Швейцария ва бошқа мамлакатларда оғзаки васиятнома тузишга фақат алоҳида ҳолатларда, яъни фавқулодда вазият юзага келгандагина йўл қўйилади³.

Англия, Исроил ва Испания каби айрим мамлакатларда оғзаки васиятнома ҳарбий хизматда бўлган аскарлар ёки денгиз сафарларида бўлган денгизчилар учун назарда тутилган. Шунингдек, мерос қолдирувчининг иродаси аудио ёки видео ёзув ускуналарида қайд этилган ҳолларда ҳам оғзаки васиятнома кўринишида юзага келиши мумкин.

Деярли барча турдаги васиятномалар ёзма шаклда тузилади. Айрим мамлакатларда уларга фақат фавқулодда вазиятлардагина йўл қўйилади. Шунингдек, нотариал тарзда тас-



диқланган (очиқ ёки ёпиқ) ёки унга тенглаштирилган шаклдаги васиятномалар ҳам мавжуд.

Кўплаб мамлакатларда васиятнома нафақат якка шахснинг бир томонлама битими сифатида, балки икки ёки ундан ортиқ шахс иштирокидаги якка битим, шунингдек икки томонлама битим ёки шартнома сифатида ҳам эътироф этилади. Бунга мисол сифатида ўзаро, қўшма васиятномалар ва мерос шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Биргаликдаги васиятнома моҳиятига кўра, икки ёки бир нечта мерос қолдирувчи бир-бирини ворис қилиб тайинлайди ва ўзаро мажбуриятларни ўз зиммасига олади, уларнинг амал қилиши эса бошқаларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ бўлади. Эр ва хотиннинг қўшма ёки умумий васиятномаси эса ҳар икки мерос қолдирувчининг умумий ният ҳамда иродасини ифодалаши билан тавсифланади.

Рим ҳуқуқида ўзаро васиятномалар ёки мерос шартномаларини тузишга йўл қўйилмаган⁴.

Бироқ, Англия, Шотландия, Германия, Австрия ҳамда АҚШда (Луизианадан ташқари барча штатларда) биргаликдаги ва ўзаро васиятномалар тузишга йўл қўйилади. Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ва Украина каби МДҲ давлатларида фақат эр-хотин томонидан ўзаро мерос қолдириш ҳусусида биргаликдаги васиятнома тузиш ҳуқуқи қонуни белгиланган.

Литва ва Эстониянинг “Мерос тўғрисида”ги Қонуни (89-модда)⁵ ҳам эр-хотин учун қўшма васиятнома тузиш имкониятини назарда тутди ва унда улар бир-бирини меросхўр қилиб тайинлайдилар. Латвия Республикасининг Фуқаролик қонуни⁶ эса нафақат эр-хотинга, балки бир-бирини ўзаро меросхўр қилиб белгилайдиган икки ёки бир нечта фуқароларга ҳам ўзаро васиятнома тузиш ҳуқуқини тақдим этади.

Арманистон, Беларусь, Франция ва Болгария каби давлатларда эса биргаликда ва ўзаро васиятномалар тақиқланган⁷. Швейцария ҳуқуқида бундай васиятномаларни тузишга тўсқинлик қилувчи аниқ норма мавжуд эмас, бироқ суд амалиётида улар ҳақиқий эмас, деб топилади⁸.

Қирғизистон Республикасида эса васиятнома тузиш учун ягона шахс – васият қилувчининг иродаси етарли, деб ҳисобланади. Гарчи икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан васиятнома тузиш мумкин эмаслиги тўғрисида қонунга аниқ нормалар киритилмаган бўлса-да, бу тартиб ҳам Қирғизистон, ҳам Қозоғистон, Тожикистон ва Молдова қонунчилигида назарда тутилмаган. Шу боис мазкур давлатларда қўшма ёки ўзаро васиятнома тузиш имкони мавжуд эмас.

Мерос ҳуқуқининг бундай институти – эр-хотиннинг қўшма васиятномаси энг мукамал тарзда Германия қонунчилигида ишлаб чиқилган. Бундай васиятнома шакли шундан иборатки, уларнинг умумий васияти икки васият ифодасидан ташкил топади: ҳар бири ўз мулки бўйича тасарруф қилади ва натижада улар иродаларининг уйғунлиги акс этган ягона ҳужжат юзага келади. Бошқача айтганда, эр-хотин бир-бирини меросхўр этиб тайинлайди ҳамда тирик бўлган эр (хотин) вафот этгандан кейин уларнинг умумий мероси учинчи шахсга ёки шахсларга ўтиши ҳақида банд қиритилади.

Замонавий шароитда никоҳ ҳар доим ҳам умрбод давом этмаслиги мумкин. Аҳралишлар ва такрорий никоҳлар жамиятда оддий ҳолатга айланиб, кўпинча бир оилада турли никоҳлардан фарзандларнинг мавжуд бўлишига олиб келади. Бу эса мерос қолдирувчига яқин барча шахсларнинг манфаатларини ҳисобга

олишни тобора қийинлаштиради. Шу каби ҳолатларда қўшма васиятномадан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, биринчи навбатда, тирик бўлган хотин (эр) ўзининг одатдаги мулкий муҳитида яшашда давом этади; иккинчидан эса эр ёки хотиннинг мероси улар ҳаётлигидаёқ келишиб олинган шахс ёки шахсларга ўтади. Шу тариқа, бир вақтнинг ўзида ҳам тирик бўлган хотин (эр)нинг мулкий манфаатлари, ҳам уларнинг меросини қабул қиладиган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Эътиборни жалб этувчи жиҳатлардан яна бири шундаки, эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномасининг мазмунини тартибга солишчи Германия қонун ҳужжатлари диспозитив ҳусусиятга эга бўлиб, бу эр-хотинга ўзларининг шахсий вазиятидан келиб чиққан ҳолда энг мақбул вариантни танлаш имкониятини беради⁹. Шундай тартибда тузилган васиятнома мерос қолдирувчиларнинг ҳам, уларга яқин бўлган шахсларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш имконини яратади.

Бундай турдаги васиятномани эр-хотин иккови ҳам ҳаёт бўлган пайтда ўзгартиши ёки бекор қилиши мумкин. Бу жараён ҳам ўзаро келишув асосида, ҳам бир томонлама тартибда амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, биргаликдаги васиятнома тузиш жараёнида эр-хотин олдиндан қайси қоидалар ўзгармас ҳолда қолиши, қайсилари эса кейинчалик ўзгартирилиши мумкинлиги ҳақида шарт қўйишлари мумкин. Агар биргаликдаги васиятнома мавжуд бўлса, ундан кейин тузилган оддий васиятнома ҳақиқий деб эътироф этилмайди.

Шу нуқтаи назардан, Е.П. Путинцева таъкидлаган “эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси мерос ҳуқуқида пухта ва мантиқий институт бўлиб, у мерос қолдирувчига турли хил ҳуқуқий йўллари танлаш имкониятини тақдим этади”¹⁰ деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ва хорижий давлатлар тажрибасига суянган ҳолда айтиш мумкинки, эр-хотинга биргаликда васиятнома тузиш ҳуқуқини бериш ушбу институтни муваффақиятли амалга ошириш имкони мавжуд эканини кўрсатади. Шу боис уни ЎзР ФКга киритишда жиддий тўсиқлар мавжуд эмас.

Динора БЕКНИЯЗОВА,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хоменко С.М., Низиньковская В.В. Сравнительно-правовая характеристика отдельных вопросов наследования по завещанию в России и Германии // *Advances in law studies*. 2017. Том 5 № 4.
2. Малышева Е.М. Наследование по завещанию: правовые проблемы теории и практики // *Историческая и социально-образовательная мысль* - 2012. – № 3. – С. 272-276.
3. Авилов Г. Е., Вильданова М. М., Гайдаенко Н. И., Залесский В. В. Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно-правовое исследование. – М.: Норма, 2000. – С. 512–518.
4. Победоносцев К. П. Курс гражданского права. Часть вторая: Права семейственные, наследственные и завещательные. – М.: Статут, 2003. – 424 с.
5. Закон Эстонии «О наследовании» от 17 января 2008 г. – URL: <http://www.jus.ee/news/1/1639/-/4/>
6. Гражданский закон Латвийской Республики от 23 января 1937 г., введен в действие с 1992 г. – URL: <http://law.edu.lv/norm/norm.asp?normID=1260168&subID=100123791,100123794,100125690,100126221#text>
7. Болгарский закон «О наследстве». – URL: http://www.bulgar.in/laws-of-bulgaria-in-russianlanguage/the_law_of_inheritance_bulgaria/
8. Блинов О.Е. Общие тенденции развития наследственного права государств – участников Содружества Независимых Государств и Балтии : дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2009. – 158 с.
9. Путинцева Е. П. Способы выражения последней воли наследодателя по законодательству РФ и ФРГ // *Нотариальный вестник*. 2008. – № 1. – С. 31.
10. Путинцева Е. П. Способы выражения последней воли наследодателя по законодательству РФ и ФРГ // *Нотариальный вестник*. 2008. – № 1. – С. 32.

БУДАПЕШТ КОНВЕНЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ: МУВОФИҚЛИК ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Будапешт Конвенциясига Ўзбекистоннинг қўшилиши ва мамлакатимиз қонунчилиги (ЖК) кибержиноятларни криминализация қилиш бўйича Конвенция талабларига мос келиши таҳлил қилинади. Бироқ, самарали тергов учун процессуал ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги, хусусан, рақамли далилларни тезкор сақлаш ва 24/7 алоқа нуқтаси каби механизмларнинг ЖПКда йўқлиги асосий муаммо эканлиги кўрсатилган. Мақола муаллифи Конвенцияга аъзолик трансчегаравий киберкураш самарадорлигини оширишини, аммо бунинг учун ЖПКга тезкор процессуал нормалар киритиш ва кадрлар тайёрлаш зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: Будапешт Конвенцияси, кибержиноят, моддий ҳуқуқ, процессуал бўшлиқ, рақамли далиллар, 24/7 алоқа.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши шароитида кибержиноятлар хавфи глобал муаммога айланди. Ушбу турдаги жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун катта қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис, 2001 йилда Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Кибержиноят бўйича Будапешт Конвенцияси¹ кибержиноятларга қарши курашишда ягона ҳуқуқий стандартларни белгилайдиган асосий универсал халқаро ҳужжат сифатида эътироф этилади.

2024 йилда ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятлар сони кескин ошиб, 58 800 тага етган, бу эса 2023 йилга нисбатан 11 барабар кўпдир. Уларнинг 97,7 фоизини банк карталаридан ўғирликлар ташкил этиб, аксарияти фош этилмаган. Натижада, киберхавфсизлик бўлинмалари ходимлари ҳар ой ўртача 48 та фош этилмаган жиноят бўйича тезкор-излов йиғма жилдларини юритишга мажбур бўляпти, бу эса жиноятларни очиш самарадорлигини пасайтирмоқда².

Ўзбекистон Республикаси “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси³ доирасида ахборотлашган жамиятга ўтаётган бир пайтда рақамли макон хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифадир. Бу масала, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий кун тартибида ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ-153-сонли “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида (17-банд)⁴ Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига манфаатдор идоралар билан биргаликда, уч ой муддатда Конвенцияга “муайян шартлар асосида қўшилиш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва асослантирилган таклифларни киритиш” вазифаси юклатилган.

Шу нуқтаи назардан, миллий қонунчиликни Будапешт Конвенцияси талабларига мослаштириш мамлакатнинг киберхавфсизлик салоҳиятини ошириш ва халқаро тергов жараёнларига интеграциялаш учун зарур шарт ҳисобланади.

Будапешт Конвенцияси моддий ҳуқуқ доирасида кибержиноятларнинг тўрт гуруҳини криминализация қилишни талаб қилади⁵:

1. Компьютер тизимлари ва маълумотларга қарши жиноятлар;
2. Компьютер билан боғлиқ жиноятлар;
3. Контент билан боғлиқ жиноятлар;
4. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши.

Ўзбекистон Жиноят кодекси (ЖК) ушбу талабларнинг аксарияти асосан, “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” (278¹–278⁹-моддалар) бўлими орқали қамраб олган:

Конвенция талаби	ЖК моддаси ва мазмуни	Мувофиқлик даражаси
Illegal Access (Рухсатсиз кириш)	ЖК 278 ³ -модда: Ахборот тизимида рухсатсиз кириш.	Тўлиқ мос. Конвенциянинг асосий талабига бевосита жавоб беради.
Data Interference (Маълумотларга аралашуш)	ЖК 278 ⁴ -модда: Компьютер ахборотини модификациялаш, йўқ қилиш.	Юқори мослик. Фақат Конвенциядаги “яшириш” атамаси аниқ изоҳни талаб қилиши мумкин.
System Interference (Тизимларга аралашуш)	ЖК 278 ⁶ -модда: Компьютер тизимларининг ишлашини бузишга қаратилган ҳаракатлар.	Юқори мослик. Хавфли дастурий таъминот (вирус, троян) яратиш ва тарқатишни ҳам криминализация қилади.
Computer-related Fraud (Компьютер фирибгарлиги)	ЖК 168-модда: Фирибгарлик (компьютер воситасида содир этилган) назарда тутилган).	Қисман мослик. “Фирибгарлик” умумий моддаси амалда кибер фирибгарликни қамраб олади, аммо Конвенция бу турдаги ҳаракатларга алоҳида эътибор берилишини талаб қилади.
Child Pornography (Болалар порнографияси)	ЖК 129-модда: Вояга етмаганлар иштирокида порнографик маҳсулот тайёрлаш, тарқатиш.	Тўлиқ мос. Контент билан боғлиқ жиноятлар бўйича қатъий қонунчилик мавжуд.

Моддий ҳуқуқ нормалари бўйича Ўзбекистон қонунчилиги Конвенция талабларига жуда юқори даражада мос келади. Криминализация учун асосий тўсиқлар мавжуд эмас, балки мавжуд нормаларни Конвенция терминологияси асосида аниқлаштириш ва суд амалиётини ягона стандартга келтириш талаб қилинади.

Будапешт Конвенциясига аъзоликнинг энг қийин, аммо энг муҳим жиҳати унинг процессуал нормаларидир. Кибержиноятларда далил-

лар (маълумотлар) тез ўзгарувчан бўлгани сабабли, Конвенция аъзо давлатлардан қуйидаги тезкор процессуал чораларни талаб қилади⁶:

1. Рақамли далилларни тезкор сақлаш (Expedited preservation)

Конвенция талаби: аъзо давлатлар терговга оид маълумотлар ва трафик маълумотлари йўқотилишидан олдин уларни зудлик билан сақлаб қўйиш (Preservation Order) механизмини жорий этиши керак.



Ўзбекистон ЖПКда далилларни умумий тартибда сақлаш принциплари мавжуд (масалан, тинтув, олиб қўйиш орқали), бироқ айнан рақамли маълумотларга нисбатан қўлланиладиган ва суд рухсатисиз ҳам чекланган вақтга амал қиладиган махсус “тезкор сақлаш” тартиби мавжуд эмас. Бу Конвенция билан асосий номувофиқликдир.

2. Тезкор кириш ва тинтув (Real-time access and computer search)

- Конвенция талаби: Ҳукуматларга компьютер тизимларига кириш ва уларни тинтув қилиш, трафик маълумотларини реал вақтда йиғиш бўйича аниқ процессуал қоидалар зарур.

Ўзбекистон ЖПКга мувофиқ, тергов ҳаракатлари (тинтув, ушлаб туриш) суд қарори ёки прокурор санкцияси асосида

амалга оширилади. Бироқ, “трафик маълумотларини реал вақтда тўплаш” учун махсус ҳуқуқий тартиб ҳали белгиланмаган.

3. Халқаро ҳамкорлик (24/7 алоқа нуқтаси)

- Конвенция талаби: кибержиноятлар бўйича тезкор маълумот алмашиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун аъзо давлатлар томонидан 24/7 алоқа нуқтаси ташкил этилиши шарт.

- Ўзбекистонда чет давлатлар билан ҳуқуқий ёрдам икки ёки кўп томонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади, лекин 24/7 режимда ишлайдиган, кибертерговларга ихтисослашган марказий орган ҳали мавжуд эмас.

Будапешт Конвенциясига аъзоликнинг истиқболлари ва хатрлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

Йўналиш	Ижобий истиқболлар (афзалликлар)	Салбий хатарлар (муаммолар)
Қонунчиликни такомиллаштириш	ЖПКга тезкор сақлаш ва тезкор кириш каби замонавий, халқаро стандартларга мос механизмлар киритилади.	Инсон ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлар дахлсизлигига оид конституциявий нормалар билан мувофиқликни таъминлаш зарур.
Институционал ривожланиш	Прокуратура, ИИБ ва ДХХ ходимларининг рақамли далиллар бўйича малакаси ошади.	Хусусий сектор билан рақобат, моддий сабоҳият етишмаслиги.
Трансмилий тергов самарадорлиги	Трансчегаравий кибер-жиноятларни тезкор фош этиш имконияти ошади.	Халқаро сўровларга тез жавоб бериш учун ички ресурслар етишмаслиги.
Ҳуқуқий суверенитет	Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ортиб, глобал терговларда иштирок этиш имкони яратилади.	Миллий хавфсизлик ва суверенитет масалаларида мувозанатни сақлаш зарурати.

Ўзбекистон қонунчилиги кибержиноятларнинг моддий-ҳуқуқий (криминализация) жиҳатлари бўйича Будапешт Конвенцияси талабларига анча юқори даражада мос келади. Бироқ, самарали тергов олиб бориш учун Конвенцияда белгиланган процессуал механизмлар (тезкор сақлаш, реал вақтда трафик маълумотларини тўплаш, 24/7 алоқа нуқтаси) Миллий Жиноят-процессуал кодексига аниқлаштирилган тарзда киритилиши талаб этилади.

Ушбу Конвенцияга аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг киберхавфсизлик тизимини глобал стандартларга интеграция қилиш, трансмилий кибержиноятларга қарши самарали курашиш ва адолатли судловни таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий асос яратади. Бироқ, бу интеграция миллий ҳуқуқий суверенитетга хавф туғдирмаслиги, энг муҳими, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ва маълумотлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича кучли қафолатлар билан бирга олиб борилиши зарур.

Ўзбекистон Конвенцияга тўлиқ аъзо бўлишдан олдин, ЖПКга махсус “Рақамли далилларни сақлаш ва олиш тўғрисида”ги бобни киритиши, 24/7 алоқа нуқтасини ташкил этиши ва тегишли тергов органлари ходимларини қайта тайёрлаш орқали ички тайёргарликни яқунлаши мақсадга мувофиқ.

Конвенцияга аъзо бўлиш Президент қарори билан қўйилган вазифадан келиб чиқиб, киберхавфсизлик тизимини глобал стандартларга интеграция қилиш, трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва халқаро ҳуқуқий обрўни мустаҳкамлаш учун муҳим ҳуқуқий асос яратади.

Будапешт конвенциясига муайян шартлар асосида муваффақиятли қўшилиш ва унинг нормаларини самарали амалга ошириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар киритиш:

- ЖПКга “Рақамли далилларни сақлаш ва олиш” номили махсус боб киритиш. Бу боб рақамли далилларни йўқотилишдан олдин зудлик билан сақлаб қўйиш (Preservation Order) ва трафик маълумотларини реал вақтда олиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солади.

- Мазкур процессуал чоралар амалга оширилганда, фуқароларнинг шахсий маълумотлари дахлсизлиги ва конституциявий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи мустаҳкам суд назорати механизмларини жорий этиш.

2. Институционал ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш:

- Халқаро ҳуқуқий ёрдам сўровларига тезкор жавоб бериш учун Ички ишлар вазирлиги (Ички ишлар вазирлиги) ёки Бош прокуратура таркибида 24/7 режимда ишлайдиган Марказий алоқа нуқтаси (Central Contact Point) ташкил этиш ва зарур ресурслар билан таъминлаш;

- тергов ва тезкор-қидирув органлари ходимлари учун рақамли далилларни тўплаш, сақлаш ва тақдим этишнинг халқаро криминалистик стандартлари бўйича тизимли равишда қайта тайёрлаш дастурларини йўлга қўйиш.

3. Халқаро ҳамкорликни кучайтириш:

- Конвенцияга қўшилиш бўйича таклиф киритилганда Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик ва ҳуқуқий суверенитетига тааллуқли эҳтимолий хавф-хатарларини минималлаштириш мақсадида Конвенциянинг айрим моддаларига нисбатан изоҳлар (Декларациялар) киритиш имкониятини ҳар томонлама ўрганиш.

Абдуманнон САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тинловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Yevropa Kengashi. Kiberjinoat bo'yicha konvensiya. Budapesht, 2001-yil 23-noyabr. ETS No. 185.
2. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi (yoki IIV) Axborot xizmati ma'lumotlari, 2024-yil yakunlari bo'yicha hisobot (yoki: 2024-yil 9-oylik hisoboti).
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktyabrda PF-6079-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan "Raqqamli O'zbekiston - 2030" strategiyasi va uni amalga oshirish bo'yicha yo'l xaritasi.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-aprelda "Axborot texnologiyalari yordamida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-153-sonli Qarori.
5. Yevropa Kengashi. Kiberjinoat bo'yicha konvensiya. Budapesht, 2001-yil 23-noyabr. ETS No. 185, VII-bob (Moddiy huquq);
6. Yevropa Kengashi. Kiberjinoat bo'yicha konvensiya. Budapesht, 2001-yil 23-noyabr. ETS No. 185, II-bob (Protssessual huquq), 14-21-moddalar (ayniqsa, Tezkor saqlash va tintuvga oid qoidalar).



СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада давлатнинг ҳуқуқий сиёсатида рағбатлантиришнинг аҳамияти ва моҳияти, унинг ижобий томонлари, шунингдек, рағбатлантириш борасидаги илмий қарашлар ва амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий рағбатлантириш, мукофот, молиявий ва ижтимоий рағбатлантириш, механизм, имтиёз, ижобий натижа.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Айни чоғда тизимда ҳамон қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлигини очик тан олиш керак. Масалан, суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ҳамда лавозимга тайинлаш, судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмаган. Бу эса соҳада шаффофликнинг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун 2022 йил 8 август куни "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-788-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, давлат фуқаролик хизматида кириш тартиб ва шартлари каби бошқа бир қатор масалалар ҳуқуқий тартибга солинди. Жумладан, қонуннинг 44-моддасида давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш тартиби белгилаб берилди.

Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган жамиятда давлат хизматчилари томонидан фуқароларга самарали хизмат кўрсатиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса албатта давлат секторига энг муносиб кадрларни қабул қилиш, уларни фаолияти жараёнида муносиб рағбатлантириш лозим ҳисобланади.

Рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизми сифатида мукофотлаш тизими жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шу сабаб, давлат ўзининг ривожланиши давомида ҳаётнинг барча соҳаларини ва жамиятнинг барча қатламларини қамраб олувчи мукофотлар ва рағбатлантиришлар тизимида эга бўлиши керак. Жамиятдаги инқирозли вазиятлар эса алоҳида мукофотларнинг ҳамда умумий мукофотлаш тизимининг ҳолатига таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий рағбатлар ёрдамида тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка, фавқулодда ҳолатларга қарши кураш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш масалалари ҳал этилади, фуқароларнинг касбий фаолияти рағбатлантирилади ҳамда бошқа умумдавлат характерида эга масалалар ечимини топади.

Ҳуқуқий рағбатлантиришнинг умумий ижтимоий функцияларини яъни, мотивацион, ташкилий, прогностик, кафолатловчи, коммуникатив, баҳолаш, ижтимоий назорат ва тарбиявий функциялари билан бирга махсус ҳуқуқий функцияларини танлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳуқуқий рағбатлантириш ва унинг тўғри танлашдаги аҳамияти ҳақидаги умумэтироф этилган назарий ғояларга кўра, ҳуқуқий рағбатлантиришни амалга оширишнинг асосий хусусиятлари сифатида ҳуқуқий рағбатлантириш воситаларидан фойдаланишнинг мақсади

ва объектив зарурати жамият ҳамда давлат ҳаётининг турли соҳаларида ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий фойдали ва фаол хулқ-атворида бўлган эҳтиёжи эканлиги таъкидланади.

Ҳуқуқий рағбатлантириш назариясида мақсаддан ташқари ҳуқуқнинг жамоат муносабатларига рағбатлантирувчи таъсирининг моҳияти ва мазмунини белгиловчи категориялар ҳам унинг асосий функциясидир.

Шу билан бирга Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланган. Чора-тадбирлар режаси 6 та йўналишдан иборат бўлиб, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш ва тизимда коррупциянинг олдини олиш, малака ҳайъатларини қайтадан шакллантириш, судьялик лавозимларига танловнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш, судьялар фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш, судьялар ва суд фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш ва судьялик лавозимида тайинлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда суд ҳокимиятининг чи-накам мустақиллигига эришиши, суд органларининг фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш йўлидаги кенг қамровли ислохотлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, самарадорликка асосланган рағбатлантиришлар, худди хусусий сектордаги каби, давлат секторидagi ишчиларнинг яхши хулқ-атворини рағбатлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, рағбатлантиришдан кўзланган мақсадга эришиш учун рағбатлантиришлар синовдан ўтказилган ва аниқ контекст учун мўлжалланган бўлиши керак. Бунда рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқишида, коррупциявий омиллар, ёмонроқ натижаларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар инобатга олин-ши, шу билан бирга яхшироқ ишлашга ундайдиган тарзда кўпроқ автономия ва ихтиёрийлик берилиши лозим.

Содиқ ТУРСОАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил тадқиқотчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Судьяларнинг чи-накам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олди-ни олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 7.12.2020 йилдаги ПФ-6127-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 04.08.2022 йилда "Давлат хизматини ислоҳ қилиш ва натижадорлигини ошириш" мавзусида ўтказилган видеоселекторда баён этган фикрлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30.04.2023й. <https://lex.uz/docs/6445145>

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАР УЧУН АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МЕХАНИЗМЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада тергов органлари томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мақолада тергов органлари фаолиятида адолатни таъминлаш йўлидаги муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: тергов органлари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, қонун устуворлиги, адолат, моддий ва маънавий зарар, инсон ҳуқуқлари.

Қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий мезонларга қарамасдан, афсуски, амалиётда тергов органлари томонидан асоссиз равишда шахсга моддий ва маънавий зарар етказилиши ҳолатлари ҳам кузатилиб туради. Бундай вазиятларда давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ва жабрланувчи шахснинг ҳуқуқларини тиклаш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Фуқаролик қонунчилигидан маълум ки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиkning бир тури сифатида деликт жавобгарлиги фуқаролар ва ташкилотларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида зарар кўрган шахсларнинг мол-мулк соҳасидаги йўқотишларини қоплашнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади. Зарарни қоплаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда Фуқаролик кодексига белгиланган қўйилган фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда адолатни тиклашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқ назариясидаги энг муҳим институтлардан бири бўлса-да, уни англаш ва талқин этишда ягона методологик ёндашув мавжуд эмас. Тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган турли назариялар ва ёндашувлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиkning моҳиятини очиб беришга хизмат қилган бўлса-да, умумий қабул қилинган ва бир хил мазмунга эга таъриф ишлаб чиқилмаган. Айниқса, ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасининг ўзи ҳам умумий ва баҳсли категория сифатида қолмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиkning шакллари ва турларини изоҳлашда турли қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтининг назарий асосларини мустаҳкамлашда дуч келинаётган асосий муаммолардан бири — айрим фундаментал масалаларга оид “умум эътироф этилган назарий ечим”нинг мавжуд эмаслигидир. Бу эса, бир томондан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувларга олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан, қонунчиликни янада такомиллаштириш жараёнида методологик бўшлиқларни ҳам юзага келтиради.

Шу сабабли, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиkning ўрганишда фалсафа, мантик, ҳуқуқ назарияси ва бошқа ижтимоий фанларнинг умумий илмий қондаларидан фойдаланиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, ушбу институтнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи махсус методологик асосларни ишлаб чиқиш, назарий жиҳатдан изчил ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган ёндашувларни шакллантириш долзарб вазифалар сифатида санаб ўтилади.

Шунингдек, россиялик олимлар Н.А. Духно ва В.И. Ивакиннинг фикрича, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва адолатни таъминлаш механизмлари амалий жиҳатдан фақат тўртта асосий, умум эътироф этилган ҳуқуқий жавобгарлик турига йўналтирилган. Улар қаторига жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик киради. Ушбу фикр, бир томондан, давлатнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда аниқ тизимлаштирилган ёндашувга эга эканини кўрсатса, бошқа томондан, ҳуқуқий жавобгарлик институтининг қўламини янада кенгрок талқин этиш заруратини ҳам юзага келтиради.

Мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, шартномавий сугурта институтининг ривожланиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиkning энг муҳим жиҳатларидан бири — компенсацион функциясини сезиларли даражада кучайтиради. Zero, зарар кўрган шахс учун нафақат ҳуқуқий адолатнинг тикланиши, балки етказилган моддий ёки маънавий зарарнинг реал ва ўз вақтида қопланиши ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Шартномавий сугурта тизими айнан шу эҳтиёжни қондиради, дейиш мумкин. Яъни, бунда зарар етказган шахснинг молиявий имкониятлари чекланган тақдирда ҳам, жабрланувчига сугурта тўловлари орқали тезкор ва реал компенсация олиш имконини беради. Бу эса, бир томондан, жабрланган тарафнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилса, иккинчи томондан, фуқаролик муомаласида иштирокчиларнинг ҳуқуқий барқарорлигини ҳам оширади. Шунингдек, бундай сугурта механизмларининг амалда қўлланилиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини янада такомиллаштириб, унинг компен-

сацион функциясини амалда самарали ишлашни таъминлайди. Шу тариқа, сугурта орқали зарарни қоплаш тизими фуқаролик муомаласида адолат ва барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим кафолатларидан бири сифатида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, тергов жараёнларини амалга ошириш давомида етказилган зарар учун жавобгарлик институтига сугурта механизмларини татбиқ этиш гоёси алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, амалиётда давлат органлари ёки бошқа ваколат берилган шахсларнинг фаолияти натижасида фуқаролар ва ташкилотларга зарар етказилиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай вазиятларда мавжуд жавобгарлик механизмлари ҳар доим ҳам зарарни тезкор ва тўлиқ қоплаб бера олмайди. Ушбу механизм орқали фуқаро дарҳол моддий-маънавий зарар компенсациясини олиши мумкин бўлган (суд қароридан кейин), амалий натижага эришилади. Давлат эса кейинчалик айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида маблағни ундириш имкониятига эга бўлади.

Шу боис, синовдан ўтган сугурта тизимининг мазкур соҳага жорий этилиши, бир жиҳатдан, жабрланган тарафнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш имконини берса, иккинчи томондан, давлат органлари хусусан тергов органлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятта бўлган ишонччи янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, бундай механизм фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтининг компенсацион функциясини кучайтириб, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, давлат органларининг, айнан тергов жараёнларини олиб боровчи органлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири — уларнинг ноқонуний қарорлари ёки ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарни қоплашнинг аниқ ва самарали механизмининг қонунчиликда мустаҳкамлашдир. Бундай ҳуқуқий кафолат, бир томондан, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш имконини берса, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг очиклиги ва масъулиятини таъминлаш орқали аҳолининг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бу соҳада сугурта тизимини амалга ошириш инсон ҳуқуқларини етарлича таъминланиши учун зарур асослардан бири сифатида хизмат қилади, дейиш мумкин.

Гулбаҳор ТУРСУНАЛИЕВА,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига умумий, махсус қисмлар 1995 й., 1996 й..
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги 29.08.1996 йилдаги 265-сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги 23.11.2021 йилдаги ЎРҚ-730-сонли қонуни.
5. Муаллифлар жамоаси О.Оқюлов таҳрири остида “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслик 1-қисм Т.ДЮИ нашриёти 2016 й.
6. Фуқаролик ҳуқуқи (II) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Раҳмонқулов, юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик институти “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, профессор И.Зокоров ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, юридик фанлари номзоди, доцент Ф.Отахоновларнинг умумий таҳрири остида. 2008 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ 3-жилд Тошкент 2013 й..
8. “Деликт мажбуриятлар: ижтимоий таъминотта оид ҳуқуқий муаммолар” М.Д.Зиядуллоев Тошкент 2015 й. <https://drive.google.com/file/d/1buSrnPvgbpbThZs82yJ155UgXUAK/view>
9. Е.А.Суханов “Россия фуқаролик ҳуқуқи” дарслик Том II мажбурият ҳуқуқи М. 2015 й.
10. Н.А.Иванова. Возмещение вреда, причиненного жизни или здоровью гражданина. Автореферат 2007 г. 9. С.С.Алексеев Гражданское право Учебник для вузов М. 2009 г. 10. М.Б.Смоленский, Е.В.Астапова, С.В.Михайлов Гражданское право учебник, Москва -2021.
11. Духно Н.А., Ивакин В.И. Понятие и виды юридической ответственности И Государство и право. 2000. № 4. - С. 15.

НЕЗАКОННЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ПОТОКИ И ВОЗВРАЩЕНИЕ АКТИВОВ: РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ ИНСТИТУТОВ

АННОТАЦИЯ: незаконные финансовые потоки (НФП) представляют собой одну из ключевых угроз устойчивому развитию, функционированию государственных институтов и финансовой стабильности. Возвращение активов, незаконно выведенных из стран происхождения, — критический элемент борьбы с коррупцией, организованной преступностью и отмыванием денег. В статье проводится комплексный анализ роли международных финансовых институтов (МФИ) — таких как Международный валютный фонд (МВФ), Всемирный банк (ВБ), ФАТФ и специализированные инициативы (например, StAR) — в противодействии НФП и содействии процессам репатриации активов. Обсуждаются механизмы взаимодействия, правовые и институциональные барьеры, лучшие практики и рекомендации по усилению координации. На основе анализа международного опыта формулируются практические рекомендации для повышения эффективности политики предотвращения НФП и возвращения активов.

Ключевые слова: незаконные финансовые потоки, возвращение активов, международные финансовые институты, отмывание денег, коррупция, международное сотрудничество, правовые механизмы, контроль капитала.

ABSTRACT: Illicit financial flows (IFFs) pose one of the key threats to sustainable development, the functioning of state institutions and financial stability. The return of assets illegally transferred from their countries of origin is a critical element in the fight against corruption, organised crime and money laundering. This article provides a comprehensive analysis of the role of international financial institutions (IFIs) — such as the International Monetary Fund (IMF), the World Bank (WB), the FATF, and specialised initiatives (e.g., StAR) — in countering IFF and facilitating asset repatriation processes. It discusses mechanisms for cooperation, legal and institutional barriers, best practices, and recommendations for strengthening coordination. Based on an analysis of international experience, practical recommendations are formulated to improve the effectiveness of policies for preventing illicit financial flows and returning assets.

Keywords: illicit financial flows, asset recovery, international financial institutions, money laundering, corruption, international cooperation, legal mechanisms, capital controls.

Введение

Незаконные финансовые потоки (НФП) — перемещение капитала, полученного преступным путём или с целью уклонения от применения закона, за пределы государства происхождения. К ним относятся, в частности, доходы от коррупции, уклонение от налогов, торговля наркотиками и иными запрещёнными товарами, торговля людьми и незаконная вырубка лесов. НФП разрушают фискальную базу государств, подрывают доверие к институтам, усиливают экономическую неравномерность и препятствуют достижению целей устойчивого развития¹.

Возвращение активов (asset recovery)² — юридический и практический процесс обнаружения, замораживания и репатриации средств и другого имущества, полученного незаконным образом. Процедура возврата активов часто сопряжена с огромными юридическими, техническими и политическими сложностями: недостаточная доказательная база, различия в правовых системах, длительность процессуальных действий, политическое сопротивление и пр.

Международные финансовые институты (МФИ) играют важную роль в адресации этих вызовов, предоставляя техническую помощь, стандарты, платформы для обмена информацией, аналитическую и финансовую поддержку. В данной работе рассматривается роль МФИ в борьбе с НФП и содействии возвращению активов, выявляются существующие пробелы и предлагаются практические рекомендации по усилению их эффективности.

Методология исследования

Статья базируется на критическом анализе существующих концептуальных подходов и международной практики, включающем:

- обзор международных стандартов и инициатив (ФАТФ, Конвенция ООН против коррупции, OECD, инициативы ВБ и МВФ);

- анализ механизмов сотрудничества между МФИ и национальными органами по борьбе с отмыванием денег и возвратом активов;

- сопоставление примеров успешных и проблемных кейсов репатриации активов (на обобщённом уровне, без ссылки на информацию, требующую проверки);

- формирование рекомендаций, основанных на принципах институциональной совместимости, прозрачности и подотчётности.

Исследование носит преимущественно качественный характер и направлено на формулирование политических и институциональных рекомендаций.

Понятие и масштабы проблемы

НФП имеют мультидименсиональный характер. Их источники разнообразны: коррупция топ-чиновников, коммерческая экономическая преступность, налоговая агрессия транснациональных фирм, «выхлоп» от незаконной торговли природными ресурсами. Масштабы проблемы трудно точно оценить из-за скрытого характера операций, но по оценкам международных

организаций ежегодные потоки достигают сотен миллиардов долларов в развивающихся странах, что существенно ограничивает их способность к развитию и снижению бедности.

Возвращение активов демонстрирует высокую социально-политическую ценность: возвращённые средства могут быть направлены на восстановление инфраструктуры, социальные программы и укрепление государственного управления. Однако судебные и трансграничные процедуры требуют координации между правоохранительными органами, судебными системами, финансовыми регуляторами и МФИ.

Роль международных финансовых институтов: функции и инструменты

МФИ выполняют несколько ключевых функций в борьбе с НФП и содействии возвращению активов:

Установление и продвижение стандартов МФИ и связанные с ними структуры разрабатывают международные стандарты, которые служат ориентиром для национальных политик:

Группа разработки финансовых мер по борьбе с отмыванием денег (FATF) формулирует рекомендации по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма, включая стандарты по идентификации выгодоприобретателей, контролю за трансграничными переводами и надзору за банковским сектором³.

МВФ и Всемирный банк интегрируют антикоррупционные и антимонопольные требования в программы технической и финансовой помощи, а также в оценки устойчивости макроэкономической политики.

Конвенция ООН против коррупции (UNCAC) создала базовый международный юридический каркас для возврата активов.

Стандарты служат универсальной основой, но их эффективность зависит от трансформации в национальное законодательство и практику.

Одной из ключевых ролей МФИ является предоставление технической помощи по укреплению национальных институтов: совершенствованию законодательной базы, повышению квалификации следователей и судей, созданию регистров бенефициарных владельцев, улучшению систем финансового надзора, формированию аналитических центров финансовой разведки (FIU). Примеры включают обучение персонала по расследованию финансовых преступлений, внедрение автоматизированных систем мониторинга транзакций и помощь в создании межведомственных координационных механизмов.

Финансовая поддержка и условность программ МБИ (международные банковские институты) могут предусматривать в рамках кредитных и грантовых программ антикоррупционные условия — от повышения прозрачности государственных закупок до реформ в управлении государственными финансами. Условность позволяет стимулировать реформы, но требует балансирования между жесткостью требований и рисками усугубления дефицита финансирования у уязвимых государств.

Посредничество и координация международного сотрудничества

Возвращение активов неизбежно требует трансграничной правовой помощи и сотрудничества. МФИ выступают как нейтральные координаторы и посредники: они

создают платформы для обмена информацией, инициируют двусторонние и многосторонние инициативы и поддерживают диалог между странами-донорами и странами-получателями.

Аналитика и мониторинг МФИ проводят аналитические исследования по масштабам НФП, уязвимым секторам экономики и эффективности политик. Аналитика помогает выявлять схемы отмывания, оценивать уязвимости в финансовой системе и отслеживать прогресс реформ.

Правовая помощь и судебные инструменты

Некоторые МФИ и связанные с ними программы помогают в разработке правовых механизмов для упрощения процедур конфискации и возврата активов, в том числе моделей меморандумов о взаимопонимании, типовых договоров о передаче доказательств и методологий оценки активов.

Проблемы и барьеры в деятельности МФИ по возврату активов

Несмотря на очевидные ресурсы и влияние, МФИ сталкиваются с рядом ограничений, сдерживающих эффективность их вмешательства⁴.

Разнообразие правовых систем и стандартов доказательств

Различия между континентальными правовыми системами, системой общего права и смешанными юрисдикциями создают сложности при признании и исполнении решений судов, обмене доказательствами и обеспечении конфискации. Высокие стандарты доказывания в одних юрисдикциях и низкие в других усложняют процессы.

Политическое вмешательство и недостаток политической воли

Возвращение активов часто включает интересы политических элит и мощных групп влияния как в странах происхождения, так и в странах хранения. МВФ и ВБ могут рекомендовать реформы, но влиять на внутреннюю политическую волю ограничено.

Отсутствие прозрачности и сложность финансовых схем

Использование многоуровневых корпоративных структур, офшорных юрисдикций, фиктивных сделок и криптоактивов усложняет трассировку и идентификацию источников средств. Стандартные инструменты мониторинга могут быть недостаточны.

Ограниченные ресурсы у национальных правоохранительных органов

Даже при наличии международной поддержки страны происхождения часто испытывают дефицит кадров, технических средств и судебного потенциала для ведения сложных трансграничных дел.

Конфликты между задачами стабилизации и правосудия

В рамках программ срочной макроэкономической помощи (например, программ МВФ при кризисе) действуют приоритеты по поддержанию макростабильности. Это может противоречить необходимости замораживания и конфискации крупных активов, если такие меры подрывают доверие или финансовую устойчивость партнёра.

Проблемы распределения и контроля возвращённых средств

Даже при успешной репатриации активов остаётся вопрос, как обеспечить прозрачное и результативное использование возвращённых средств. Риски коррупционного присвоения и непрозрачного распределения повышают обязательность международного мониторинга.

Лучшие практики и успешные подходы

На основе анализа практики можно выделить несколько эффективных подходов, где МФИ играют существенную роль:

Создание специализированных межведомственных механизмов

Согласованная работа финансовой разведки, прокуратуры, полиции, таможни и регулятора финансового сектора повышает оперативность расследований. МФИ оказывают поддержку в стандартизации процедур и обучении.

Трансформация стандартов FATF в национальное законодательство

Интеграция рекомендаций ФАТФ в национальные нормы — ключ к усилению надзора за финансовыми учреждениями и повышению прозрачности сделок. МФИ помогают адаптировать рекомендации к местным реалиям с учётом пропорциональности.

Использование «замороженных» фондов и целевых механизмов распределения⁵

В случаях, когда возвращаемые активы значительны, создание прозрачных трастов или специальных фондов, подотчётных международным партнёрам и гражданскому обществу, повышает доверие и снижает риск хищений. Здесь ВБ и донорские организации могут выступать в качестве наблюдателей или администраторов.

Применение технологий для отслеживания и анализа транзакций

Внедрение систем мониторинга, анализа больших данных и машинного обучения помогает выявлять аномалии и схемы отмывания средств. МФИ могут финансировать и обеспечивать передачу технологий.

Использование многосторонних соглашений и информационных сетей

Международный обмен информацией (через сети FIU, соглашения о правовой помощи, сотрудничество в рамках Интерпола и Еврюста) ускоряет обнаружение и пресечение схем. МФИ стимулируют и упрощают такое сотрудничество через платформы и мероприятия.

Привлечение гражданского общества и обеспечения прозрачности

Публичное обнародование механизмов использования возвращённых средств и вовлечение НПО и медиа повышают подотчётность и снижают риски коррупции. МФИ поддерживают инициативы по мониторингу расходов.

